

*Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги*

З.М. Бобур номидаги Андижон давлат университети

К. Турғунбоев, М. Ориқова

ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ АСОСЛАРИ

(ўқув қўлланма)

Андижон-2011

Масъул мұхаррир	Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди, М. Толипов
Тақризчилар:	педагогика фанлари номзодлари, доцент А.Й.Тешабоев, катта ўқитувчи З.Азимова

Мазкур ўқув қўлланма 5141800 – Педагогика ва психология таълим йўналиши бўйича билим олувчи талабалар, шу соҳа бўйича шуғулланувчи мутахассислар, шунингдек турли таълим муассасаларида фаолият юритувчи ўқитувчи ва тарбиячилар учун мўлжалланган бўлиб, унда инновацион таълим-тарбиянинг назарий, татбиқий ва ташкилий масалалари ёритиб берилган.

Муаллифлар: педагогика фанлари номзодлари,
доцентлар К.Турғунбоев, М.Ортиқова.

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий соҳаларида бўлаётган тезкор ўзгаришлар таълим тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукаммал таълим тизими орқали республикамизнинг келажак интеллектуал имкониятларини ва уни гуллаб яшнаши ҳамда ривожланишини белгилаб берувчи ёшларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи рол

ўйнайди. Шунинг учун таълимда энг муҳим стратегик йўналиш бўлиб таълим муассасаларини инновацион фаолияти ҳисобланади. Бу эса барча таълим муассасаларида, айниқса ижодкор, юқори салоҳиятли мутахассис педагог кадрларни тайёрловчи олий таълим орқали интеллектуал мулкни тайёрлаш ва интеллектуал мулк тизимини инновацион фаолият кўринишида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Олий таълим олдида турган юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда бўлғуси мутахассисларни инновацион жараёнларга тайёрлашда инновацион таълимнинг ўрни муҳимдир. Мазкур ўқув қўлланма шу мақсадда 5141800- педагогика ва психология, таълим йўналиш бўйича билим олаётган талабалар, педагог-ўқитувчилар ва шу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, унда таълим тизимида инновациянинг ўрни, инновацион фаоллик, педагогик инновацияни ҳаётга татбиқ этишининг ташкилий масалалари, янгиликлар киритиш мазмуни, ривожланиш режимида таълим муассасаларини технологик асосга ўтказиш, рефлексив инновацион технология, инновацион фаолиятга тайёргарликни ташхис қилиш, таълимнинг асосий ҳаракатлантирувчи мотивлари, мослаштириш стратегияси ва бошқа инновация масалаларига бағишлиланган мавзулар ўрин олган.

Мазкур курснинг таълимий мақсади: педагогик инновация ўқитувчиси эгаллаган билим, кўникма ва малакаларга таянган ҳолда, янги метод, шакл ва усулларни ижодий қўллаш орқали мустақил билиш фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида баҳс юритади.

Тарбиявий мақсад: олинган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллаш, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ривожлантирувчи мақсад: эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллаш, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда педагогик инновация фани билан боғлиқ барча масалалар тўла қамраб олинмагани сабабли мазкур ўқув қўлланмани мукаммаллаштиришда ва бу борада ўз таклифларини билдирган ўртоқларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИЯ

РЕЖА

1. Инновация, инновацион жараён ҳақида тушунча.
2. Таълим жараёнида инновацион таълимнинг ўрни.
3. Таълимда “Инновацион таълим технологиялари” ва “Инновацион таълим”нинг ўхшашлик томонлари ва фарқи.
4. Педагогик таълимда анъанавийлик ва инновация.



Асосий аълумотлар

1. Жамиятимизда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар келажакда мамлакатимизнинг интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланган таълим тизимиға ҳам боғлиқ эканлигини хисобга олиш керак. Шу билан бирга интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, сифат даражасида ривожлантириш нафақат таълим самарадорлигининг ошишига, шу соҳадаги тизим такомиллашувиға ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки мазкур ижтимоий тизимнинг барча соҳаларини ўсишига ҳам сезиларли даражада таъсир этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилаяпти. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва, энг муҳими, аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Бу ҳолат бугунги кунда ўта долзарблиги билан муҳимдир, чунки ушбу жараён (инновацион жараён) таълим муассасаларини яшаш шарти (бевосита ва кўчма маънода ҳам), келажак авлодлар ва педагоглар жамоасининг алоқаларини ижтимоий ҳимоялаш шарти бўлиб ҳам хизмат қиласди. Ҳаёт таълим муассасалари олдига янги, мумкин бўлмагандек туюлган вазифаларни, яъни эскичасига ишлаб туриб, аниқ янгиликларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишни олдимизга қўймоқда.

Барча янгиликларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашадиган, ўтмиш бойликларга, тажрибаларга эътиқод руҳида тарбияланган, стабилликни ёқтирадиган кекса авлодни, шунингдек ҳеч қандай ўзгаришларни хоҳламайдиган педагогларни ҳам тушуниш мумкин. Бундай ҳолатда “инновацион жараёнлар орқасидан қувиш” бугунги кун ҳаётимизнинг ажralmas қисми эканлигини ҳам тушуниш зарур. Хоҳлаймизми ёки йўқ бизнинг таълим муассасалари деворининг орқасида бозор ва бозор муносабатлари жараёни кетаяпти. Бу жараён тўғридан-тўғри бизга тегишлидир, чунки таълим муассасалари ўртасидаги рақобат тушунчаси уларни рақобат қобилияти, таълим сифати, ижтимоий буюртмалар буларнинг ҳаммаси турмушимизга кириб келаяпти. Тўғрироғи, бу жараён биз яшаётган муҳит, ҳаёт тарзи эканлигини ҳар доим ҳис этиб туришимиз керак.

Бу жараёнга қарши туриш бефойда ва хавфлидир. Биз танлаш

имкониятига эга эмасмиз ва ушбу тезкор жараён (қувиш жараёни) да иштирок этишга мажбурмиз. Мазкур жараёнда энг муҳими ақл билан, фойдали тарзда, ўз ташкилотимиз учун иштирок этишдан иборат. Кўпчилик мутахассислар фикрича, ўзгаришларга қобилият, бугунги кунда ривожланишнинг ҳал қилувчи омили, у ёки бу таълим муассасаларининг рақобат қобилиятини таъминловчи асосий омил деб ҳисоблайдилар.

2. Бугунги кунда мактаб ва олий таълим тизимидағи анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда.



Инновация (in-“лик”, novus-“янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади.

“Инновацион таълим” деганда одатда ўқув жараёнига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. **Бундай ўзгартиришлар таълим тизимининг:**

- мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимиға;
- педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;
- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимиға;
- ўқув-методик таъминотига;
- тарбиявий ишлар тизимиға;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

Янгилик тарихий аспектда нисбийлик аҳамият касб этади. Янгилик аниқ тарихий характерга эга, яъни ўз вақтидан олдин пайдо бўлиши мумкин, ўз вақтида меъёр бўлиши ёки эскириши ҳам мумкин. Мактаб ёки олий тизимнинг ривожланиш жараёнида, эҳтимол таълим тизими бутунича:

- абсолют янгилиги (ўхшаши, прототипнинг йўқлиги);
- нисбатан янгилиги;
- ўзига хос, ихтирочилиги кўринишидагилар ҳисобга олинади.

Янгилик хиллари (типлар) мактаб ва олий тизимда турлича асосларга кўра гуруҳланади:

Биринчи классификация (гурух) янгиликларни киритиш, мактаб ва олий тизимда содир бўладиган педагогик жараёнга алоқадорлиги билан асосланади. Ушбу жараённи тушунишга таяниб,

қуидаги күринишдаги янгилик хилларини ажратиш мүмкін:

- таълим мақсади ва мазмунига;
- педагогик жараён методикаси, вазифалари, усуллари, технологияларга;
- таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари ва воситалари;
- раҳбарият, педагог ва ўқувчилар фаолиятига.

Таълим тизимига иккінчи классификация (гурух) янгиликни киритиш масштаби (хажми) белгисига асосланади. Бу ерда қуидаги ўзгаришларни ажратиш мүмкін:

- бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган локал ва алоҳида (бир томонламалилик);
- комплекс, ўзаро бир-бири билан боғлиқ;
- бутун мактаб ва олий тизимни қамраб олувчи, тизимли.

Учинчи классификация (гурух) инновацион имкониятларга қараб амалга оширилади. Бу ҳолатда эътиборга олинади:

- таълим дастурлари, ўқув режалар, тузилмаларни такомиллаштириш, ихтирочилик, күринишларни ўзгартириш билан боғлиқ маълум ва қабул қилинганларни модификациялаш;
- **комбинаторликка** (ўзгартиришлар) хос янгилик киритиш;
- **радикал** ўзгартиришлар.

Модификация – (лот. modificatio, modus – ўлчов, күриниш, facio – қилиш) – ташқи муҳит омиллари таъсирида бир хил генотипга эга бўлган организмлар ўртасида вужудга келадиган фенотипик фарқлар.

Янгилик киритишнинг **тўртинчи классификацияси (гурух)** олдингиларига нисбатан белгиларига асосланиб, гурухланади. Бундай ёндашувда янгилик ўрин алмашувчи, бекор қилинувчи ёки очиб берувчиларга қараб белгиланади. Бу ҳолатда мактаб ва олий тизимда янгиланиш манбаи сифатида:

- мамлакат, регион, шаҳар, туманнинг эҳтиёжи сифатидаги ижтимоий буюртмаси;
- ижтимоий буюртмани регион ва вилоят аҳамиятига молик қонун ва ҳужжатларда акс этиши;
- инсон тўғрисидаги комплекс фанга эришиш, илфор педагогик тажриба;
- хато ва камчиликларни синашда раҳбар ва педагогларнинг интуицияси ва ижодкорлиги;
- тажриб-синов ишлари;
- чет эл тажрибалари.

Интуиция – (лотинча *intutio*-синчиклаб қарайман) – ҳақиқатни далил билан исботламасдан, бевосита фахм-фаросат билан англаб олиш қобилияти; фикран илғаб олиш (ақлига келиш) йўли билан тажриба доирасидан чиқиш, шахсий қобилияти ёки билиб олинмаган алоқалар, қонуниятларни жонли шаклда умумлаштириш.

3. Мамлакатимизда ривожланиб бораётган инновацион сиёsat таълим олдига муҳим ва маъсулиятли вазифаларни қўймоқда. 2006 йил июль ойида Санкт-Петербург шаҳрида “Саккизлик гуруҳи” томонидан Саммитда қабул қилинган “XXI асрда инновацион жамият учун таълим” тўғрисидаги ҳужжат ғояларини йириклиштиришни ҳисобга олишни ва муаммонинг ечимини талаб этади. Фанни ва инновацияни келажакда ривожлантириш стратегиясида “инновацион инсонни” яратиш, яъни ишлашидан қатъи назар у инновация ва янги билимларга мойил бўлиши керак. Бугунги кунда замонавий инновацион яроқлилик юзага келмоқда. Ҳозирги миллий лойиҳалар сайтида “инновацион таълим” ибораси пайдо бўлмоқда ва унда айтилишича инновацион таълим ўқитишини янги билимларни яратиш жараёнида амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса бугунги кунда мавжуд “Инновацион таълим технологиялари” тушунчаси билан янги “инновацион таълим” тушунчаларини бир-биридан ажратишни талаб этмоқда.

Таълим соҳаси – мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фаол инновацион ҳаракатни бошлади. Маълум босқичда XX аср охирларида бундай ҳаракатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, А.Г.Ривин ва В.К.Дьяченко томонидан ўқитишини жамоавий ўқитиши, Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдов, Л.В.Занковлар томонидан илгари сурилган ривожлантирувчи инновацион таълим тўғрисидаги қарашлар ўз вақтида маълум аҳамият касб этди. Шу билан бирга бошқа инновацион таълим технологиялари: диалектик ўқитиши усуллари (А.И.Гончарук, В.Л.Зарина), ўқитишининг индивидуал йўналишли усули (А.А.Ярулов), “Экология ва диалектика” (Л.В.Тарасов), эвристик ўқитиши (А.В.Хоторской) диалог маданияти (В.С.Библер, С.Ю.Курганов), лойиҳали ўз-ўзини рефлексия (Г.П.Шедровицкая) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Юқоридаги келтирилган технологиялар ўқитишида ўзлаштиришни юқори кўтариш, ўқув жараёнида қизиқтиришни, ўқув материалиини тушунишни яхшилашни, функционал саводхонликни шакллантиришни, лойиҳали саводхонликни, назарий тафаккурни, экологик ва иқтисодий

тафаккурни, коммуникативликни, ижтимоий фаолликни, фуқаролик онгини, ўз-ўзини англаш ва бошқа вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган эди.

Хозирда бошқа фаолият соҳалари, жумладан, ишлаб чиқариш ривожланишининг инновацион йўлига ўтгач, таълим соҳаси уларга фақат етакчиларни тайёрлаш функциясини бажарди. Лекин аслида эса бошқача кўриниш кўзга ташланади. Илгари жамият учун унча кўп бўлмаган ва мустақил шаклланган инноваторлар етарли эди. Юқорида санаб ўтилган таълим технологиялари учун инноваторлар фақат педагоглар эди ва уларнинг инновациялари ўқувчиларда зарурӣ сифатларни шаклланишига йўналтирилган бўлиб, инновацион тафаккур ва қобилиятни инновацион фаолиятига йўналтиришга эътибор қаратилмаган. Билдирилган фикрлар “инновацион таълим технологиялари” ва “инновацион таълим” тушунчаларини қуидаги тарзда ажратиб, алоҳида қараб чиқиши талаб этади:

- ✓ **инновацион таълим технологиялари ва дастурлари – бу барча таълим технологиялари, яратувчи ва уларни ривожлантирувчи педагог инновацион фаолиятининг натижаси ҳисобланади.**
- ✓ **инновацион таълим – бу шундай инновацион таълим технологиялари ва дастурларики, унда педагог инновацион фаолияти натижаси бўлиб, ўқитилаётганлар инновацион ғояларини яратувчиси (генерация) ҳисобланади;**
- ✓ **ишлаб чиқаришнинг моноинновационлиги (мутахассислар инновацияси) таълимнинг моноинновацион - (педагог инновацияси) эмаслигига тўғри келади, унинг инновациялиги, педагог инновациялиги, уларнинг оқибати, ўқитилаётганларнинг инновациясидир.**

Моно... (юн. monos – бир, якка, ягона) –ўзлашма, қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, маъносига кўра, “бир”, “ягона”, “ёлғиз” сўзларига тўғри келади.

Бу ўринда масаланинг долзарблиги мавжуд “моно”инновацион таълим технологияларини тўла инновацион ҳолатигача ривожлантиришдан иборат. Булар бир қатор чет эл ўқувчилари мисолида улар томонидан яратилган тажрибалар, ихтиrolар мисолида ўз амалий исботи билан тасдиқланган. Бу ўринда замонавий фан ютуклари асосида кучли, талантли тафаккур орқали амалга оширилишини, яъни ихтиrolи масалаларни ҳал этиш назарияси ИМЕН йўли билан ҳал этиш мумкинлиги исботланган. Бир қатор ривожланган

мамлакатлар илмий лабораторияларида (ИМЕН) ИМЕН-педагогикага “билимларни ихтиро қилиш” деб номланган янги метод яратилди. ИМЕНнинг интеграция асослари энг кўп тарқалган барча инновацион педагогик технологиялар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Бунинг қўшимча самараси – турли педагогик технологияларни амалий диалектика тилида ёзиб чиқиш имконини беради.

4. Дунёдаги глобал ўзгаришлар жараёни, мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий–маданий соҳалардаги ўзгаришлар, таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Педагогик таълим соҳасида 80-90 йилларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ягона ва яхлит тизим сифатида инновацион характер касб этиб, қуйидаги жараёнларга эътиборни қаратганини кўрамиз:

- **таълим алоҳидалиги (децентрализация) маълум регионларда ушбу соҳани мустақил ривожлантириш ва маълум мутахассисларга “буюртма портфели” ни шакллантириш имконини берди;**
- **олий ўқув юртларини демократлаштириш, педагогик жараённи ташкил этишнинг шакл, восита ва шартларини белгилашда мустақилликни таъминловчи имкониятни берди;**
- **умумтаълим муассасаларини типларига мувофиқ тарзда педагог учун ўзининг педагогик фаолиятини лойиҳалаш ва ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида ўзи ўқитадиган ўқув фанидан фойдаланишда эркинлик бериш ва бу борада умумтаълим мактабларининг эҳтиёжини ҳисобга олиш учун имкониятлар берди;**
- **олинаётган педагогик таълим мазмуни ва даражасини танлаш имконини ўз ичига олувчи индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишга мўлжалланган ўқувчининг шахсий қизиқишларини қониқтириш заруратини кўзда тутади;**
- **унинг турли даражадаги имкониятлар асосида қисқа муддат ичida профессионал таълим берувчи мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.**

Юқорида айтиб ўтилган жараёнлар мәлүм даврларда кучли таъсир этилган бўлсада, бу ўринда анъанавий тарзда кадрлар тайёрлашга нисбатан инновацион жараёнлар ўртасида мәлүм диалектик ўзаро боғлиқлик мавжудлигини эътироф этган ҳолда, анъанавий ва инновацион таълимнинг ҳар бирини ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратмасдан бўлмайди. Анъанавий педагогик таълим мазмуни ва ташкил этиши жиҳатидан аниқ ўқув фани бўйича мутахассис ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган. Касбий-педагогик тайёргарликдаги анъанавий тизимда, фаолиятли ёндашув асосида ўқув-тарбиявий жараён ётади ва бу жараёнда иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар субъект-объект тарзида йўлга қўйилган. Бу ерда субъект-ўқитувчи мәлум чегараланган шароитда бўлиб, унинг фаолиятини ўқув режа ва ўқув дастури бошқаради ва ҳамда муносабатлар қатъий белгилаб қўйилган. Объект-талаба мәлум даражадаги билим ҳажми билан чегараланган.

Анъанавий таълим мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ автоном фаолият билан белгиланган: ўқитувчини ўқитиш фаолияти ва талабани ўқув билиш фаолияти; ўқиётган талаба ўқитувчи режасининг ижрочиси ва бошқарув обьекти бўлиб фаолият кўрсатади.

Анъанавийликдаги ўқув жараёнида ўзаро фаолият тақлид қилиш, имитация, намуна бўйича фаолият кўрсатиш, ижтимоий ва шахслараро ўзаро таъсирнинг бир хилдалиги, ташқи назорат ва натижани баҳолаш, буларнинг барчаси билиш мотивларини қисқартириш, билиш мотивларини кенгайишига имкон бермайди.

1990-2000 йиллар давомида назария ва амалиётда педагогик таълимга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди. Амалий жараёнлар “юқоридан” ва “қуидан” бошланди. “Юқоридан” ҳаракат олий таълимга янги ўқув режаларини жорий қилиниши билан бошланди. Янги ўқув режаларига кўра олий таълим ўқув фанларини курслар бўйича мустақил ўтиш имкониятига эга бўлди. Бундай “демократик эркинлик” кафедралар ва факультетлар томонидан ўзгача ижодкорлик билан қабул қилинди ва бу “қуидан” бўлаётган ўзгаришлар кўплаб “педагог-новатор”лар ҳаракатини юзага келтирди. Инновацион ҳаракатларни бир нечта жумладан, ташкилий, мазмунли, методик кўрсаткичлари юзага келди ва амалиётга жорий қилинди. Ушбу ҳолатлар кўплаб педагогика ва психология кефедралари йиғилишларининг асосий масаласи сифатида муҳокамага қўйилди ҳамда давлат ўқув режаси, дастурлари асосида ҳар бир олий ўқув юрти ўзларининг ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқишига киришди. Бу эса жойларда ҳар бир фан ўқитилишининг инновацион технологияларини жорий этиш ва қўллаш учун

имкониятларни берди. Мазкур ўзгаришлар республикадаги барча олий ўқув юртлари ўқув режаларига педагогик-психологик фанлар ҳажмини 20-25% гача ортишига сабабчи бўлди.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълимда инновацион жараёнларнинг ўрни нимада?
2. “Инновация” тушунчасини таърифлаб беринг?
3. “Инновацион таълим технологиялари” ни қандай тушунасиз?
4. “Инновацион таълим”, “Инновацион таълим технологиялари” ўртасида ўхшаш ва ўзига хос томонлари қайсилар?
5. Таълимда анъанавийлик ва инновация ўртасидаги фарқ нимада?

ТЕСТЛАР

5. «Инновацион технологиялар» тушунчаси қандай маънони англатади?
 - а) замонавий усувлар;
 - б) илфор тажрибалар;
 - в) янгича усувлар;
 - г) ноанъанавий усувлар.
2. Биргаликда ўқитиш қандай натижага беради?
 - а) ўзаро алоқа юзага келади;
 - б) жамоада мулоқот ва танқидий фикрлаш ривожланади;
 - в) тез фикрлаш малакаси ўсади;
 - г) материални пухта ўзлаштириш кучаяди.
3. Талабалар дарсда зерикмаслиги учун дискуссияни қандай ташкил этиш керак?
 - а) талабалар монологини кўпайтириш керак;
 - б) тортишувга кўпроқ вақт бериш керак;
 - в) билдирилган фикрга қарши фикр айтиш керак;
 - г) барча жавоблар тўғри.
4. Таълимда функционал ривожланиш нима?
 - а) ўқувчи бирор бир соҳа бўйича ижод қилиб касбий кўникма ва билимга эга бўлиши;
 - б) соҳага тегишли бўлган иш билан банд бўлиш;
 - в) индивидуал фаолиятга кўпроқ эътибор бериш;
 - г) аниқ олдиндан белгиланган вазифаларни бажариш.
5. Ўз-ўзини мотивлаштириш стратегияси нима?
 - а) олдиндан хатти-харакатни мақсаддага йўналтириш;

- б) бирон-бир нарсага хоҳиш ўрнатиш;
 - в) ижодий ёндашувга кўпроқ интилиш;
 - г) ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришишга интилиш.
6. Анъанавий усулда ўқитишнинг мазмуни қандай?
- а) информацион билдирувчи;
 - б) мустақил ўқишига асосланган;
 - в) классик предметли;
 - г) янги материал беришига қаратилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: 1998.
2. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе.-М.: 1989
3. Йўлдашев Ж.Ф. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.: 2001
4. Толипов Ў. Усмонбоева М. Педагогик технологиянинг татбиқий асослари.-Т.: 2006
5. Ишмуҳамедов Р.Ж. ва б.к. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: 2008

2-МАВЗУ: РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИК

1. Таълим тизимида инновацион фаолликнинг зарурияти.
2. Таълимнинг шахсий йўналиши харakterи.
3. Педагогик таълимни амалга оширишнинг ташкилий-тузилмавий модели.
4. Таълимнинг кўп даражали тизими.



Асосий маълумотлар

1. Ҳозирги шароитда инновацион фаоллик олий таълимнинг ҳам мазмун ҳамда ташкилий тузилмавий жиҳатдан қайта ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнларнинг асоси бўлиб охирги уч, ўн

йиллиқда педагогик таълим назариясини тезкор ишлаб чиқилиши бўлди (А.А.Абдулина, Е.В.Бондаревская, В.И.Загвязинский, В.С.Ильин, Н.М.Кан-Калик, В.А.Сластенин ва б.к.).

Педагогик таълим ривожланишининг замонавий инновацион йўналишлари ичидаги хусусий инновацион назарияни, шахсий (хусусий) йўналишли таълим соҳасидаги ишланмаларни, таълимни ташкилий-тузилмавий моделини, таълимни кўп даражали тизимини ривожлантиришни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Охирги ўн йиллиқда педагогик инновацияни назарий асослари ишлаб чиқиляпти. Айниқса, К.Англовский М.В. Кларин, В.Я.Ляудис, М.Н.Потащник, С.Д.Поляков, Т.И.Шамова, О.Т.Хомерики, Н.Р.Юсупбекова, В.А.Сластенин ва б.к.ларнинг ишларида педагогик профессионализмни ривожлантиришнинг ўзига хос томонларини аниқлаш ва олий таълимда ўқитиши жараёнида бўлғуси ўқитувчининг инновацион имкониятларини ривожлантириш олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг баҳс мавзуси бўлиб қолмоқда.

2. Шахсий йўналишли таълим концепцияси маданий-тариҳий ва фаолиятли ёндашувга асосланади (Л.С.Выготский, А.А.Леонтьев, Д.Б.Эльконин, Э.В.Ильенко, В.В.Давыдов, Г.П.Шедровицкий, А.Г.Асмолов) ва бугунги кунда умумметодологик жиҳатдан В.В.Сериков, В.Г.Цукерман, В.П.Зинченко, Л.Н.Куликовларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга молик. Ташкилий-бошқарув даражасида ушбу муаммо билан М.Н.Костиков, В.А.Болтовлар шуғулланган. Ушбу концепциянинг етакчи ғояларидан бири педагогик таълимда предметли тайёрлашнинг роли ва ўрнини англаб етиш, предметларни ўзлаштириш билан асосий эътибор ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида предметни ўқитишига асосий мақсад қаратилади.

Ушбу концепциянинг бошқа бир ғояси ўқув шаклларини конструкциялаш билан боғлиқ бўлиб, бунда таълим жараёни ягона жараён сифатида қаралади, (хусусий ўқув фаолияти) унда материални англаб етиш ва тадқиқот иши биргаликда бўлғуси педагогнинг шахсий педагогик позицияси бўлиб шаклланади. Мазкур ёндашувда асосий талаблар қуйидаги изчилликда: шахс ўзи учун ва бошқалар учун ҳам асосий бойлик бўлиб, бунда таълим-олий таълимдаги яхлит педагогик жараён сифатида йўналтирилган шахсни ўзгартиришга қаратилган жараёндир.

Бундай таълимнинг бош натижаси эгалланган билим, кўникма ва малакалар эмас, балки шахс ўсишига қобилият, эмпатик ўзаро муносабатлар ва шахсий самарадорликка қаратилган юқори ижтимоий фаоллик тушунилади. Ҳаётий келажакни амалга ошириш учун инсон онгли тарзда қайта ўз-ўзини фаолиятини йўлга қўяди ва бунинг учун

таълим жараёни имкониятларидан фойдаланади. Айниқса, бу жараён талаба ёши даври, ёшлик даври айни ушбу жараённи йўлга қўйиш учун мухим босқич даври ҳисобланади. Ушбу концепциянинг кейинги ғояси педагогик субъективликни ривожланиши билан боғлиқ: талаба “урганувчи”, “ўқувчи”, “ўқитадиган” позиция орқали ўтади.

Агар олий ўқув юрти “ўқиши жойи ва вақти эмас, балки йигит ва қизларни катта бўлиш майдони”(Д.Б.Эльконин) деб қаралса, у ҳолда ушбу олий ўқув юртидаги педагогик жараён уни амалга ошириш орқали таълим олаётган талабанинг ўз-ўзини ривожлантиришини фаоллаштирувчи, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган педагогик жараённи ижодий-ўзини қайта қуриш субъекти ҳам талаба, ҳам педагог учун имкониятлар ҳисобланади. Ўқитувчи фаолияти ҳам ўзгаради: “уста” ишлари орқали билимларини педагогик технология асосида етказишдан, талабаларда педагогик қобилиятни шакллантириш мақсадида биргаликдаги фаолиятни ташкил этувчи “маслаҳатчи” позицияда талабалар билан биргаликда унинг келажак касбий фаолиятини лойиҳаловчига айланади. Шунга кўра интегратив таълим технологияларини йўлга қўйиш долзарб бўлиб қолади. Ушбу масалада таълимни лойиҳалаш билан шуғулланувчи муаммолар институти бугунги кундаги долзарб масалада етакчилик қилмоғи зарур. Бундан ташқари олий таълимда ҳар бир фанларни ўқитиш соҳасида педагогика ва психология фанлари блоки тезкор технологик изланишларни амалга ошириш билан шуғулланишлари керак.

3. Педагогик таълим амалга оширишининг ташкилий-тузилмавий модели ҳақида алоҳида тўхталиш кераклиги эътиборга лойиқ. Булар: **кичик даражадаги, кўп босқичли** ва **кўп даражадаги** моделларга қаратилишидан иборат. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир модел мустақил яхлит таълим сифатида қаралиб, улар ўзларининг жилғаларига эга бўлиб, аниқ ижтимоий-маданий ва иқтисодий ҳолатлар билан бевосита боғлиқ.

Кичик даражадаги тизим – бу олий таълимдаги анъанавий тизим ҳисобланиб, у қатъий ҳисобланиб, бунда тор мутахассислар тайёрланиб, таълим жараёнида ўқитиш варианtlарини танлаш имконияти мавжуд эмас. Қабул қилинган 1998 йилдаги ДТС да вариатив қисми киритилган бўлсада, лекин бу тизим ҳам барибир шахс танлаш имкониятларини чегаралайди.

Кўп босқичли тизимда ўрта маҳсус таълим тизими асосида олий таълим олиш учун имкониятлар мавжуд бўлиб, ўзаро боғловчи ўқув режаси ишлаб чиқилган. Ушбу тизим ихчам ҳисобланиб, битирувчиларни учинчи курсга қабул қилиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар келиб чиқади: қайси маблағ асосида ўқитиш, биринчи

ўринда педагогика билим юрти ва педагогика колледжларида талабаларни эгаллаган билимлари сифати масаласи турлича гумон уйғотади.

4. 1997 йилда қабул қилинган “Таълим түғрисида” ги Қонунга мувофиқ олий таълимнинг кўп босқичли тизими йўлга қўйилди. Олий таълимнинг кўп босқичли тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни кучли инновацион жараён сифатида белгилаш мумкин. Ушбу масалада Фарбий Европа мамлакатлари тажрибаси ҳар томонлама таҳлил этилиб, баҳо берилди ва Ўзбекистон Республикаси шароитида ўзимизнинг менталитетимиздан келиб чиқиб, олий таълимнинг ўзига хос кўп босқичли тизими яратилди.

Олий педагогик таълимни кўп босқичли мазмуни бизнинг шароитимизда икки даражали модел:

- умумий (базавий-бакалавриат) ва тўлиқ (магистратура) кўринишида амалга оширилиб, ҳар бири ўзига автоном ҳисобланади;
- яхлит тизим кўринишига эга;
- бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб беради;
- таълимни кўпгина йўллари орқали эгаллаш имконини беради;
- ўқиётганларни академик ва касбий йўналтиришга рафбатлантиради;
- ўз-ўзини англаш, унинг қимматли йўналишларини ва ҳаёт тарзини белгилаш асосида шахс ривожланиши учун имкониятлар яратиб беради.

Ўқитиши асосига таълимий-касбий дастурлар қўйилган бўлиб, улар бешта блок-модел принципидан ташкил топган: ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари ҳамда қўшимча фанлар тизимидан иборат. Технологик жиҳатидан касбий таълимнинг мазмуни, методлари ва методикасини танлашга маданий ёндашув билан бевосита боғлиқ. Ушбу дастурлар ишлаб чиқилишида ҳар бир блокнинг вазифаси, блоклар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ташкилий, дидактик-технологик ишлар ва малакали мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилгани кўзга ташланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, факультетларда олий таълимдаги кўп босқичли тизим (ОТКТ) асосида ишлаш ва анъанавий тизим билан ишлаш қиёсий таққослаб кўрилганда, талабалар (ОТКТ) янгича таълим тизимида онгли, ижодий ишлашга кўпроқ эътибор қаратгани, талабаларда таълим мотивацияси даражаси юқори эканлиги кўзга ташланади. Олий таълимни факультетлари ва кафедраларида тузилмавий-функционал ва мазмунли-технологик қайта қуриш амалга оширилади. Умуман олганда олий таълимда индивидуал-ижодий ва жамоавий-ижодий

фаолият соҳасида бугунги кунга келиб сезиларли тажрибалар тўпланди, ўқув педагогик жараёни иштирокчилари ўртасида субъект-субъект муносабатлари ривожланишида ўзгаришлар содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Ушбу тизим орқали талабаларни мустақил ишлашга иштиёқи ортиб, рейтинг тизимида уларнинг фаол иштироқи таъминланса, иккинчи томондан педагоглар томонидан талабалар фаолиятини бошқаришда методик маданият даражаси ўсиб бориши кузатилади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълимда инновацион фаоллик деганда нимани тушунасиз?
2. Таълимда шахсий йўналишнинг моҳиятини тушунтириб беринг?
3. Эмпатик ўзаро муносабатларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни нимада?
4. Шахсий-йўналишли таълим концепциясини педагогик субъективликни ривожланиши билан боғлиқлиги қандай?
5. Ташкилий-тузилмавий моделни қандай тушунасиз?
6. Олий таълимнинг кўп босқичли тизими қандай?

ТЕСТЛАР

1. Олий таълимни ҳам мазмун ҳамда ташкилий-тузилмавий жиҳатдан қайта ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ жараён, бу.....
 - а) замонавий инновацион йўналишлар;
 - б) креативлик;
 - в) ижодкорликка қобилият;
 - г) инновацион фаоллик.
2. Шахсий йўналишли таълим концепцияси қайси изчилликда амалга оширилади?
 - а) шахс, тарбия, мұхит, онгли жараён;
 - б) таълим, шахс, эмпатик муносабатлар, онгли жараён;
 - в) талаба, ўрганувчи, ўқувчи, ўқитадиган;
 - г) шахс, таълим, тарбия, фаолият.
3. Субъективликни ривожланиши билан боғлиқ позиция қўйидаги қайси жавобда тўғри берилган?
 - а) обьект, субъект, ўқитувчи, ўқувчи;
 - б) педагог, талаба, ўрганувчи, ўргатувчи;
 - в) ўрганувчи, ўқувчи, ўқитадиган, ўзлаштирувчи;
 - г) обьект-субъект, субъект-субъект позициясида.
4. Педагогик таълимни амалга оширишнинг ташкилий-тузилмавий модели, бу.....

- а) бир босқичли, ўзига хос қўшилма кўринишида, кўп босқичли;
- б) бир босқичли, икки босқичли, уч босқичли, кўп босқичли;
- в) монобосқичли, чексиз босқичли, фаолиятли, маданий-тарихий;
- г) кичик даражадаги, кўп босқичли, кўп даражали.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: "Шарқ" 1998.
2. Натанзон Э.Ш. Приёмы педагогического воздействия. –М.: 2002.
3. Ишмуҳамедов Р.ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: 2008.
4. Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Т. ТДПУ. 2004.
5. Турғунбоев К. ва Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. –"Андижон нашриёт-матбаа. 2008.

З-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛарНИ ХАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ

РЕЖА

1. Дидактиканинг предметини ўргатиш ва ўрганишдаги учта компонент.
2. Таълим тизимининг янги бўғинларида учта компонентнинг вазифалари.
3. Инновацияларни тўплаш жараёни.
4. Педагогик инновацияларни тўпловчи ва қўлловчиларнинг аҳамияти.



Асосий маълумотлар

1. Маълумки, дидактиканинг предметини ўргатиш, ўрганиш таълим мазмунини ташкил қиласди. Бунда иштирок этаётган учта компонент бир-бирлари билан шундай узвий алоқадаки, улардан бирини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Хўш, нимани нимадан бошлаш керак? Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда савол туғилади: нимани (қандай мазмундаги ўқув материалини) ўрганмоқчисиз ёки ўргатмоқчисиз? Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам асосий мақсадга йўналтирилган таълим обьекти ва охирги натижа маҳсули бўлмиш таълим мазмунига боғлиқ.

Ҳар хил мазмун уни ўзлаштиришнинг ўзига хос усуллари билан фарқ қилганлиги учун ўрганишнинг қандай бўлиши унинг мазмунига боғлиқ, бу эса ўрганишни ташкил этувчи ўргатувчига боғлиқ. Шундай қилиб, дидактик тафаккур - бу ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алоқалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демақдир.

Ўқитувчи ўқувчини фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва воситаларни излайди, уларни такомиллаштиради. Шу боисдан ҳам «педагогик технология», «дидактик технология», «таълим технологияси» атамалари қаторидан «педагогик инновациялар» атамаси ҳам мустаҳкам ўрин олмоқда.

Юқорида санаб ўтилган тарзда ўргатиш, ўрганишда таълим мазмуни асосий ўрин тутади. Шунинг учун ҳам, ўз олдимизга Давлат таълим стандартларини яратиш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Бу вазифанинг уддасидан чиқдик. Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиб, ҳар бир таълим муассасаларига, ҳар бир ўқувчига етказилди. Эндиgi вазифа шу стандартларни тезроқ ҳаётга татбиқ этиш механизмини яратишдан иборат.


Бироқ, эътироф қилиш керакки, ҳали Республикаизда янги педагогик технологияларни, таълим инновацияларини тўплаш, улар ичидан фаолиятимизда энг кўп самара берадиганларини танлаш, тажриба-синовдан ўтказиш ва қўллаш- жорий этишни йўлга қўядиган тизим (механизм) шакллантирилмаган эди.

2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ишлаб чиқилган умумий таълим фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширишга киришилгандан кейин бу соҳадаги ишларни аниқ бир тизимга солиш, қўллаб - қувватлаш, янгиликларни жорий этишга етарли шарт-шароитлар яратадиган тузилмаларга бўлган эҳтиёж яққол

кўзга ташланди. Чунки, Давлат таълим стандартлари ўқувчилар билимига қўйиладиган мажбурий минимал даража бўлиб, давр ўқувчиларга таълим стандартлари даражаси талабларидан ошириб билим, иқтидор ва кўникмалар беришни тақозо этади. Бу масалани ижобий ҳал қилиш илфор тажрибалар, янги педагогик технологияларни излаш, уларнинг дидактик имкониятларини синааб кўрган ҳолда амалиётга татбиқ этишга бўлган ҳаётий эҳтиёжни ошириб юборди. Бундан келиб чиқадиган амалий ҳулоса - илфор таълимий янгиликларни аниқлаш, уларнинг жамғармаларини ташкил этиш, синааб кўриш, педагогик амалиётга жорий қилишнинг, илмий ҳулосаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш тизимини яратиш масаласининг долзарблигини оширди. Ҳозирги кунда бу тизимни яратиш йўлида бир қатор изланишлар, саъй- ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Жумладан, вазирлик, вилоят ҳалқ таълими бошқармалари таркибида Давлат таълим стандартлари бошқармалари ва бўлимлари (мониторинги) ташкил этилган. **Таълимни бошқариш тизимида ташкил қилинган янги бўғинлар қўйидаги вазифаларни амалга ошириб бормоқда:**

- ✓ таълим соҳасидаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиш назоратини юритиш;
- ✓ Педагогик инновацияларни амалиётга татбиқ этишнинг ташкилий асосларини яратиш зарур. Бунинг учун:



- ✓ “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ этиш, Давлат таълим стандартлари ва дастурлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш;
- ✓ таълимни бошқариш маҳаллий органлари ва ўқув муассасаларининг умумий ташкилий-педагогик ишлари қатори педагогик инновацияларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб бориш;
- ✓ педагогик тажрибаларнинг боришини аналитик таҳлил қилиш, умумлаштириш, оммалаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;
- ✓ педагогик технологияларни кузатувчи, назорат қилувчи ва жорий этувчиларни ўқув ишини ташкил қилиш шу масалага оид семинарлар ўтказиш, тренинглар тайёрлаш чораларини кўриш;
- ✓ педагогик технологияларни ривожлантириш ҳақида тегишли маълумотлар жамғармасини яратиш, таҳлил қилиш ва тартибга солиб туриш.

Юқорида таъкидланганидек, Давлат таълим стандартлари- бу ўқувчилар билим савиясининг минимал даражасини белгилайди, бу даражадан юқори кўрсаткичларга эришиш учун маълум изланиш ҳамда ташаббус лозим, педагогик инновацияларни яратиш, шунингдек, уларни бошқариш авваламбор, ана шу долзарб вазифаларни ҳал қилишга хизмат қиласди.

3. Шу боисдан ҳам педагогик инновацияларни излаб топиш. ўрганиш, таҳлиллар остида энг кўп самара берадиганларини танлаб олиш ва уларни амалиётда қўллаш тартибини белгилаб берадиган тизимни яратиш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, бунинг учун, инновациялар ҳақида аниқ маълумотлар жамғармасини яратиш зарур бўлиб, буни шартли равишда инновацияларни «тўплаш» жараёни деб қабул қиласиз.

Инновацион янгиликларни тўпловчилар жадвалга кўра вазирлик тизимида янги ташкил қилинган марказлар, жумладан, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти, барча таълим муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш бўйича доимий ишловчи Республика доимий курси қошидаги мониторинг маркази ва республика таълим маркази асосий бўғин ҳисобланади. Мазкур ишларни бошқарувчи Давлат таълим стандартлари мониторинги мактаб педагоглар кенгашлари, метод бирлашмалари, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида, вилоят малака ошириш институтларида ўрганиб, тўпланган педагогик инновацияларни ўз вақтида «ТАНЛОВЧИ»ларга етказиш ёки айримларини тўғридан-тўғри «ҚЎЛЛОВЧИ»ларга йўллашни

мувофиқлаштириб боради.

4. Педагогик инновацияларни танлашда амалий иш олиб борувчи «Педагогик технологиялар маркази»:

- маълумотнинг йўналишини аниқлайди;
- жорий қилиш ва қўллашда илмий-методик жиҳатдан ёрдам беради;
- методик қўлланма, дастур ва методик тавсияларни нашрга тайёрлайди ва педагогик матбуотга узатади;
- рейтинг тизими, ўқувчиларни мактабгача тайёрлаш, Давлат таълим стандартларини жорий қилишдаги илфор тажрибалар мажмуасини яратади;
- хорижий давлатлардаги таълим соҳасидаги тажрибаларни ўрганади, таққослади ва тавсиялар тайёрлайди;
- амалиётга татбиқ қилувчиларни ўқитади, малакасини оширади, тажриба алмашув ишларини ташкил қиласди;
- педагогика соҳасидаги олимлар, илмий изланувчилар билан ҳамкорлик ишларини олиб боради;
- инновацияларнинг қўлланилишини динамик равишда кузатиб беради;
- инновацияга оид Республика илмий-амалий кенгашлар йиғилишлар ва конференциялар ўтказади;
- малака ошириш институтлари, туман методика ва мактаб педагогик кенгашларини янги ахборотлар билан таъминлаб боради.

Педагогик инновацияларни қўллаш билан уни тўплаб, илмий жиҳатдан хulosалар тайёрловчи бўғин ўртасидаги «Педагогик матбуот» асосан нашр ишлари, оммалаштириш, кенг педагогик жамоалар, илмий-педагогик ходимларга уларни етказиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини олиш, тажриба-синов хulosалари асосида инновацияларни янада таомиллаштириш ишлари билан шуғулланади.

Ўйлаймизки, таълим технологияси ва педагогик инновацияларга бундай тизимли ёндашув Давлат таълим стандартларини амалга оширишда ўз самарасини кўрсатади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Қандай компонентлар дидактикани ўргатиш ва ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади?
2. Таълим тизимининг янги бўғинларида давлат таълим стандартларининг ўрни нимадан иборат?

3. Таълимни бошқариш тизимида ташкил қилинган янги бўғинларнинг вазифалари нималардан иборат?

4. Инновацион янгиликларни тўпловчиларнинг вазифалари нималардан иборат?

5. Педагогик инновацияларни тўплаш ва қўлловчилар ўртасидаги асосий бўғиннинг вазифалари қандай?

ТЕСТЛАР

1. Қайси компонентлар дидактика предметини ўргатиш ва ўрганишда муҳим ҳисобланади?

- а) ўқув режа, ўқув дастури ва дарсликлар;
- б) ўқув дастури, таълим жараёни ва директор фаолияти;
- в) ДТС, дидактик имкониятлар, таълимни бошқариш;
- г) ўқувчи, ўқув жараёни, ўқитувчи.

2. Педагогик инновацияларни амалиётга татбиқ этишда иштирок этувчилар, булар.....

- а) кузатувчи, назорат қилувчи, жорий этувчи;
- б) бошқарма бошлиғи, шаҳар (туман) халқ таълими бошлиғи, директор;
- в) мактаб директори, ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари, ўқитувчи;
- г) янгилик киритувчи, назорат қилувчи, ўқитувчи.

3. Педагогик технологиялар маркази амалиётга татбиқ қилувчиларни...

- а) дастур, ўқув материали ва техник имкониятлар билан таъминлайди;
- б) ўқитади, малакасини оширади, тажриба алмашувини йўлга қўяди;
- в) семинар-тренинг ўтказади, дарс таҳлили ўтказади, таҳлил қилишга ўргатади;
- г) олимлар, методистлар, тажрибали ўқитувчилар билан учрашув ўтказади.

4. Педагогик инновацияларни амалиётга татбиқ этишнинг ташкилий асослари бу.....

- а) тўплаш, танлаш, қўллаш;
- б) бошқариш, йўллаш, қўллаш;
- в) танлов эълон қилиш, тўплаш, амалиётга жорий этиш;
- г) инноваторлар тайёрлаш, уларни ўқитиш, тренинглар ўтказиш.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: 1998.

2. Мавлянова Р.А. Бошланғич таълимда инновация. -Т.: 2007.

3. Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш. --Т.: ТДПУ, 2004.

4. Ишмуҳамедов Р. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: 2010.

5. Турғунбоев К, Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. – “Андижон нашиёт-матбаа”: 2008

4-МАВЗУ: ЯНГИЛИКЛАР КИРИТИШ МАЗМУНИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

РЕЖА

1. “Педагогик тизим” ва “Педагогик тизимда янгиликлар киритиш” тушунчалари ва уларнинг боғлиқлиги.

2. Педагогик тизимнинг таркибий қисмлари. Педагогик тизим модификацияси.

3. Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг икки йўли: интенсив, экстенсив йўллар ва уларнинг ўзига хослиги.

4. Педагогик тизимда инновацион тузилмаларнинг бош йўналиши.



Асосий маълумотлар


1. Таълим тизимида янгиликлар киритиш мазмуни ва йўналишлари масаласини ўрганишга киришишдан олдин «Педагогик тизим» ва «Педагогик тизимда янгиликлар киритиш» тушунчасини аниқлаб олайлик.

Педагогик жараён биламизки, педагогик тизим асосида йўлга қўйилади. **Педагогик тизим - бу ташкил этувчиларнинг бирлаштирилган мажмуи бўлиб, улар ўзгаришларда ҳам барқарорлигича қолаверади.** Агарда ўзгаришлар (янгилик киритиш) қандайдир мүмкин бўлган чегарадан ошиб кетса, тизим бузилади, унинг ўрнига янги бошқа хусусиятли тизим юзага келади. **Педагогик тизим - элементларнинг жуда мустаҳкам бирлашувиdir.** Ҳар қандай педагогик тизимнинг тузилиши ҳозирги даврда қуйидаги элементлар йифиндисидан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда қуйидаги кўринишга эга: ўқувчи; тарбиянинг мақсади; тарбия мазмуни; тарбия жараёни; ўқитувчилар (ёки ТТВ - таълимнинг техник воситалари); тарбиявий ишларнинг ташкилий шаклларидан иборат бўлади.

2. Бу тизимнинг таркибий қисмларидан ҳар бири ҳар қандай даражада элементларга бўлиб, ёйиб кўрсатилиши мумкин.

Кўрилган тизимни мукаммал таркибий тузилиш эмас деб ҳисоблашга асосларимиз бор. Кўрсатиб ўтилганларга қўшила олмайдиганлар педагогик тизимнинг муҳим таркибий қисмлари, шунингдек, «натижалар», «ўқув тарбиявий жараённи бошқариш», «технология»лардан иборат, деб ҳам ҳисоблашлари мумкин.

Улар берилган чизмадаги педагогик тизим моделида кўзга ташланади. Мақсадлар натижалар билан мос келиб, узлуксиз жараён ташкил этади. Мақсадларнинг натижа билан тўла мос келиши педагогик жараённинг ишончи, ўлчов кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди. **Педагогик тизим бошқарув, бирлаштирувчи ҳамма таркибий қисмлари нисбатан мустақил қисм ҳисобланади, чунки улар ўз мақсад ва тузилишларига эгадир.**



Чизма. Педагогик тизим ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Педагогик тизимнинг ташкил этувчи таркибий қисми сифатида алоҳида омиллар бирлиги деб таъкидлаган ҳолда уларни кўпинча, ўқув-тарбия жараённинг технологияси деб кўрсатадилар. Бундай ёндашишда педагогик тизим кўзланган мақсадга эришишни таъминлайдиган мустаҳкам ташкилий технологик комплекс бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, педагогик тизим ҳар доим ҳам технологиядир. Ана шу белгиси бўйича педагогик тизимнинг таркибий қисмлар ихтиёрий «тўпламидан» ажратиб олиш осондир. **Технология - бу қатъий ташкилий мантиққа бўйсунувчи имкониятларини белгиловчи тизимнинг ички сифатидир.**

Шу билан бирга топшириқни баҳолаш даражасининг ўзидаёқ, технолог маълум жараёнлар ҳамда ҳодисаларга таянади. Маълум жараёнлар муваффақият ифодасининг далили сифатида фойдаланилади, ажойиб ҳодисалар натижалари эса янги сабаб ва формула манбалари сифатида амалга оширилади. Ўқув

технологияларни лойиҳалаштириш методик «тажрибаларни умумлаштиришдан» фарқли «мумкин эмас» деган холосани бермайди. **Технолог учун бу фақатгина вақт ва ҳаражатлар масаласидир.** Технолог фақатгина яхши маълум, текшириб кўрилган, асосланган, шубҳа қилинмайдиган фикрларга асосланади. Технолог тажрибалар ўтказмай, аниқ кўзланган натижалар билан иш олиб боради. Технология вариантилкка йўл қўймайди, унинг асосий вазифаси -аниқ кафолатланган натижа олишдир, у ҳар доим ҳам асосий ечимида оддийдир. Асосий ечимни тушуниш қолган ҳаммасини, ўзаро зарур элементлар тизими, тартибининг мазмунини очиб беради. Технологиядан ҳеч бир қисмини олиб ташлаб бўлмайди, у ерда ортиқчаси бўлмайди, бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу жуда мураккаб ҳолат, ҳар иккинчи ўқитувчи излаш - тадқиқотчилик тартибида иш олиб боради ва шу билан боланинг мактабдаги ҳаёти натижасининг ноаниклигини кучайтиради.

Ҳар доим, айниқса «аниқ» фанлар деб номланувчи йўналиш вакиллари орасида педагогларни характерлари учун койиб турувчилар топилади ва улар ҳар галгидек педагогика тизими моделларини ревизия қилиш ва модернизациялашдан бошлайдилар. Энди қўйида педагогика тизимида содир бўладиган жараёнларнинг баъзи принципиал характеристикаларида тўхталиб ўтамиз. Педагогик тизимнинг ҳар бир аниқ модификацияси кўзланган натижага эришиши аниқ хусусият ва имкониятларга эга деган қоидадан келиб чиқамиз. Бу имкониятлар тизимнинг аниқ хусусиятлари билан қатъий белгилаб қўйилган. Бу тарзда биз таълим ва тарбиявий жиҳатдан кўзланган даража ва сифатга эришмоқчи бўлсак, унда шунга мос педагогик тизим ҳақида ўйлашимиз керак ва унинг ишлаши педагогик жараённинг керакли йўналиши ва интенсивлигини таъминлаши зарур. Бунинг натижаси, ўқув-тарбиявий жараённинг янада юқорироқ самарадорлиги, ҳар доим педагогик тизимни такомиллаштириш оқибатидир. Бу жуда мураккаб муаммо, уларни ишлаб чиқишга дунёда энди киришилмоқда. Ҳозирги, умумий кўринишга жуда кўп кўринишли кўрсатгич, «харажат» ва “натижа”ларни тўплаш мумкин бўлмоқда ва ушбу муаммонинг фойдалилигини аниқлаш эса уни иқтисодий нуқтаи назардан ҳал қилиш имконини беради. Интуитив ва субъектив баҳоларни жуда осон хотўғри дейиш мумкин ва бу ерда вазиятдан чиқиш фақатгина фикрларни тўплашдан иборат бўлади.

Ҳар қандай педагогиканинг максимал умумий самараси 100% кўзланган мақсадга тўла эришилган ҳисобланиб, агар тарбиячилар учун илгари эришилгандан пастроқ даражада бўлмаса мумкин бўлади.

Яна бирон-бир педагогик тизим тузилишига назар ташлайлик, у

«ёмон» ва «яхши» педагогик тизим учун ҳам бирдир. Унинг учун ўқитувчи ҳам бирдир. Уни ўқитувчи, ўқувчилар муносабатигача соддалаштирамиз. Бу муносабатлар илгари ўрганилган эди ва умумий холоса маълум: деярли 50% ўқитувчидан, 50% эса ўқувчига боғлик. Бундан келиб чиқадики, масалан: энг ёмон педагогик тизимнинг самарадорлиги, айтайлик ўқитувчи, умуман ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширмаган ҳолда, аммо тизим ишласа 50% дан кам бўлмайди. Ањанавий педагогик тизимнинг фойдали ҳаракат коэффициети 60% дан ошмайди деб ҳисобланади. Бу эса мактаб тарбияланувчиларининг фақатгина ярмидан озгина кўпроғи дастурни тўла ўзлаштира олади деганини билдиради.

Яна бир муҳим фикр, тизимнинг умумий назариясидан маълумки, тизимни бараварига бир неча параметрлар бўйича яхшилаш мумкин эмас. Тўғри йўл янгиликни аста-секин, унинг фойдалилигига ишонч ҳосил қилиб, ҳар томонлама текшириб кўриб, кейинги ишларни ўйлаб киритишдан иборат. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир яратилган янгилик олдинига албатта илгаригисидан ҳам ёмон ишлайди. Чунки бу жараённи ўрганиш, мослашиш, сусткашликни енгиш керак.

3.Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўллари иккита: интенсив ва экстенсив. Интенсив ривожланиш педагогик тизимни ички имкониятлар ҳисобига, экстенсив йўл эса қўшимча кучлар жалб этиш - яъни, воситалар, асбоб-ускуналар, технологиялар ҳисобига такомиллаштиришни кўзда тутади. Педагогик технологиянинг, интенсив ривожланиш имкониятлари тугаган деб ҳисобланади: мактабнинг мавжудлиги минг йилликлар давомида ҳамма йўлларни синаб кўриб бўлган, ҳозирги педагоглар насибаси қайтариш, тарбия мазмuni ва вазифасини, мантиқий чуқур эсга олиш, унинг бирламчи асосларига чуқур тушиб боришдан иборат.

Яна бир бор қайтариб айтамиз, агарда мактаб ҳали ўлмаган бўлса, агарда у яшаётган, ривожланаётган ва болаларни ўқитаётган бўлса, бу фақатгина ўзининг консерватив табиати ҳисобигадир. Баъзи назариётчилар айтадиларки, жуда яқин вақт ичida педагогикада инновация бир маънони - орқага, ўтмишга, ўйлаб ва оқилона тарбиялаш, маънавий тарбияловчи, янгиликларсиз ва тиришишларсиз тинч тизимга қайтишнигина билдиради деган фикрни айтмоқдалар.

Фарб мактаблари экстенсив йўл билан педагогик маҳсулотни янги информацион технологиялар, вақтни турли хил ўқув фаолиятларига тақсимлаш, синфдаги дифференциация ва индивидуаллаштириш ҳисобига ошириш билан ривожланиб бормоқда. Шу билан педагогик маҳсулот сифати яхшиланмоқдаки, бу савол аниқлигича қолмоқда:

кўпчилик мустақил экспертлар бунга ишончсизлик билдиримоқдалар. Бу ҳолатдан чиқиши йўли «Ўзаро боғлиқлиқдаги инновация (янгиликлар)» деб аталувчи, интенсив ва экстенсив йўлларни бирлаштиришга имкон берувчи педагогик тизим ривожланиши ҳисобланади. Бу педагогиканинг фойдаланиш имкониятларини чуқур текширишни талаб қиласи, бу эса улар турли кўринишдаги турли характерли ва турли даражадаги педагогик тизим ташкил этиувчилари учрашган нуқтада намоён бўлади.

Бўш жойларини янги технологиялар билан мустаҳкамлаб, педагогик тизимнинг умумий самарасини яхшилашга уринса бўлади. Бундай ёндашишда инновация ўйлаб топилгаи «ташқи» чора бўлиб кўрилмайди, балки чуқур мазмунли талаб ва тизимни билиш, англаб етилган қайта тузиш ҳисобланади.

Агар шундай нуқтаи назар билан инновацион чақириқларга қаралса, уларда деярли янги жиҳатлар йўқдек туюлади. Жумладан, эски муаммоларни ҳал этиш учун янги «рецепт»лар ҳам йўқ. Умуман олганда инновацион ғояларга инсоният тарақиёти жараёни ҳақидаги янги билимларга асосланган, педагогик муаммоларни ҳал қилишга илгари қўлланилмаган назарий ёндашувлар, аниқ амалий технологиялардан олинган юқори натижаларни киритишга мажбурмиз.

Педагогика фанида берилган ғояларни ишланганлик даражасининг мувофиқлик жиҳатлари бўйича умумий ва қисман инновацион лойиҳалар миқдори, шунингдек, педагогик амалиётда улардан фойдаланишнинг таҳлилий умумий педагогик инновацияларга киритиш имконини берди.

1) Педагогик фан тизими ва педагогик амалиётни, янги бўлмаган бироқ доимий долзарб ва ўзидан ўқув-тарбия жараёнини битимлаштиришнинг умумий ғоялари ва амалий технологияларини ўзига мужассам қилган.

2) Инсонпарварлик педагогикасини барча назарий қоидалари ва амалий технологияларининг йифиндиси жамланган.

3) Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш янги ғоявий ёндашувга асосланган.

4) Ахборотлаштириш, оммавий коммуникациялашнинг янги ғоялари ва воситаларини қўллашга асосланган технологиялар инновацион технологиялар ҳисобланади.

4. Педагогик тизимда инновацион тузилмаларнинг бош йўналиши:

- яхлит педагогик тизим;
- ўқув юрти;
- педагогик назария;

- ўқитувчи;
- ўқувчилар;
- педагогик технология;
- мазмун;
- шакл, методлар, воситалар;
- бошқарув;
- мақсад ва натижалар.

Тизим ости тузилмаларининг чуқурлиги бўйича инновацион янги киритмаларнинг моҳияти, сифати ва мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогик тизим деганда нимани тушунасиз?
2. Педагогик тизимга янгиликлар киритиш ва унинг моҳияти нимада?
3. Педагогик тизимнинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
4. Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг қандай йўлларини биласиз?
5. Педагогик тизимда инновацион тузилманинг бош йўналишлари қайсилар?

ТЕСТЛАР

1. Педагогик тизим бу...
 - а) барча таълим –тарбия муассасаларида амалга ошириладиган тизим;
 - б) ташкил этувчиларни бирлаштирган мажмуа бўлиб, улар ўзлаштиришларда ҳам барқарорлигича қолаверади;
 - в) педагогик тизим бу- мактабгача, умумий ўрта таълим мактаби, олий таълим ва ундан кейинги таълим тизимиdir;
 - г) барча ёшдаги ўқувчиларни таълим-тарбиявий фаолиятларини бирлаштирувчи тизим.
2. Педагогик тизим қачон бузилади?
 - а) ушбу тизим иштирокчиларининг фаолиятлари ўзгарса;
 - б) қўйилган мақсад бошқаси билан алмаштирилса;
 - в) педагогик тизим иштирокчилари бир фикрга кела олишмаса;
 - г) агарда янгилик киритиш мумкин бўлган чегарадан ошиб кетса.
3. Педагогик тизим модели (ёки таркибий қисмлари) қуидагиларни ўз ичига олади:
 - а) мақсад, натижалар, ўқув-тарбиявий жараёнини бошқариш, технологиялар;
 - б) мақсад, натижа, ўқувчи, бошқарув, таълим бериш, мазмун, шакл, услугуб, восита;

в) мақсад, натижа, ўқувчи, бошқарув, метод, шакл, жараён;
г) мақсад, мазмун, восита, ўқувчи, технология, натижа.

4. Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг икки йўли, бу...

- а) анъанавий ва ноанъанавий йўл;
- б) интерфаол ва прагматик йўл;
- в) тушунтириш ва муаммоли йўл;
- г) интенсив ва экстенсив йўл.

5. Педагогик тизимда инновацион тизимларнинг бош йўналиши:

а) ўқув юрти, яхлит педагогик тизим, педагогик назария, ўқитувчи, педагогик технология, мазмун, шакл, метод, воситалар, бошқарув, мақсад ва натижалар;

б) мақсад, натижалар, ўқув тарбиявий жараён, ўқувчи, ўқитувчи, бошқарув, технологиялар, метод, шакл, восита;

в) мақсад, мазмун, шакл, метод, воситалар, ўқитувчи, ўқувчи, натижа;

г) мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод, восита, педагог, ўқувчи.

АДАБИЁТЛАР

1.Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: 1998.

2. Натанзон Э.Ш. Приёмы педагогического воздействия -М.:2002.

3. Ишмуҳамедов Р.Ж. ва б.қ. Тарбияда инновацион технологиялар. –Т: 2010

4. Саидаҳмедов Н. Педагогик технология асослари. -Т.: 2002.

5. Йўлдашев Ж.Ф. Педагогик технология асослари.- Т.: 2004

5-МАВЗУ: РИВОЖЛANIШ РЕЖИМИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИК АСОСГА ЎТКАЗИШ

РЕЖА

1. Мазкур мавзуни ўрганишнинг зарурияти.

2. Таълим муассасаларини ривожланиш режимига ўтказишнинг босқичлари.

3. Таълим муассасаларини ривожланиш режимига ўтказиш алгоритми

4. “Муаммоли майдон” таълим муассасаларини ривожлантириш дастурининг асоси эканлиги. Муаммони қўйиш жараёни.

Асосий маълумотлар



1. Инновацион фаолиятни турли жиҳатлари тўғрисида адабиётларда етарлича тўлиқ маълумотлар берилган бўлсада, лекин инновацион жараёнларнинг у ёки бу босқичлари амалий жиҳатдан ҳеч ерда технологик томонларини ёритиб берганлигини учратмаймиз. Мавжуд амалиётни кўрсатишича, ҳар бири ўз йўли билан, синаш ва хатолар йўли билан кетаётганини бирон-бир мавжуд меъёрга амал қилинаётганини кўрмаймиз.

Қўйида таклиф этилаётган материалда, кўплаб кузатилган тажрибаларга таянган ҳолда таълим муассасалари педагогик жамоаларининг ушбу жараёнга тайёргарлик ва киришишини самарали таъминловчи аниқ бошқарув ҳаракат тизимини белгилаб олиш имконини кўрсатиш мумкин. “Технология” ва “Инновацион жараён” тушунчалари ўртасидаги баъзи ноаниқликларни тушунган ҳолда, бу ўринда у ёки бу инновацион жараёнларнинг мазмуни ҳақида гап кетмаётганини айтиш билан у ёки бу жараён ҳар қандай ҳолатда фақат индивидуал характер касб этишини ва уни бошқариш тўғрисида ҳам гап бораётганини айтиб ўтиш ҳам ўринлидир.

Шунга кўра аниқ қадамларни белгилаб олишда қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- биринчидан, инновацион жараёнларни амалга ошириш учун ҳамма педагогик жамоа аъзоларини алоҳида тайёрлаш зарур, бу эса ўз йўлида барча таълим муассасалари раҳбарлари томонидан алоҳида эътибор ва қўшимча ҳаракат қилишни талаб этади, чунки ҳар бир иштирокчини (нафақат педагогик, балки техник) шаклланган мотивация у ёки бу режалаштирилган янгиликни ижобий ўзлаштиришнинг муҳим шарти ва кафолати бўлиб хизмат қиласи.

- иккинчидан, ривожланиш режимини таъминловчи барча қабул қилинган бошқарув қарорлари жамоавий бўлиши зарур, чунки айни мана шу шартлар кўпчилик педагогик жамоани инновацион жараёнга тезкор, ишончли ва муваффақиятли киришини таъминлайди. Бу ўринда жамоавий қарорларни ишлаб чиқиш воситаси сифатида иш ўйинлар энг самарали ва маҳсулдор воситалар ҳисобланади.

2. Таълим муасасаларини ривожланиш режимига ўтказиш жараёнида қўйидаги босқичларни эътиборга олиш керак:

1-босқич. Бўлғуси ўзгаришлар янгиликларнинг муҳимлигини, зарурлигини ва шарт эканлигини таълим муассасаларининг бошқарув груп аъзолари, яъни келажак ғояларни “ривожлантирувчи” ва “генератор” ларини мавжудлигини англаб етишдан иборат. Кўплаб кузатилаётган ва аниқланган тажрибалар шуни кўрсатадики, кейинги ҳаракатлар учун етакчи ташаббускор бўлиб, етакчи ўзининг ваколатига эга –мактаб директори ҳисобланади.

2-босқич. Улар томонидан нафақат административ (менежерлик) гурухини тузиш мұхым ва зарурий шарт бўлиб, шунингдек у ёки бу янгиликни татбиқ этувчи методик ва технологик тайёргарликка эга ғоявий жихатдан қўллаб-қувватловчи педагогик жамоани (командани) шакллантиришдан иборат.

3-босқич. Педагогик жамоани мотивлаштириш ва ўқитувчиларни инновацион жараёнларга тайёргарлигини шакллантириш. Бизнинг мактабларимизда бундай ўзгаришлар нимага керак? Бундай ўзгаришлардан биз ўқитувчилар нимага эга бўламиз? Буларнинг ҳаммаси нимага керак? Ушбу босқичда юқоридаги ва бошқа саволларга мазкур босқичда жавоб олиш мумкин. Бунга ушбу педагогик жамоани 5/4 аъзолари қўллаб-қувватлагандагина ва тушунгандагина эришиш мумкин. Бу шундай “танқидий майдон” бўлиб, буларнинг билдирган фикрисиз у ёки бу ўзгаришларни бошлаш ўринсиз ва хавфли ҳисобланади. Умуман олганда ушбу босқичда таълим муассасасининг раҳбари педагогик ва техник ходимларнинг мотивация шакли ва методларини белгилаб беради.

4-босқич. Мактабнинг муаммоли таҳлили, “муаммоли майдон” қуриш ва ўзининг, таълим муассасасининг бугунги кундаги асосий (энг керакли) муаммосини аниқлашдан иборат.

5-босқич. Муаммоли таҳлил ва асосий муаммони аниқлаш натижаларига кўра – яқин келажак учун мактаб ривожланишининг лойиҳа ғоясини ишлаб чиқиши. Бу янгилик киритиш обьектини танлаш бўлиб, бу янгилик мазкур мактабни ҳаётий заруриятидан келиб чиқиб, таълим жараёни иштирокчиларининг кўпчилиги томонидан англаб етилиши зарур. Ушбу босқичда принципиал масала: бўлғуси инновация соҳаси қандай бўлади? Бу инновация ўқув ёки ўқув жараёнидан ташқаридағи фаолиятга тегишли бўладими? Буларнинг ичидан қайси бири етакчи? Масалан, тажрибани кўрсатишича, қишлоқ жойлардаги мактабларда бўлғуси инновациянинг самарали соҳаси бўлиб, дарсдан ташқари фаолият ҳисобланади. Лекин, қайси соҳа бўлса ҳам ушбу масалани педагогик жамоанинг ўзи белгилайди. Янгилик киритиш обьектини танлашга, бевосита таълим муассасаси белгилаган муаммо таъсир кўрсатади.

Ушбу режада муаммолар қуйидагича бўлинади:

- кадрлар, бошқариш тартиби, стратегик;
- боғлиқлик – унда бошқа муаммолар ҳам тўқнаш келади;
- натижали – бошқа муаммоларнинг сабабчиси (оқибати) сифатида бўлинади.

Албатта, энг асосий ҳал этиладиган муаммо биринчи гурух муаммоси ҳисобланади. Агар ушбу гурух бўлмаса, бошқа гурух муаммо ечимиға киришади.

6-босқич. Ишлаб чиқилган ғояни амалга ошириш учун аниқ бошқарув ҳаракатини аниқлаш, яъни уни амалга ошириш режаси ва дастурини тузиши керак бўлади.

7-босқич. Келажак бошқарув ҳаракатини коррекциялаш мақсадида лойиҳа ғоясини амалга оширишнинг дастлабки қадамларини кўрсатишдан иборат.

3. Таълим муассасаларини ривожланиш режимиға ўтказиш бўйича таклиф этилаётган алгоритм энг камида икки хил аҳамиятга эга бўлади:

- биринчидан, бу шаклланиш механизми ва педагогик жамоани кейинги инновацион имкониятларни ривожланиши ҳисобланади;

- иккинчидан, мактабда ривожланувчи педагогик жамоани мавжудлиги мазкур таълим муассасасини ривожланиш режимини самарали ва муваффақиятли таъминловчи етарли жараён ва восита сифатида кафолатлаш мумкин.

Таълим муассасаларини ривожлантириш режимиға ўтказишга тавсия этилаётган босқичлар ичida 4-босқич асосий ҳисобланади ва у ўзининг таълим муассасаларидағи бош муаммони аниқлашда мухимдир. Бунингиз кейинги ҳаракатлар, уни ким ва қандай амалга оширишидан қатъи назар у формал ҳарактер касб этади, чунки аниқ муаммони белгилаб олмасдан туриб, инновацион фаолиятни, яъни аниқ таълим муассасаси муаммосини ҳал этиувчи фаолиятни бошлаб бўлмайди. Бу жуда мухимдир.

4. Таълим муассасаларида муаммоли таҳлилни йўлга қўйиш ва уни тўғри амалга оширилса, унинг натижаси мазкур мактаб дастури асосларини реал асосларини ташкил этади ва ушбу натижа таълимтарбия жараёнининг барча иштирокчиларини мавжуд муаммоларини ҳал этишга йўналтириш имконини беради. Муаммолар, албатта ҳар бир мактабда ўзига хослик касб этади. Таълим муассасаларининг асосий ғоясини ташкил этган “муаммоли майдон”ни муаммоли таҳлил этиш, мактаб педагогларини маълум касбий ва ўзгаришлардан манфаатдор гурухлар ишининг натижасидир. Унинг натижаси таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини реал асоси ҳисобланади. Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, ушбу ишда ҳеч кимни мажбуран иштирок этишга ундумаслик керак. Бу ўринда таълим муассасалари раҳбарларини мазкур муаммоли таҳлилида жамоанинг тушунган кўпчилик (5/4) кисми иштироқини таъминлашга эришмоғи

зарур. Шунингдек, ушбу ишга фаол ота-оналардан ва юқори синф ўқувчиларини жалб этишни тавсия этиш мумкин. Бундай таълим муассасаларида муаммоли таҳлил ўтказиш ва режалаштирилаётган янгиликни бу ерда жорий этиш аниқланган асосий муаммоларни ечишда восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Акс ҳолда йўқ сизнинг таълим муассасангиздаги ҳолат натижасиз кўринишда бўлади: муаммо ҳеч кимда йўқ (билдирилган муаммодан ташқари), инновацион жараён эса кетаяпти. Муаммоли таҳлилда марказий мактабда “муаммоли майдон” яратиш экан, шу баробаринда ҳозирги адабиётларда унинг технологияси мавжуд бўлмагани сабабли, уни “қадамлар” деб аташ орқали фаолият юритишни мақсад қилиб қўйиш мумкин бўлади.

Шунга кўра, ушбу “қадамлар” қўйидагича кўринишга эга:

Биринчи қадам. Муаммони йириклиштириш ва белгилашдан иборат. Ҳозирги замон адабиётларида, муаммони белгилаш ёрдамида ахборотлар тўплаш мумкин: анъанавий усул ёрдамида (дарсларга кириш, сұхбатлар, анкеталар ўтказиш ва ҳ.к.); муаммолар ифодаланган маҳсус карточкалардан фойдаланиш йўли билан; жамоа бўлиб, муаммоларни йириклиштириш ва белгилаш орқали масалан, семинар, турли йиғилишлар, ҳатто педагогик кенгашлар ўтказиш йўли билан амалга ошириш анча самарали натижа бериши мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу йиғилишни четдан келган мутахассис олиб боради ва у мазкур мактаб муаммосини белгилаб бера олмайди, балки ушбу тадбирни ташкил этиш ва уни белгиланган тартибда бошқариб боради. Олиб борувчи ҳар бир иштирокчига мурожаат қилиб, унинг мустақил тарзда баён қилган муаммосини алоҳида эътиборга олади. Ҳар бир иштирокчи фақат биттадан ўзининг муаммосини айтади, кейин навбатдаги иштирокчига сўз берилади. Бу ҳолат “муаммони” белгилаш якун топгунча давом этади. Одатда бундай жараёнлар шаҳар мактабларида 1-1,5 соат давом этади. Бунинг учун иштирокчиларга тахминан қўйидагича эсталикни тавсия этиш мумкин.

Муаммонинг қўйилиши (эсталик)

1. Муаммо деганда мавжуд ва ҳоҳиш ўртасидаги муносабатлар тушунилади ва бирон-бир нарсани этишмаётгани, йўқлиги, қарама-қаршилиги ёки қийинчиликлар англаб етилади. Масалан, кадрлар этишмовчилиги йўқ, балки бирон-бир нарсани бажаришда нимани йўқлиги учун бажарилмайди.

2. Ким учун ва қандай муаммолар мавжуд?

3. Кимни у безовта қиласяпти? Ким уни бажаради? Қийинчиликларни келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатлари нимада?

4. Вазифа даражасини олиб чиқувчи муаммони шакллантириш (нимани енгиш керак? нимага суюниш мумкин?)

5. Таълим муассасасининг “муаммоли майдони” схемасини чизинг.

Иккинчи қадам. Муаммоли блок бўйича аниқланган муаммонинг тузилмавий кўриниши. Умумтаълим мактаблари шароитида блоклар қўйидагича бўлиши мумкин:

Ўқув тарбиявий жараён (таълимни ҳар бир босқичи учун + тарбиявий ишлар алоҳида);

Таълим мазмуни, ташкилий бошқарув жараёни, ташкилий маънавий ишлар, моддий таъминоти. Ушбу босқичда асосий блокни аниқлаш. Асосий блокда энг кўп муаммолар тўпланган бўлади.

Учинчи қадам. Асосий блок муаммоларини тузилма ҳолига келтириш ёки гуруҳлаш. Бундай тузилмавий кўриниш учун асослар бўлиши мумкин. Масалан: фаолият соҳаси бўйича мактаб ва мактабдан ташқари бўлиши мумкин, субъект ҳал этиш бўйича – ўқитувчиники, раҳбариятники, таълим тизимини бошқаришдаги юқори бўлимлариники; натижалар бўйича –ҳал этиш мумкин, ҳал этиш мумкин бўлмаган, яъни ҳозирги шароитда мазкур таълим муассасаси томонидан ҳал эта олинмайдиган ҳолат. Тажриба шуни кўрсатадики, охирги гурух муаммолари келажак ишлар учун энг самаралиси ҳисобланади.

Тўртичи қадам. Асосий блокда ҳал этилаётган муаммони ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш. Ушбу блокда ҳар бир муаммони мазкур ўқув фани учун биринчи маротаба ўрганилаётганини таҳлил этиш: қайси ҳал этилаётган муаммо бошқасини ҳал этишда қўлланилиши мумкин.

Бешинчи қадам. Ҳар бир муаммолар сонини ҳисоблаб чиқиш ва асосий муаммони аниқлаш. Асосий муаммо бўлиб энг кўп тан олингани ҳисобланади. Бу асосий муаммо мазкур таълим муассасасининг асосий муаммоси бўлиб, маълум белгиланган муддат ичida бажарилиши зарур.

Турли инновацион ишланмалар (шу таълим муассасаси учун), муаллифлик методикаси бир таълим муассасаси тизимидан бошқасига олиб ўтиш ўзини оқламайди. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби-ўзининг таълим муассасасига татбиқ қилинган бошқа янгиликларни адекват (ўхшаш) бўлмаган томонларидир. Муаммоларнинг кўплиги, бир хилда эмаслиги ва уни мураккаблиги бошқарув олдига ортиб бораётган талабларнинг характеристи билан белгиланади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ривожланиш режимида таълим муассасаларини технологик асосга ўтказиш зарурияти нимада?
2. Ривожланиш режимига ўтказишнинг қандай босқичлари мавжуд?
3. Таълим муассасаларининг ривожланиш режимида қандай алгоритмни тавсия этиш мумкин?
4. Мактаб “муаммо майдони” деганда нимани тушунасиз?
5. Мазкур мактаб “муаммоли майдон”идаги бажариладиган ишлар, “қадамлар” ни босиб ўтиш йўлини тушунтириб беринг.

ТЕСТЛАР

1. Мазкур таълим муассасасининг ривожланиш режими, бу.....
 - а) ўз хато ва камчиликларини англаб этиш;
 - б) ҳар ким ўз билганича йўл тутиш;
 - в) технологик ва инновацион жараён ва уларни фарқлаш;
 - г) аниқ бошқарув фаолияти ва жамоани инновацион фаолиятга тайёрлаш.
2. Таълим муассасаларини ривожланиш режимига ўтказишнинг қандай босқичлари мавжуд?
 - а) ҳар бир педагогик жамоа ўзи белгилайди;
 - б) 6 босқичдан иборат;
 - в) 7 босқичдан иборат;
 - г) 4 босқичдан иборат.
3. Таълим муассасаларида муаммолар қўйидагича бўлинади.
 - а) бошқарув тартибидаги, кадрлар, стратегик қўринишда;
 - б) бошқа муаммолар ўзаро учрашадиган қўринишда;
 - в) бошқа муаммоларни натижасига кўра;
 - г) кадрлар, боғлиқлик, натижали.
4. Таълим муассасасини ривожланиш режимига ўтказишни икки хил аҳамияти.
 - а) шаклланиш механизми ва педагогик жамоани инновацион имкониятларини янада ривожлантириш;
 - б) ривожланувчи педагогик жамоани юзага келтириш ва керакли шарт-шароитлар, воситаларни кафолатлаш;
 - в) шаклланиш механизмини яратиш ва мутахассис педагоглар фаолиятини йўлга қўйиш;
 - г) а ва б жавоб тўғри.
5. Муаммоли таҳлилда мактаб муаммоли майдонида ишлаш қадамлари нечта?
 - а) 5

- б) 3
- в) 6
- г) 2

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: "Шарқ".1998
2. Толипов Ў. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. -Т.: 2006
3. Саидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: "Молия". 2003
4. Турғунбоев К., Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. "Андижон нашриёт-матбаа": 2008.
5. Ишмуҳамедов Р. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: 2008.
6. Ишмуҳамедов Р. ва б.қ. Директорнинг иш китоби. - Т.: 2007.

6-МАВЗУ: РЕФЛЕКСИВ-ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

РЕЖА

1. Рефлексив инновациялар ва уларнинг тўрт босқичи.
2. Таълимда янгиликлар киритиш моҳияти ва уларнинг таҳлили.
3. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш.
4. Рефлексив инновацион фаолиятда қулай инновацион муҳит яратиш.



Асосий маълумотлар

1. Рефлексив – инновацион технологияларнинг барча жараёнларини қуидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- 1) янги ғоялар излаш босқичи;

- 2) янгиликлар юзага келтириш босқичи;
- 3) янгиликлар киритишни амалга ошириш;
- 4) янгиликларни мустаҳкамлаш босқичи.

Янги ғоялар излаш босқичи «инновацион педагогика» асослари курси бўйича ахборот инновацион шароитни юзага келтириш, мактаб муаммо ва талабларини долзарблаштириш, мақсад, янгилик яратиш ғояларини ифода этиш бўйича дастлабки ишлар, бўлажак мактаб шароитини тасаввур этишдан иборат. Янгилик киритишни шакллантириш босқичи янгилик киритиш ишларини фаол равишда лойиҳалаштириш, танланган янгиликларни синаб кўриш, мактабда янгиликларни киритиш бўйича қарор қабул қилишдан иборат.

Янгиликларни киритиш босқичини амалга ошириш мактабда тажриба ўтказиш учун шароитлар яратиш, тажриба жараёнини таҳлил қилиб бориш, янгилик киритиш ва мазмунини тузатиб боришдан иборат бўлади.

Янгилик киритишни мустаҳкамлаш босқичи мактабнинг янгидан шакллантирилган образини ўқитувчилар онгida мустаҳкамлаш, ўқитувчининг инновацион ҳаракатларини мукаммаллаштириш бўйича психокоррекцион методик ишлардан ташкил топади.

Барча тўрт босқичнинг асосий мақсади янгиликни ўзлаштиришни ривожлантириш ва ўзлаштирилаётган янгиликка субъектив муносабатда бўлишдан иборат.

Ўқитувчиларни рефлексив инновацион технологияга тайёрлаш моделининг III ва IV босқичи жадвалда кўрсатилган. Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш III ва IV профессионал тайёрлаш босқичларининг технологик жадвали қўйидагича:

ТЕХНОЛОГИК ЖАДВАЛ

Вазифалари	Педагогик муносабат ва педагогик фаолиятнинг умумий технологиясини, тақомиллаштирилган инновацион фаолият технологиясини ўзлаштириш.
Мазмуни	Муаллифлик дастурларини тузатиш методикасини ўзлаштириш. Тажриба босқичларини режалаштириш, татбиқ этиладиган янгиликни таҳлил, олдиндан таҳлил қилиш, ривожлантириш, янгиликни педагогик жараёнга татбиқ этиш, тузатиш, тажриба ишлари натижаларини кузатиш.
Технологиялари	Ташкилий – фаолият ўйинлари. Рефлексив инновацион амалиёт

	муаллифлик концепцияларини ўрганиш. Муаллифлик дастурларини тузиш. Инновацион турдаги ўқув юртларида амалий ишлар ва турли хил малака оширишда иштирок этиш. Педагогик устахоналар.
Даражা	Психологик тайёргарлик методологик тус олади, рефлексив аналитик маҳорат юқори масъулият, ижодий фаолият ривожланади.

Илгари айтилганидек, муҳокама қилинаётган технологияларни татбиқ этиш учун инновацион шароит мактаб муаммоларини долзарблаштиришдан бошланади. Бунинг асоси инновацион педагогика бўлиб, у талабаларни инновациянинг асосий бўлимлари билан таништиради. Бу курснинг асосий вазифаси фақатгина ўқитувчи инновацион фаолиятининг сабаб, омил, тўсиқларини очиб беришгина эмас, балки янгиликни қабул қилиш учун психологик тайёргарликни юзага келтириш, педагогик инновацияларни қабул қилишни ҳам ривожлантиришдан иборат. Ижодий фаолият психологик қонуниятларини ечиш, излаш, танлаш механизмини ўрганиш, тренингли таълим шароитида амалга оширилади. Дастурнинг асоси шахснинг ўзини ижодий ривожлантириш тамойилидан иборат. Қачонки субъект ўз фаолиятда фақатгина намоён бўлиб ва кўрсатибгина қолмай, балки ижодкорлик қилса ва уни аниқласа, унинг фаолияти йўналишига қараб унинг ўзини аниқлаш ва шакллантириш мумкин. (С.Л.Рубинштейн).

Инновацион педагогика асослари бўйича дастурнинг асосий бўлимлари «инновация», «янгилик», «таълимнинг инновацион жараёнлари», «ўқитувчи инновацион фаолияти тузилиши», «янгилик киритиш технологияси» тушунчаларини очиб беришга мўлжалланган.

Ушбу курсда ўзига хослик сифати билан ажралиб турувчи, педагогик ғояни таърифлашга бошқача муаллифлик ёндашиши билан ажралиб турувчи ўзига хос вариатив таълим моделлари ўрганилади.

Энг аввало оммавий педагогик ҳаракатлар, гуманистик педагогик ривожланишига туртки берган концепция ва таълим вариантлари ўрганиб чиқилади. Талабалар турли ўқув юртларини ўрганадилар, уларнинг мақсади, ташкилий тизимнинг ўзига хослиги, таълим ва тарбия мазмуни, улар ишларидаги амалий тажрибаларни тасвирлаш билан шуғулланадилар.

Асосий эътибор муаллифлик дастури, таълим ва тарбия концепцияларини яратиш даражасида педагогик тажрибалар ишлаб чиқиш ва ўтказиш техникасига қаратилади. Талаба амалий фаолияти концепцияларини ўрганиш, қоида, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан ҳақиқий муқобил ўқув юртлари билан танишиш каби ишларни олиб боради. Бакалавриат ва магистратурада бўлажак педагоглар шу каби концепция ишлаб чиқиш бўйича ижодий жамоага жалб этиладилар. Курс дастури 97 соатга мўлжалланган бўлиб, 22 соат маъруза, 16 соат семинар ва 14 соат лаборатория машғулотлари ва 45 соат мустақил тадқиқот ишларини ташкил этишни кўзда тутади. Маъруза машғулотларида инновацион педагогика асосий муаммоларини ягона тушунишини таъминловчи, кейинги мустақил ишлари учун методологик ва илмий асослар яратувчи энг умумий назарий саволлар ўрганилади. Курсни ўрганишни белгилайдиган муҳим назарий бўлим инновациянинг асосий қоидаларига бағишлиланган бўлиб, унда бу борада амалга ошириладиган тадқиқотлар таҳлил қилинади.

2. Таълимда янгиликлар киритиш моҳияти нимадан иборат? Уларни қандай таҳлил қилиш керак? Шу тариқа курс бошланишидан асосий концепцуал ғоялар, инновация қоидалари кўриб чиқилади, инновацион жараённи йўлга қўйишининг баъзи методлари ва уларни мазкур жараёнга таъсири баён этилади. Бу эса, ўз ўрнида, кейинги мустақил ишлар учун вазифа қўйиш имконини беради. Талабалар семинар машғулотларида инновацион педагогиканинг асосий ғояларини тушунишга, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш моделларининг муқобил турларини ўрганиш асосида аналитик таҳлил қилиш маҳоратини эгаллаш ва концепцуал ёндашишни юзага келтириш учун назарий баҳсларда иштирок этадилар. Семинар машғулотларида талабалар турли концепцияларни таҳлил қилиш асосида муқобил таълим моделларига далилий баҳо берадилар. Лаборатория машғулотлари талабаларнинг инновацион турдаги мактабларда ишлашга тайёргарлигини юзага келтириш, янгиликни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш технологияси билан таништириш, педагогик тажрибани ташкил этиш методикаси, муаллифлик дастурини тузишга ёрдам беради. Лаборатория машғулотларида ижодий фаолият тўсиқларини олиб ташлаш бўйича психологик тренинг ўтказилади.

3. Мактабда амалиёт ўтказиш талабаларни педагогик жараёнга фаол иштирок эттириш ҳам уни талабалар **индивидуал талабларига** таяниб инновацион **педагогика тамойиллари** асосида ташкил этиш, уларга **таълим шакли ва мазмунини танлаш** эркинлигини бериш, **ўз нуқтаи назарлари** ва **сухбатини долзарблаштириш** асосида ўқув муаммоларини ечиш, **турли педагогик вазиятларни таҳлил**

қилиш асосида коммуникатив гурухлар ташкил этишларни кўзда тутади. Талабаларнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида мустақил ишлари ўзига хос хусусиятларига эга: иккинчи босқичда у кўп жиҳатдан мавжуд таълим лойиҳаларини мустақил тушуниш билан боғлиқ; учинчи босқичда у ўз шахсий ижодий маҳсулотини яратиш, индивидуал ёки ижодий жамоада муқобил мактаб концепцияси ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

«Инновацион педагогика асослари» курсини амалга ошириш педагогик ўқув юртларида мавжуд шартларга кўра икки варианти кўзда тутади:

1) ҳамма талабалар учун курсни асосий қисмлари бўйича тизимли ўтиш ва тадқиқот ишлари мавзусини мустақил танлаш ва индивидуал консультацияга мўлжалланган;

2) инновацион педагогиканинг энг муҳим муаммолари бўйича йўналтирувчи маъруза ва семинар ўtkазишни кўзда тутади.

Таълим ва тарбиянинг алоҳида муқобил моделлари ва уларга мос мактаб турларини ўрганиш талабаларнинг қизиқиши ва лаёқатидан келиб чиқиб уларнинг танлови асосида амалга оширилади.

Дастурнинг биринчи варианти бакалавриат учун кўпроқ тўғри келса, иккинчиси эса магистратура учун мос келади. Умуман олганда варианти танлаш талаба ва ўқитувчи хоҳишига боғлиқ бўлади.

Бизнинг асосий мақсадимиз янгиликларга ижобий муносабат ва ўз муаллифлик дастурини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш истагини билдирганларга шароит яратиб беришдан иборат бўлади. Чунки инновацион технологияларни эгаллаш фақатгина талабалар томонидан ўз фаолиятидаги камчиликлари ва қарама-қаршиликларни кўриб ва уни ўргангандаридагина аҳамият касб этади. Шунинг учун «инновацион педагогика асослари» курсини ўрганишни курс ишлари ёзиш билан бир вақтда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай таълим бериш янгилик киритишнинг мақсадини аниқ белгилаш, ҳақиқий ва мумкин бўлган янгилик манбаларини аниқлаш, муаммони ифода этиш имкониятларини беради. «Инновацион педагогика асослари» курсини ўқитиш ва татбиқ этиш билан бирга олиб борилганда яхлит маънога эга бўлади. Агарда ўқитиш жараёни талабаларнинг шахсий амалий муаммоларини таҳлил қилиш ва ечиш асосида ташкил этилсагина, унда инновацион фаолият учун шартшароит яратиш мумкин.

Курсни ўрганишнинг муҳим омили бўлажак педагогларнинг янгиликларни ижтимоий-маданий муаммоларни тушуниб этишлари, бу эса янгиликни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўлларидағи тўсиқларни

кўра билишга, мактаб раҳбарияти ва касбдошлари ўзаро муносабатлари динамикасини ҳамда бошқа ўзгаришларнинг узлуксиз реакциясини кўра билишга имкон беради. Кўрсатилган ўқитувчининг инноваторлик сифатлари шаклланиши қўйидаги асосий саволларни тушуниб етишни кўзда тутади. Инновацион фаолият самарадорлигини таъминловчи омиллар қандай? Инновацион дастурни қандай ишлаб чиқиш мумкин? Янги ғояларни йириклиштириш методларини қандай қўллаш керак? Янгиликни касбдошлар, ота-оналар, ўқувчилар, мактаб раҳбарияти қандай қабул қиласди? Инновацион салоҳиятни янгилик киритиш самарадорлигининг омили сифатида қарасак, бу жараён иштирокчилари турли ролларини мувофиқлаштириш, иштирокчилар ҳаракатларига мақсадга мувофиқ таъсир этиш имкониятларини уларнинг роли нуқтаи назаридан юзага келиши механизмини тўғри тушунишга боғлиқ бўлади: ташаббус, кўмаклашиш, қаршилик ёки бефарқлик. Маълумки, бу тушунчалар педагогик фанларда маҳсус ўрганилмайди, бу талабаларда инновацион жараён «қарама-қаршиликларсиз ва курашсиз» ва қумда содир бўладиган жараён сифатида таассурот юзага келтиради. Бу янгиликларни шакллантириш босқичини биз рефлексив-инновацион амалиётда амалга оширдик.

Рефлексия умумий кўринишда бу қайта англашдир. Рефлексив мұхит яратиш ўқитувчига нисбатан алоҳида, жуда яхши шароитларни яратишга имкон беради. Унда фақатгина унинг, шахсий ва интеллектуал тажрибаси етарли эмас бўлиб, балки мақсадга эришиш йўлида ўзига хос тўсиқ (фақатгина восита эмас) бўлади. Шу билан бирга муаммоли интеллектуал қарама-қаршилик сифатида очилади. Маълум, билим ва маҳоратлар тўқнашуви кўринишида долзарблашади. Бу инновацион вазият шароитлари хусусиятлари билан педагог ўзига тушунарли ҳаракат усусларини амалга оширади. Шу билан бирга уни ечишда низолар юзага келтирувчи хусусиятлари аниқланади. Яъни ўқитувчининг шахс сифатида юзага келган ҳаракат усуслари билан унга аниқ бир вазиятда кўрсатилган ҳақиқий талаблар ўртасидаги шахсий хусусиятдаги қарама-қаршиликлар. Шундай қилиб, муаммонинг моҳияти хал этиш жараёнида «мен» ифодаси билан (яъни, интеллектуал ва шахсий иборадаги) янгилик киритиш жараёнининг талаб ҳамда ҳаракатлари ўзига хослиги ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлардан иборат бўлади. Бу қарама-қаршиликлар мустақил тарзда янгилик очишга олиб келади ва бир вақтнинг ўзида фикрлашни қайта ташкил этиш, шахснинг фаол қайта шакллантиришдан иборат шахсий ва интеллектуал ривожланиш сифатида содир бўлади. Ижодий фаолиятда янгиликнинг яратилиши шахсда маҳсус янгиликлар пайдо бўлишига

сабаб бўлади ва у ўқитувчи ўзи ҳақидаги тассаввури ўзгаришидан иборат бўлади.

Рефлексив инновацион амалиёт ўқитувчи ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилиб, бунда педагогик фанда фақатгина янгилик яратиш қобилиятигина эмас, балки ўз-ўзига, ўз меҳнатига, болаларга, ҳар қандай муаммоли вазиятни ҳал этишга ва умуман ҳаётга ўзига хос ижодий муносабатда бўлиш тушунилади. Булар ўқитувчи учун муҳим аҳамиятта эга, чунки замонавий вазиятлар мураккаблиги динамизми ундан одатий мутахассислик кўникмалардан ҳоли бўлиш, эркинликни талаб қиласди. Шу билан бирга ўқитувчи инновацион фаолиятини кўрсатувчи хусусиятлари бу юзага келган вазиятда максимал равишда эркин бўлиш ва мактабда янгиликни жорий қилишни ўзи белгилай олиш қобилияти ҳисобланади. Бу босқичда инновацион ҳаракатлар ривожланиш жараёнини биз шундай тасаввур қиласиз: янгиликларни яратиш ва жорий қилишга қаршилик қилувчи бир хилдаги одатларни «бузиш» ва «қайта тузиш» демакдир.

Хусусан, эски одатларни бузиш, уларни йўқ қилиб юбориш эмас, чунки улар осонлик билан янгилари билан алмаштирилади. Ушбу босқичда инновацион ҳаракатларни юзага келтириш услубларига қўйидагиларни киритиш мумкин: полилог, мунозара, рефлексив, инверсия, интервью. С.Н.Маслов фикрича, ижодга ўргатиш мумкин эмас, ижобий қобилиятларни юзага келтириш мумкин эмас, худди у қандайдир кўникма ёки билим ва маҳоратлар йифиндиси сифатидадир. Ижодда чиниқканлик, ижодий қобилиятларни тарақкий қилиш зарурлигини билдиради. Ана шу ғояни биз катта курс талabalари билан рефлексив-инновацион амалиёти мавзусига киритдик. Амалиётда методологик ва методик мавзуда биргалиқда ижод қилишни ёйиш, рефлексив муҳит ғоясига таяндик.

Асосий масалалардан бири қулай инновацион муҳит яратишдан иборат. Рефлексив инновацион амалиёт иштирокчилари ҳақиқий педагог шароитида бўлишлари сабабли, қисқа вақт ичидаги стереотипларни бартараф қила оладилар. Рефлексив инновацион амалиёт илгариги тажрибани долзарблаштириш, уни қайта англаш, бўлажак мактабнинг янги муаммо ва муносабатларини аниқлаш учун имкон беради. Асосий масалалардан бири ўз-ўзини ва ўз фаолиятини қайта англаш жараёнини янгиликлар яратиш соҳасига йўналтиришдир. Қайта англашга талаб муаммоли, низоли вазиятга дуч келганда пайдо бўлади, унда илгариги тажриба тубдан ўзгарган шароитларда мутахассислик соҳасида керакли натижаларни таъминлашга қодир бўлмай қолади. Ушбу вазиятни ижодий инқироз сифатида ифода этиш

мумкин. Буни ижобий томони шундан иборатки, инқироз ҳолати янгилик излашга ёрдам беради, аммо бунга эриша олинмаса унда вазиятнинг кейинги ривожланиши ўзи барбод бўлишига олиб келади.

Алоҳида ижодий мұхит яратиш натижасида ушбу муаммо бўйича маълумот ва тажриба алмашиш содир бўлибгина қолмай, ундан ташқари алоҳида бирга ижод қилиш мұхитини яратиш ҳисобига, янги фикрларга эришилади, у кейинчалик инновацион фаолият асоси бўлиб хизмат қиласи.

Шундай қилиб рефлексив инновацион амалиётни амалга ошириш қўйидаги масалаларни ҳал этишини таъминлайди:

- 1) мунозарани ривожлантиради;**
- 2) тез ўзгарувчи шароитларга ўқитувчилар мослашувини таъминлайди;**
- 3) янгиликларни тахмин қилиш.**



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Рефлексив инновациялар деганда нимани тушунасиз?
2. Рефлексив инновацион жараённинг тўрт босқичи ҳақида нималарни биласиз?
3. Таълимда янгиликлар киритиш моҳияти нимадан иборат ва уларни қандай таҳлил қилиш мумкин.
4. Рефлексив инновацион фаолиятда қулай инновацион мұхит яратиш ҳақида нималарни биласиз?
5. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак?

ТЕСТЛАР

1. Рефлексив инновация бу...
 - а) шартли рефлексларга асосланган жараён;
 - б) шартсиз ва шартли рефлекслар уйғунлиги;
 - в) умумий кўринишда қайта англашдир;
 - г) олдинги эгалланган билим, тажрибаларни қайта англаш.
2. Рефлексив инновацияларнинг тўрт босқичи, булар...
 - а) янгилик киритишда фаоллик, шароит яратиш, янги образни юзага келтириш, олдинги билимларни тақорлаш;
 - б) янгилик киритиш учун мұхит яратиш, муаммони аниқлаш, мавжуд ҳолатни ўрганиш, лойиҳа тузиш;
 - в) имкониятларни ўрганиш уларни гурӯхларга ажратиш, амалиётга киритиш, баҳо бериш;

г) янги фоялар излаш, янгиликлар юзага келтириш, янгиликларни амалга ошириш, янгиликларни мустаҳкамлаш;

3. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлашда:

а) ўқув хужжатлари мажмуи билан танишириш, мунозаралар ўтказишга тайёрлаш, янгиликни ҳис этишга, хулоса чиқаришга ўргатиш;

б) олинган янги натижаларни олдингилари билан таққослаш, шартли ва шартсиз рефлекслар ҳақида билимга эга бўлиш, хотирлаш орқали билимларни эсга тушуриш;

в) талабалар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар орқали фикрларни жамлашга ўргатиш;

г) талаба индивидуал талабларига таяниш, турли педагогик вазиятларни таҳлил этиш, мазмун, шакл танлаш эркинлигини бериш, нуқтаи назарни долзарблаштириш;

4. Рефлексив инновацияда қулай инновацион мұхит яратиш дегандан...

а) тажриба ва маълумот алмашиш, бирга ижод қилиш учун шароит яратиш;

б) иштирокчилар ўртасида ҳамжиҳатликни, бир-бирини англаш учун имконият юзага келтириш;

в) эркин фикр юритиш, танқид ва ўз-ўзини танқид учун қулайлик бўлиши;

г) билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдириш, қўллаб-қувватлаш учун имкон бериш.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгимас куч. -Т.: "Маънавият" 2008.

2. Айсмонтас Б.Б. Педагогическая психология: схемы и тесты. – М.: 2006

3. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: .Знание. 1989

4. Саидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: "Молия" 2003.

5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. -Т.: 2006.

6. Турғунбоев Р., Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. – "Андижон нашиёт-матбаа". 2008

РЕЖА

1. Рефлексив – гуманистик ёндашишнинг асосий аксиологик ютуқлари.
2. Услубдан мақсад ва унинг босқичлари.
3. Мунозара механизмининг уч гурухга ажратилиши.
4. Рефлексив-инновацион амалий дастурини тузиш.
5. Креативлик даражасининг уч кўрсаткичи.
6. Инновацион фаолиятга тайёргарликни белгилайдиган кўрсаткичлар.
7. Дидактик ўйинларнинг методик асослари ва унинг тўрт босқичи тузилмаси.
8. Муаммоли вазиятни келтириб чиқариш.
9. Ишбилармонлик ўйинлари ва уларнинг моҳияти.



Асосий маълумотлар

1. Мутахассислик маҳорати ва билимларини ўзи ривожлантириши қулай, ихчам тизимларни тараққий эттириш нуқтаи назаридан, рефлексив-гуманистик педагогика ва бирлашиб ижод қилиш психологияси асосида яратиладиган интенсив-инновацион методлар юқори самарага эга бўлишлари мумкин. Бизнинг фикримизча рефлексив-гуманистик ёндашишнинг асосий **аксиологик** ютуқларидан бири, инкор этмайдиган услубларни кўпайтириб, тараққий эттириш мумкинлигини амалий исбот қилиб бериш бўлади. Шундай қилиб янги концепция яратиш, янгиликни кашф қилиш учун ҳеч ҳам ўтмиш меросидан бирор нарсани бузиши шарт эмас. Биргаликда ижод қилиш асосий гуманистик тамойили бу амалиёт иштирокчиларининг ҳар бири ички ва ташқи ҳаётини турли туманлиги (полифоник) кўпайиши доимий ривожланишнинг тўлалигини (ягоналиги) ни таъминлашдан иборат. Ўқитувчи инновацион ҳаракатини амалга оширишга имкон берувчи

Аксиология – (юн. axio – қадрият ва logos – фан, таълимот) – қадриятшунослик, қадриятлар ҳақидаги фан. 19-асрнинг иккинчи ярмида немис қадриятшуноси Э.Гартман ва француз олими П.Лаппи томонидан киритилган. Аксиология аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, аксиологик билиш, қадриятли ёндашув ва бошқалар.

Полифония – (поли – ва фон) овоз(куй)ларнинг ифодавий бадиий асосида түзланган қадриятлар түргисидаги билимлар системасидир. Узаро Тенглигига асосланган кўп овозлилик тури.

ривожланувчи муаммоли-рефлексив полилог киритилади.

2. Услубдан мақсад: ўқитувчидаги инновацион фаолият муаммоларни мустақил тушуниб етиш ва инновацион қарорга келишга ижодий имкониятларини долзарблаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Бундай услугуб қуийдаги босқичлардан ташкил топган:

- 1) мактаб муаммоларини ишлаб чиқиш босқичи, унда ҳар бир иштирокчи, илгаригиларни такрорламай ўз муаммосини тузишга ҳаракат қиласи;
- 2) ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича ғояларни олдинга сурини;
- 3) жамоатчилик бўлиб биргаликда мухокама қилиш.

Полилог – грекча кўпчилик нутқи деган маънони билдиради, яъни кўпчилик иштирокчиларнинг сўзлашуви. Бу ўринда гапиравчининг роли бир шахсдан иккинчисига ўтиши таҳмин қилинади, акс ҳолда сўзлашув монологига айланиб қолади. Диалог полилогга синоним бўлиши мумкин. “Диалог” термини грекча префикс ди-икки дегани бўлиб, диолог ва полилогда хоҳлаганича қатнашчи иштирок этиши мумкин.

Полилог «айлана» тузилишда ташкил этишининг мазмуни, биринчидан фақатгина тузилишдан «илгарилаб кетган, сурилган» ўқитувчилар муаммоларини ечишда ривожлантирувчи натижага беришни таъминлашгина эмас, балки маълумоти камроқ ижодий муаммоларни ҳам ечишдан иборат. Қайтаришга имкон бермаслик орқали ҳар бир иштирокчи томонидан муқобил ечимларни англаш етиш билан максимал самараага эришилади. Кейинги инновацион ҳатти-ҳаракатларни ривожлантириш услуби мунозаралар услуби бўлиб, бунда нафақат турли педагогик янгиликлар ҳақида маълумотлар олишга имкон берилади, балки уларни танқидий таҳлил қилиш жараёнини ҳам таъминлайди.

Бундай мунозара механизми уч гурухга ажратишни кўзда

тутади.

Биринчи гурӯҳ диққатни бўлажак янгиликнинг лойиҳасини ишлаб чиқишига, уни ўз тушунчаларида ечиб, англаб олишлари учун зарурдир. Чунки, бу гурӯҳ мунозара охирида фақатгина битта ишлаб чиқилган вариантни умумий муҳокамага олиб чиқишилари керак.

Гурӯҳ ўз янгилик лойиҳасини баён этиб бергандан кейин, муҳокамага иккинчи гурӯҳ қўшилади, уларнинг вазифаси таклиф этилган янгиликка нисбатан бошқа муқобил вариантларни аниқлаб олиб ва бунга асосланган ҳолда биринчи гурӯҳ фикрларини нотўғри эканини исботлаб беришдан иборат. Таклиф этилган фикрни рад этиб иккинчи гурӯҳ ўз ечимини ишлаб чиқишига киришади. Шундан сўнг улар ҳам ўз дастурларини баён қиласидилар.

Учинчи гурӯхнинг вазифаси таклиф этилган лойиҳаларни таҳлил қилиб, баён этилган лойиҳаларда конструктивликни излашдан иборат. Чунки, бу гурӯҳ фикрларини синтез қилиб ҳал этиш учун муроса йўлларини излайди. Шундан кейин гурӯҳлар вазифалари ўзгартирилиб, бу жараён айланиб, яна қайтадан тақорорланади.

Гурӯҳлар ишлаб чиқсан ҳар қандай ижобий натижалар ҳар бир босқичда қайд этиб борилади. Аммо амалда шундай вазиятлар вужудга келадики, унда бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳалар таклиф этилади. Уларнинг ҳар бирида конструктив ечим мавжуд бўлади. Бу ҳолда «ечимлар аукциони»ни ўтказишга тўғри келади. Унинг вазифаси лойиҳаларни умумий йиғилишида янада чуқурроқ таҳлил қилишдан иборат. Натижада ечимнинг ҳар бир лойиҳаси таҳлилий экспертизадан ўтади. Бу «савдо» механизми ёрдамида амалга оширилади. «Маблағ» сифатида уларни татбиқ этишдан келадиган натижа ҳисобланади.

Шу тариқа янгилик киритиш натижасида юзага келадиган жараён ва ҳодисалар ҳақида ягона тасаввур шаклланади.

Ҳодисалар авж олиши ва амалий қўлланиши механизми янгиликни ишлаб чиқишида кўзга кўринмаган салбий камчиликларни юзага чиқаради, ушбу тартиб таклиф этилган янгиликларни уларни амалда қўллаш мумкинлик даражасини классификация қилиб беради. Натижада энг кўп салбий натижаларга эга бўлганлари рўйхатдан ўчирилади.

Демак, «лойиҳалар аукциони» янгиликни кўрилишида юзага келган турли қарама-қаршиликлар ва низолардан келиб чиқадиган натижалар ривожланишини чуқур таҳлил қилиб чиқишига имкон беради.

4. Рефлексив-инновацион амалиёт дастури иштирокчиларни таништириш билан бошланади. Эмоционал рефлексив ҳолат ошкоралик ва хушмуомалалик муҳитига имкон беради. Амалиётга

ижодий фикрлашни ривожлантириш машқлари киритилади.

Консилиум – (лот. consilium – кенгаш) – беморга ташхис қўйиш ва даволаш масалаларини ҳал этиш учун ўтказиладиган врачлар (беморга бевосита алоқадор бўлгандан ташқари тор соҳа мутахассислари) кенгаши. Беморни даволовчи врач ёки унинг яқин кишилари илтимосига биноан ўтказилади.

Кейинги босқич ҳамжихатлиқдаги ижодни амалиётга киритиш, ўзи ёқтирган ҳикояларни айтиш, кейин эса уларни мактаб ҳаётига киритиш, қаҳрамонлар характерини кўрсатиб бериш, сюжет ўйлаб топиш ва ижро этишдан иборат. Шундан кейин у ёки бу персонаж номидан монолог ўқилади, қаҳрамонлар характери таҳлил қилинади. Шундан кейин мактаб муаммолари кўрсатиб берилади, улардан энг муҳимлари «+» белгиси билан белгиланади. Асосий машқлар эса ўқитувчи инновацион фаолияти таркибини ташкил этувчиларни моделлаштиради. Бунга қўйидаги машқлар киритилади: **ассоциатив давра**, педагогик консилиум, ижодий тортишувлар, очик дарслар. Амалиёт дастурига талабаларни ўз рефлексив фикрлашини баҳолаш, таҳлил қилиш меторефлексия даражасига олиб чиқувчи топшириқлар киритилади. Бу мақсад учун ўзини таҳлил қилиш, таянч схемалари ва ўзига ҳисобот бериш дастурлари бўлган маҳсус машқлар хизмат қиласди.

Амалиётнинг ишчи дастури:

- 1) ўқитувчининг ижодий фикрлаши, педагогик масалаларини ечиш, психологик-педагогик таҳлили;**
- 2) ўқитувчининг инновацион фаолиятини амалга оширишнинг технологияси ва тузилиши (нуқтаи назарлар бўйича мулоҳазалар);**
- 3) янгиликни қабул қилишда психологик тўсиқлар (низоларсиз муносабатлар тренинги);**

Ассоциация – (associatio – бирлаштириш, қўшиш) психика элементлари ўртасидаги алоқа бўлиб, шу алоқа туфайли, бир унсурнинг юзага келиши муайян шароитда у билан боғлиқ бўлган, бошқа унсурни вужудга келтиради. Ассоциациянинг энг оддий натижаси, масалан инсоннинг алифбедаги ҳарфларни изчиллик билан такрорлашидан иборат. Ассоциация субъект билан объектнинг ўзаро таъсири жараёнида, ўзаро таъсирнинг оддий маҳсулларидан бири сифатида пайдо бўлиб, буюмлар ва ҳодисаларнинг реал алоқаларини ўзида акс эттиради.⁴⁸

4)инновацион муносабатлар ривожланиш услугларини ижодий масалаларни ечиш, кашфиёт услуглари. «Ақлий ҳұжум», ҳайратланарлы саволлар услуги, инновацион үйинлар ва бошқалар.

5. Үқитувчи мутахассислик фаолиятида рефлексия (рефлексив қобилиятлари тренинги) юқорида айттылғаныдек, үқитувчининг креативлиги ва инновациои муносабати ривожланаётган мұхит таъсири остида шаклланиши керак. Текширишларга асосланиб, уларга биноан ижодни қандайдыр таҳлилий вазиятдан ёки мавжуд билим чегарасида чиқыш деб белгилаб, уни шундай үмумлаштириш мүмкін: креатив муаммони шахсий фикрларга тұла таяниб ифода этилган чуқур хусусиятдир.

Шунинг учун бу үринде микромұхит орқали, түғридан-түғри бўлмаган шакллантирувчи таъсир кўрсатишга интилиш зарур.

Үқитувчи долзарблаштира оладиган мұхит юқори даражали ноаниқ ва потенциал кўп вариантилкка эга бўлиши керак (бой имкониятлар). Ноаниқлик тайёр йўналишларни қабул қилмай ўзлари изланишларини рағбатлантиради; кўп вариантиллилк уларга топишга имкон беради. Бундан ташқари мұхим креатив муносабат ва унинг натижалари намуналари таркиб топган бўлиши керак. Ўтказилган текширишларда үқитувчи фаолиятидаги микромұхит бир қатор кўрсаткичлари үйғунлигини таклиф этилди: муносабат паст даражадаги регламентлиги, креатив муносабатнинг намуналари кўрсатилиши ва информацион бойлиги - педагогнинг инновацион муносабатига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу технологик даражада ҳам ифода бўлади.

Текширишлар 2005-2006 ўқув йилида Республикаизда бир қатор ўқув юртлари бошланғич таълим методикаси факультетининг 149 талабаси иштирокида ўтказилди. Бу груп үмумий тайёргарлик талабалари ва педагогик коллеж битирувчиларидан ташкил этилиб, иккита 23 кишилик тажриба групхлари билан таққослаш учун тузилди.

А) Талабалар креативлик даражаси уч кўрсаткич билан ҳисобга олинди: махсулдорли, ижодий йўналганлик сабаблари, рефлексивлик, креативлик диагностикаси амалиёт ҳамда турли топшириклар натижалари ва жараёнида олиб борилди. Ишлаб чиқилган янгиликлар креатив қимматлилиги уларни қуидидаги турлардан бирига тааллуқлилиги билан белгиланади.

1. Мактабни янада ривожланишига турткы бўлувчи кўпгина ечимларни кўзда тутилган муаммоларни қўйиш.

Креативлик-лотинча *creatio*-яратиш, яратувчанлик деган маънони бериб, ижодий, яратувчанлик, новаторлик фаолияти демакдир.

2. Ўзига хос, илгариларига ўхшамаган, кутилмаган ечимлар.
3. Ечими маълум бўлган концепцияларни ёки педагогик ёндашишларни давом эттириш «мавзуни вариация қилиш»ни кўзда тутади.

Вариация – (лот. *variatio* – ўзгариш) – маълум бир мажмуани ташкил қилувчи бирликлар ўртасидаги модификацион ёки генотипик фарқлар; ген(белги)нинг сифат ёки миқдор жиҳатдан ўзгариши.

Шахсий сабабли, ташкил этувчилар талабаларнинг фикрлари, уларнинг қизиқишлиари, ишни давом эттириш истаги, фооллигининг ҳисобга олиш ёрдамида баҳоланади.

Рефлексион ташкил этувчилари кўзда тутилган ечимни англаб этиш ва ўзини ўқитувчи-инноватор деб ҳис этиш даражаси билан баҳоланади.

Б) Мұхитнинг тафсилоти қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланди: информацион хабардорлиги, креатив муносабатлар намуналари мавжудлиги, инновацион муносабатларнинг тартиблилиги даражаси.

Информацион хабардорлиги даражаси таклиф этилган ечимни турлича йўллар билан ўзgartириш, уларни турли йўллар билан тиклаш даражаси йўли билан ўрганди. Юзага келтирувчи тажрибалар, инновацион амалиёт даврида муносабатлар тартиб-қоидаларига солинмаган шароитлар яратилиши, информацион маълумотлар кўплиги, креатив намуналар кўрсатиб берилганлигидан иборат бўлди. Тажриба якунлангандан сўнг синов ва тажриба гурухлари якуний тест ўтказиш билан таққосланиб кўрилди. Тажрибанинг бошланиши, ўртаси ва охирида биз талабалар инновацион муносабатлари ва креативлик даражасини, ўртача кўрсаткичлар ифодаларини баҳоладик.

	1	2	3
Креативлик бошланғич даражадаги талабаларда креативлик юзага келиши динамикаси турлари (% да)	Илгариги тенгликни тиклаш	Янги мустаҳкамликка эга бўлиш	Динамика-нинг йўқлиги

креативлик даражаси			
Юқори	33	59	8
Ўрта	49	20	3
Паст	27	15	48

Тажрибалар натижалари текширилаётган учта кўрсаткичлар учтири бўйича катта фарқлар борлигини кўрсатди.

Биринчи босқичда шахсий сабаблар кўрсаткичи ўси, иккинчи босқичда шахсий сабаблилиқ ва маҳсулдорлик, учинчи босқичда маҳсулдорлик, рефлексив кўрсаткичлар юқори бўлди. Шу билан бирга педагог инновацион фаолиятининг шахсий сабаблилиқ кўрсаткичининг ўсиб бориши шахсийлик даражасининг янада чуқурроқ ўзгаришлари ҳақида фикр юритилади, хусусан излаш жараёнида унинг эмоционал иштироки мактаб муаммоларини қўйиш ва тушунишини ўстиради, амалий ишларда машғулотларни давом эттириш истаги юзага келади, эришилган сабаблилиқ даражасини қўллаб-қувватлаш маҳсулдорлик фаолияти даражаси ҳам ўсади деб, хулоса қилиш мумкин.

Инновацион фаолиятнинг ривожланиш жараёни айнан шахсий сабаблилиқ даражасидан бошланади. Маҳсулдорлик даражасида биз анча мураккаброқ ташкил этувчиларга дуч келамиз. Шахс ижодий имкониятлари ва рефлексив бирлигида инновацион муносабатга йўл кўрсатиш доимий муаммолар қўйиш ва уларни турлича ечишни назарда тутади. Ҳамма содир бўлаётган ҳодисаларга ўзига ҳос муносабат ишлаб чиқилади, яъни мазмунни излаш, яширин томонларини кўра билишга интилиш юзага келади.

Тажрибалар орқали олинган маълумотлар дастлаб юқори креатив муносабат даражасида талабаларнинг кўпчилиги янги барқарор юқори даражага эришганликлари, улар юқори маҳсулдорлик билан ажralиб туришларини кўрсатди: ўртacha креатив даражали кўпгина ҳолларда улар бир қанча ҳаракатчанлик кўрсатдилар. Лекин «мавзуни ўзгартириш вариация қилиш» тури бўйича ечишга интилсалар ҳам, паст креативлик талабалар камдан-кам янги даражага эриша оладилар, улар ҳаракатчанлик қилмайдилар, кўпинча илгариги бирламчи ечимларга қайтадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай холат, креативликнинг ошишига ривожлантирувчи муҳитнинг мос равишда таъсири сабабли, бир йўналишли бўлмайди. Инновацион фаолиятнинг ўзгариши умумий тенденцияси қўйидаги хусусиятларга эга: ҳамма кўрсаткичларининг анча ўсиши кетидан уларнинг бир оз пасайиши кузатилади, бу маълум даражадаги эмоционал пасайиш ва ўзини ноқулай сезиш билан боғлиқ

бўлади. Ривожланиш муҳити инновацион муносабат вазифаси ва услубаридан иборат бўлиши керак. Талабалар номаълум ечимларни излаш услублари ва методологиясини эгаллаган бўлишлари керак.

Инновацион фаолиятга ёндашиш учун ўқитувчилардан илмий текшириш методикасини ўзлаштириб олишни талаб этади. Талабаларнинг тажриба майдонида текшириш ишларини “харакатдаги текшириш”, одатдаги қарашлар, ёндашишларга қарама-қарши деб номлаш мумкин. Асосий эътибор инновацион фаолият технологиясидан кўра кўпроқ билимга қаратилади. Тажриба майдончасидаги ишлардан асосий мақсад талабаларни инновацион жараёнга жалб этиш орқали уларни ўқитувчи билан биргалиқда ўз муаллифлик дастурини синаб кўриш, янгилик киритиш услубларини аниқлаш, татбиқ этиш самарасини баҳолаш имкони яратилади. Талабаларни текшириш грухларини тузиш ўзига хос талабларни ўқитиш обьекти сифатидаги моделни муқобил гуманистик моделни кўзда тутади.

Бундай шаклда иш олиб боришнинг қимматли томони бўлажак ўқитувчиларга тажрибада фаол ва бевосита иштирокчилар сифатида қаралади. Уларни танқидий мулоҳаза юритишга, танлай билишга, муқобил технологияни амалга оширишга, натижаларни кўра билишга ўргатилади. Шу билан бирга улар бутун педагогик жамоаси билан бирга ижодий ҳамкорлик қилиш шароитида фаолият кўрсатадилар. Илмий текшириш услуби ва грухли иш юритишни бир – бирига боғлаб иш олиб бориш грухли текширишларни ташкил қиласди ва улар шу тажриба майдонида талабаларни уюштириш технологияси асосини ташкил этади. Грухли иш олиб бориш билан бирга ўқув жараёнининг иштирокчиси билан индивидуал иш олиб борилади.

Грухли иш олиб боришнинг ўзига хослиги, машғулотларни семинар-мунозара шаклида олиб боришни тақозо этади. Ҳар бир талаба илмий текшириш иштирокчиси бўлиб, у ўзининг муаммоси билан шуғулланади. Шундай вариантлар ҳам синаб кўрилади: 2-3 талаба бир муаммони турли ёшдаги грухлар ҳамда турли нуқтаи назардан ишлаб чиқадилар. Бир ойда бир марта талабалар учрашиб ўз текширишлари давридаги натижаларидан хабардор қилиб, мунозара ва жонли фикр алмашиш кўринишида кейинги муаммони муҳокама қиласдилар, тажриба олиб бориш давомида бўлажак ўқитувчилар раҳбар /педагог/ билан ҳамкорлик қиласдилар.

Бутун тажриба ишлари уч босқичдан иборат бўлади; биринчиси - сабабларини аниқлаш /ташҳис (диагностика)/ - «эрта ривожланиш мактаби» концепциясини татбиқ этишда педагог ва болалар қийинчиликларини аниқлашга қаратилади.

Иккинчи босқич таълим берувчи илмий - текшириш ишлари маҳорати ва кўникмаларини ишлаб чиқишига бағишлиданади. Бир қанча машғулотлар болалар эрта ривожланиши муаммоси бўйича илмий адабиётларни ўрганиш, мактабгача тарбия ва бошланғич мактабда болаларни ривожлантириш турли концепцияларини таҳлил қилиш, қўлланиши мумкинлиги ва тизим ташкил этувчи боғлиқликларни аниқлаш, ўз ва муаллиф нуқтаи назарига аннотация ва интерпретация тузиш ишлари олиб борилади.

Таълим бериш туридаги кейинги машғулотлар мактабда инновацион ишлар ўтказиш услубларини эгаллашга қаратилади; кузатиш хариталарини тузиш, муаллиф концепцияларини аниқлаш, татбиқ этишни бориши ва натижаларини, қийинчиликларини кўра билишдан иборат. Якуний мақсад ягона муаллифлик концепциясини кўришдан иборат бўлиб, унга кичик гурӯҳларда муҳокамалар сабаб бўлади. Талабалар илмий-текшириш ишларини рағбатлантириш учун ўқитувчи - новаторлар ўз янгиликларини киритиш тажрибалари билан ўртоқлашадилар. **Якунловчи босқич** муаллифлик концепциясини ёзма ифода этишдан иборат бўлади. Семинарда ишни ташкил этиш, янгиликларни татбиқ этиш босқичларини ташкил этиш каби муаммолар кўриб чиқилади.

Интерпретация – лотинча *interpretatio* - тушунтириш, изоҳлаб бериш – бирор нарсанинг маъносини, туб моҳиятини очиб бериш, тушунтириш. Интерпретация тушунчаси илмий назарияларни улар татбиқ қилинадиган соҳалари билан қиёслашда, назариялар қурилишининг турли усусларини таърифлашда, назариялар ўртасидаги нисбатнинг билиш жараёнидаги ўзгаришларни ифодалашда муҳим рол ўйнайди.

Энди бўлажак ўқитувчилар муаллифлик концепцияларини ишлаб чиқишининг баъзи муаммолари, бўлажак ишлари умумий концепцияларининг ифода этиш ҳақида тўхталиб ўтамиз. «Концепция» – лотинча сўздан олинган бўлиб, тушуниш, тизим маъносини билдиради: ҳар бир предметни талқин этиш, изоҳлашнинг аниқ услубияти, ҳодиса, жараён, предмет ёки асосий нуқтаи назар уларни мунтазам ёритиш учун ғоя бўлиб хизмат қиласиди. «Концепция» термини шунингдек асосий мазмунни кўрсатиш учун, илмий, бадиий, техник, сиёсий ва бошқа фаолият турлари, конструктив тамойилни кўрсатиш учун ишлатилади. **Концептуал ғоялар кўпинча тамойил кўринишида юзага келади. Маълумки мактабни тубдан**

ўзгартириш умумий йўналишини танлаш икки ҳар хил йўллар билан амалга оширилади:

биринчиси, бу «юқоридан» ҳаракатланиш – англаб танлашдан назарий концепция – психологик-педагогик маданият ва уни ўзгариш мақсадида уни амалда (гавдалантириш) юзага келтириш;

иккинчиси – «пастдан» ҳаракатланиш – амалий иш, услугуб ва методлари топилмаларидан уларни концепциялаштириш.

Биринчи ҳолда концепцияни қабул қилиш ва тушунишдан унинг тамойилини амалга ошириш муҳим бўлиб қолар экан.

Иккинчи ҳолда амалиётга нисбатан рефлексия усулларини ташкил этиш, интуитив топилган метод ва услубларни тасвирлаш учун тушунча кўринишга эга бўлишдан иборат.

Статус – (лотинча *status* – ҳолат, вазият) ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмунини ифода этувчи, ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ҳолат.

Педагогик ўқув юртлари учун педагогик концепцияни танлаш биринчи услуби кўпроқ маъқул, қулай бўлиб чиқди. Аммо концепцияларни амалда қўллаш уларни назарий умумлаштириш талабаларда маълум объектив ва субъектив қийинчилликларни туғдиради. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз. Психологик-педагогик фанларда анча кўп турдаги таълим концепциялари ёки билимларни ўқитиш ва тарбиялашнинг алоҳида концепциялари берилган. Улар мантиқий ягоналик, тизимлилик хусусиятлари, ўзининг матн тузилишини тўғри ташкил этилганлиги ва маданиятлилигига эга. Аммо уларни жонли педагогик фаолиятини ривожлантириш ва қайта тузиш воситасига айлантириш жараёни оддий эмас. Амалий методик статусига келтирилмаган назарий билимлар бўлажак ўқитувчилар томонидан баъзи умумий қоидалар сифатида талқин қилинади. Айтарли текис ва ягона концепциядан келиб чиқилган тавсияномалар мактаб амалиётида фойдаланганида баъзида педагог онгидаги таклифлар рўйхати тусини олади, улардан баъзилари очиқ ойдин унга бефойда, бошқаларини амалда қўллаб бўлмайди, чунки улардан педагог фаолиятида фойдаланиш қийин бўлади. Бундан ташқари психолого-фикарича талабалар ёши ўз-ўзидан амалга ошиб кетаверадиган маълум ижтимоий инфантализм билан таърифланади.

Инфантализм – лотинча *infantilis* болаларга катталарда илк болалик даврига хос бўлган морфологик, физиологик ва руҳий ҳислатларнинг сақланиб қолиши билан ифодаланган клиник синдром.

Кейинги қийинчиликлар гурухи педагог ўзи излаб топган услубларни умумлаштириш ва тасвирлаб бера олмаслиги билан боғлиқ. Тезисларни ифода этиш схематик кўринишда бўлиб, улар янгиликнинг мазмунини қамраб олмайди. Улар методик талаб ва қоидалар сифатида тақдим этилади, баъзида ярим йиллик иш бўйича машғулотлар тематикиси ҳисобланиб, уларни педагог инновацион фаолияти учун аҳамиятлироқ ҳисоблайди. Бу рўйхатга у аниқ ҳисобга олган ва англаб етганларининг ҳаммасини ҳам киритавермайди. Қоидалар бир қисми педагог фаолиятида унчалик кўзга ташланмай ўз-ўзидан маълумдек, тушунилади.

Шунинг учун услуб ва топилмаларни етказиш уларни интерпретация қилиш ва тушуниш тўлалигича фақат жонли фаолиятда намойиш этилиши мумкин. Бекамукўст ва тизимлаштириб таърифлаб бермаслик талабага концепция яратишгача кўтарила олишига ва педагогик амалиётни тушуниб ташкил этишга имкон бермайди. Гояни ҳақиқий қабул қилинган модел, сўнг эса амалий қўлланиладиган дастурга айлантириш узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён. У талабалар, илмий раҳбарнинг лойиҳа устида ва муҳим икки омилларга тегишли ҳолда қайта ташкил этиш тизими устида биргаликда чуқур изланиш ишларини олиб боришларини кўзда тутади. Улардан биринчиси - асосий ташкилий қисмини, аниқ ифодаланган стратегик ва тактик муваффақиятлари намуналари сифатида, кўрсатиш билан боғлиқ. Иккинчи муҳим омил, таълим тизимини бир ёки бир неча ташкил этувчиларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган кўзланган мақсад ва ютуқларга жавоб бера оладиган восита ва услубларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади ва булар: ўқув мазмуни, уларни ўзлаштириш шакли, ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ва характеристери билан боғлиқ.

Аниқ ифода этилган мақсад ва ғояларнинг технологияларини, ўзаро ҳамжиҳатликда ўқув мазмуни билан ўзаро боғлай олишда ўқитувчининг инновацион маданиятини муҳим мезони ҳисобланади. Лойиҳа мазмунини қабул қилинган ва ривожлантириладиган дастурга айлантириш учун таҳлил, тузатиш дастурининг ҳамма ташкил этувчилари ўртасидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш бўйича жамоатчиликдан кўп куч, ҳаракат талаб қиласди.

Амалий тажриба ишлари талабанинг инновацион фаолиятга тайёрлашда шахсий йўналтирилиш технологиясини қўллаш ўз самарасини тасдиқлади. Бизнинг тажрибаларимизда талабаларни ривожлантиришнинг рефлексив инновацион услубларидан фойдаланилди: ташкилий-фаолият ўйинлари, инновацион амалиёт, тажриба майдонида текширишлари ва бошқалар. Ушбу услубларнинг асосий мазмуни инновацион муаммоларни ечишда умумлаштирилган услубларни эгаллаш, мутахассислик рефлексиясини ривожлантиришдан иборат. Муаммони ечиш йўлларини биргалиқда излаш жараёнида яратилувчи инновацион фаолияти шакллантириллади, иштирокчилар ҳаракатлари талабалар томонидан ўзлаштириллади ва улар мутахассислик муаммоларини ечиш бўйича шахсий воситалари бўлиб қолади. Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлиги ташхиси тажриба ишларини бошлашдан аввал ва уларни якунлашдан сўнг қайд этилади.

6. Инновацион фаолиятга тайёргарликни кўрсата оладиган қуидаги кўрсаткичларни белгилаб олиш мухимдир: инновацион фаолият зарурлигини тушуниб этиш; янгиликларни мактабга киритиш бўйича ижодий фаолиятини жалб этишга тайёрлаш, инновациялар киритишга қаратилган ҳаракатлар натижа келтиришига ишониш; шахсий мақсадларни инновацион фаолиятлар билан мослиги, мувофиқлиги; ижодий муваффақиятсизликни енгишга тайёрлиги; инновацион фаолиятнинг мутахассислик ва шахсий маданият билан ўйғунлиги; илгариги тажрибаларини инновацион фаолият нуқтаи назаридан қабул қилиш, инновацион фаолиятнинг мутахассислик мустақиллигига таъсири; мутахассислик рефлексиясига қобилиятлилик.

Инновацион фаолиятда эвристик услубларни эгаллаб олиш креативлик ривожланишига катта туртки беради, аммо ҳар доим ҳам ижодий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга кафолат бермайди. Креативликни ривожлантириш учун демократик муносабатлар чекланмаган мухит ва ижодий шахсдан ибрат олишлари керак, Ўқитувчи креативлигини ривожланиши микромухит таъсири остида, сабаблар тизими ва шахсий хусусиятларни юзага келтиришдан иборат бўлади. Аммо педагогик амалиёт давомида педагогик жамоа ва талабалар ўртасида кўпинча қарама-қарши муносабатлар ўрнатилади. Бўлажак ўқитувчилар ўртача ўқувчига қараб йўл тутиши, дастурларни бир шаклга келтирилиши, педагогик фаолиятни қаттиқ чегараланганилиги сабабли босим тазиёнини сезадилар. Талабаларнинг репродуктив ишлаш турларига қаршиликлари, уларнинг муаммоларга жуда таъсирчанлиги эса кўпинча ўжарлик деб баҳоланади. Кўпинча истеъдодли талабаларни ўқитувчилар уларнинг методик усусларини

қайтармаганликлари учун танқид қиласылар. Үқитувчининг мутахассис бўлиб етшишида - талабалар ибрат оладиган мутахассис шахси катта рол ўйнайди. Креативликни ривожланиши учун балки мұхитнинг мәлум даражадаги қаршилиги ва истеъдодларни рағбатлантириш зарурдир.

Инновацион фаолият рефлексив ташкил этувчилари шаклланганлигининг сифатини таҳлил қилиш мутахассисликка тайёрлаш даврида талабаларда жараёнларни таҳлил қилиш умумий услуги ҳақида билимлар тизимининг юзага келишини кўрсатди. Бўлажак үқитувчилар инновацион фаолият тузилиши ва таркибини муваффақият билан кўрсатади, ажрата оладилар, болаларни үқитиш ва тарбиялаш технологияси ёки концепциясига айрим ўзгаришларни киритадилар.

7. Кейинчалик мужассамлашган материални болалар томонидан англаш билан боғлиқ бўлган аниқ шаклларига мурожаат қиласиз. Үқитиш усуллари орасида биз ижодий изланишлар асосида тизимли муаммолар ечими, баҳс ва дидактик ўйинлар тизимини ажратиб оламиз. Санаб ўтилган методлардан алоҳида эътиборни дидактик ва образли ўқув ўйинларига қаратамиз. Улар мумкин қадар кўпроқ ижодий, касбий изланишлар вазиятини келтириб беради. Дидактик ўйинларнинг методик асослари уларнинг структурасида жойлашган ва у 2 босқични қамраб олган: 1. Мўлжаллаш — ўрганиладиган мавзуни таништирилиши, имитация ва унинг қоидалари характеристикаси, ўйини бутун жараёнининг кўриниши. 2. Ўтказишга тайёргарлик - сценарий ва унинг масалаларини, ҳолларини, унинг процедураларининг баёни. Ўйинни ўтказишда унинг сценарийси катта аҳамият касб этади.

Сценарий ўзига қуйидаги бўлимларни олади: ўйин шароитини тасвиrlаш, ўйин атрибутлари, ўйин иштирокчилари ҳаракатининг ишлаб чиқилиши, ташкил этиш характеристикаси, ўйин иштирокчиларига методик кўрсатмалар тайёрлаш.

№	Қобилиятлари	Уларни ривожлантириш усуллари
1	Фойдали фикрлаш – турли хил ажойиб фикрларнинг генерацияси ва уларнинг ўйғунылиги, ривожи.	Иншо устида иш: “Агар мен Ўзбекистон Республикаси таълим вазири бўлганимда эди мен” Үқувчилар мавзуга турлича ёндашиш усулларини ўйлайдилар. Берилган вазиятга қизиқиши орттириш учун

		мактаб ўқувчилари ҳаётидан мақсадга йўналтирилган сюжет олиш мумкин.
2	Коммуникация – тенгдошларига ўзининг фикрлари, эҳтиёjlари ва ҳислари тўғрисида хабар бериш. Буларга: тасвирлаш, қиёслаш, ҳамжиҳатлик, вербал, новербал, коммуникатив фикрларини тартиблаш киради.	Машғулотда ўқитувчилар болалар билан ўтказилган педагогик фаолият бўйича ҳисботлар ёзиши
3	Башорат қилиш мумкин бўлган воқеа ёки ўтмишга мурожаат этиш маълум жойга эга бўлиши, мумкин бўлган ҳодисаларни тахмин қилиш. Башорат ўзига сабаб алоқаларини кўришни ривож топтиради.	Бундай кўринишдаги ишлар билан ишлаш “Нима бўларди агарда” юқори синф ўқувчилари гипотетик асоратларини башорат қилишга уринишса. Ўқув дарсида ҳамда ижтимоий ҳаётда.
4	Ечим қабул қилиш вазиятни тузилиши, баҳолаш мумкин бўлган ва қабул қилинган ечимларни кўриб чиқиш, альтернатив қатордан ечим танлаш.	У ёки бу педагогик вазиятни бир неча ечимларини кўриб чиқиб, ўқувчилар “идеал” ечим вариантини келтирадилар.
5	Режалаштирилган ўйлаганин амалга оширишда танлаш, қилиниши керак бўлган нарсани тасвирлаш, қандай ресурслар бунинг учун керак бўлади. Бўлиши мумкин бўлган қийинчиликлар характеристикаси.	Демократизация жараёнига кўра мактаб иштирокчиларида туғилган саволлар ҳисобига аниқ ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Бу жавобларни топишга ёрдам беради.

Альтернатива – (франц. alternative; лот. alter – иккитадан бири) – мумкин бўлган икки ёки бир неча қарор, тутилган йўл, керакли вариантлар ва бошқалардан бирини танлаш зарурияти.

Ўйин ўтказишда ноаниқликлар бартараф этилади. Ўйин ҳаракатлари ташкил этилади. Ўйин жараёни вужудга келади. Ўйинни шу тасвирий кўринишида ва уларни иштирокчилар томонидан қабул

қилиниши жараёнида туғилган қийинчиликларни, ғояларни таҳлил қилиш. Динамик ўйинларни асоси бўлиб ўқувчи ва талабаларнинг идрокларини чуқурлаштириши ва (кенгайтириш учун янги билимларни манбаси бўлган ўқув муаммоларини ташкил этади. Динамик ўйиннинг энг муҳим далиллари бўлиб унинг ўйин фаолияти максимал даражасида мустақиллик, хоҳиш, истак фаолияти ва ижодий томонининг намоён бўлиши, биргаликдаги ўйин фаолиятини сақланиб қолишига айтилади. Дунё педагогикасида ўқув мақсадлари ўйинни ишлатилиши билан боғлиқ бўлган бир неча тушунчаларни ажратиб кўрсатади. Моделлаштириш, беллашувчанлик, ўйин моделлаштирилиши функцияларидан бири бўлиб, у ёки бу нисбий масалалар ва ўзгаришлар ечимларини мустақил ҳолда излаш ва ечимларини топишдан иборат. Ўйин моделлаштирилишининг асосий усуллари сифатида педагогик фаолият шароитида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда биз микро ўқитиш: масалани ечишда индивидуал бирликларда ишлаш; педагогик вазиятларни вужудга келтириш; маҳсус нисбий ўйинларни ижтимоий психологик моделлаштирилиши тизимига умумдидактик ролли; ритмик болалар ўйинлари; драматик ўйинлар киргизилган эди. Бу ўринда алоҳида эътиборни касбий ролли ва маҳсус ўйинлар эгаллайди: психотехник ўйинлар; интервью; психодрама; дидактик спектакль; педагогик этюдлар; қабуллар ва ўйин таъсиридаги машқларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўйинни моделлаштирилиши ўзига турли ижодий изланишларни ҳам олади. Ақлий ҳужум, баҳслар, синектика усуллари ана шулар жумласидандир. **Вариативликнинг асосий мақсади – варианлар орасидан борган сари кўпроқ бажариладиганларини саралаб олиш.**

Муаммоли ўқитувчининг касбий фаолиятини ўрганишдан мақсад маълум даражадаги машқларни ечиш ва кейинги аниқ муаммоларии ечишда фойдаланишдан иборат. Мослашувчанлик бу хил масалаларни ечиш йўли ҳисобланади, аммо оқибатда бундай йўл аниқ ҳолатдаги педагогик фаолият учунгина мослашади. Эвристик у ёки бу мосламани мустақил тарзда янги изланишлар орқали ечимини топиш зарур.

Иzlaniш хulosalari қуйидагича: эркин шароитда ўқув жараёни ижодий ўқиш жараёнига айланади, чунки яратилган шароитда ўқувчилар ўзларининг қўшимча ижодий қобилиятларидан фойдаланишади. Эркин ёндашув ёки стереотиплардан ва шаблонлардан воз кечишига, шу билан бирга профессионал фаолиятдаги янгиликлар билан ишлашга тайёрлаб боради. Бу ўринда биринчи курс талабалари томонидан ҳаётга татбиқ қилинган дидактик фикр ва ўйинларга тўхталиб ўтайлик.

Прессконференция ўйини. Ўйинни ташкил этишдан бир неча кун олдин гуруҳ иккига бўлинади. Биринчиси турли газеталарни, журналларни, радио ва TV кўрсатувлари номидан чиқувчи – корреспондентлар. Иккинчиси олимлар, экологлар, инженерлар, социологлар ва бошқалар.

Ҳар бир гуруҳ турли кўринишдаги янги мавзу, материаллар билан танишиб чиқиш топшириғини олади. «Корреспондентлар» гурухи интервью ўтказишга тайёр бўлишлари керак. Сухбатнинг умумий режасини танлаш, савол бериб ва уларга албатта жавоб олиш. Иккинчи гуруҳ ўқув материалларини ишлатишади ва экологлар, социологлар сифатида чиқиш қилишади. Гуруҳлар ўзларининг ўйинлари олдиdan бўладиган йиғилишларида ўйин жараёнида бериладиган саволларни таҳлил этиб, тавсиялар олишади. Албатта, дарсларга кирилгандан сўнг «корреспондент»га машхур эколог олимлардан интервью олиш таклиф этилади. Ҳамма қатнашаётган қаҳрамонлар жавобларини биринчи шахс беради. Улар шахсий фикрини билдирадилар таҳмин қиласидилар, у ёки бу ҳодисага баҳо берадилар. Болалар билан биз ўйиннинг алоҳида-алоҳида фрагментларини баҳолаймиз. Керакли тўлдиришлар қиласиз, уйғунлаштирамиз.

Эрудиция – (лот. eruditio - билимдонлик) – чуқур, ҳар томонлама билиш, кенг хабардор бўлиш, ақл-заковат.

«Саёҳат» ўйини. Ўйиндан бироз олдин ҳайъат аъзолари тайинланиб, бир неча гуруҳлар шаклланади. Ҳар бир гуруҳда 5-6 тадан ўқувчи, гуруҳлар сардори тайинланади. Ўйин иштирокчиларидан шаҳарлар қуриш талаб этилади, масалан маълум изчилликда, масалан, шаҳар 1, эрудит 1, кутилмаган саволлар, очилмаган сир-синоат 1 ва бошқалар. Ҳар бир шаҳарда сардорлар махсус конвертларда топшириқлар оладилар ва унда битта асосий, иккита қўшимча саволлар мавжуд. Гуруҳ фақат шу вазифани бажариб текширгандан сўнг кейинги босқичга ўтишга ҳақи бор. Ҳар бир гуруҳнинг мақсади иложи борича ҳамма шаҳарда бўлиш. Жавоблар маълум тизимда қабул қилинади: бунда жавоблар сони, ижод, муаммо ечимида яхшилар, гуруҳнинг доимийлиги ҳисобга олинади.

Позиция – (лот. positio – ҳолат, вазият) – 1) бирор нарсанинг жойлашиши, дастлабки ўрни; 2) бирор-бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуқтаи-назар, далил, воқеа, ҳодисанинг муайян баҳоси, шу баҳога мувофиқ амалга оширилган хатти-ҳаракат.

«Эрудит» ўйини. Мавзу устидаги ишларни тугашидан бир неча машғулот олдин ўқувчиларга ўтилаётган мавзу бўйича бўлган саволни карточкада ёзиб, ҳайъат аъзоларига бериш таклиф этилади. Ҳайъат 2-3 одамдан иборат.

Ҳайъат аъзолари билан биргалиқда биз энг қизиқ саволларни ажратиб оламиз (10-12). Ўйин бошланишидан аввал карточкалар стол устига қўйилади. Ҳар бир грух аъзоси келиб ўзининг грухи учун 4 тадан савол танлайди. Вақт берилади. Муаммоли ечим ҳар бир грухда жамоа орқали амалга оширилади. Олинган жавоблар ҳайъат судига олиб чиқилади. Ечимни топишда қийналган ҳар бир грух карточкасини алмаштириш имконига эга бўлади, лекин бунда баллар умумий сони пасайтирилади. Ўйин сўнгида ҳайъат болаларнинг жавобларини таҳлил қилиш билан биргалиқда улар мустақил тайёрлаб келган саволларга ҳам баҳо беради.

Мавзуни ҳимоялаш ўйини. Мавзу курсини ўзлаштиргандан сўнг уни ҳимоялаш уюштирилади. Ўқувчилар олдиндан муаммоли мавзу лойиҳасини тайёрлашади. Бир пайтни ўзида уларни ҳимоялаш имкони ўйланади. Ўйин машғулотларда ўtkazилади ва ўз ҳимояси ва ўзаро савол - жавоблардан ташкил топади. Саволларни оппонентлар беради. Жавоб беришда груухнинг барча аъзолари иштирок этади. Фикрларни эркин, кенг ва чуқур ёритишга имкон беради. Агарда жавоб бошқа грух аъзоларига тўғри келмаса, уларни муҳокама қилиш мумкин. Грух яхлитликда кетади. Баҳолаш раис бошчилигидаги мутахассис олим иштирокида амалга оширилади ва у бутун баҳс жараёнини тушунтириб ўтади.

«Образга кир» ўйини. Одатда бу ўйин тарих ёки географиядан тарихий даврни кўрсатиб бериш зарур бўлганда тарихий уламоларнинг персонажи, характеристикасини кўрсатишда, уларни жамиятда тутган ижтимоий ўрнини, маданият қирраларини ўқитишда керак бўлади. Ўйинда икки грух қатнашади. Ўқитувчи муаммони айтади. Иштирокчилар деталларни аниқлаштириб, фикр айтишга киришадилар.

Ўйинни бу босқичининг мақсади иложи борича кўпроқ давр характеристикасини тузиш ва асосий ғояларни кўрсатиб ўтиш. Болалар ўзини қайси бир персонажга ўхшатишади ва вақт образига сингиб,

ўзини у ёки бу тарихий жараёнга киритишади.

Бунда бир гурӯҳ шахс аналогияларини танлаши мумкин, иккинчиси эса ечимлар бериши мумкин. Ўйин сўнгида ечим йўли таҳлил қилинади. Ғоялар умумлаштирилади, ижодий топилмалар белгиланади.

“Ҳамкорлик” ўйини. Гурӯҳ 3-4 та муаммоли «лабораторияларга» бўлинади. Оғзаки ўқув муаммоларини қўшилиши билан бирга ўқув ахборотларининг бир қисми хабар, таҳлил учун ва муаммоларни ечиш учун ҳамма қўшимча маълумотларни ўқувчилар ўқитувчиларга савол бериш орқали билиб оладилар. Жавоблар ҳар бир «лаборатория» аъзолари билан муҳокама этилади. Олинган ахборотни муҳокамасидан сўнг ўқувчилар қўйилган муаммоларга ечим қабул қилишади. Ҳар бир «лаборатория» вакили муаммоли топшириқни ечишда ўзининг вариантини таклиф этади. Ҳар бир гурӯҳ ўз ечимини исботлайди. Шу тариқа ҳар бир гурӯҳдан ҳамма хоҳловчилар иштирок этади. Бу йили сўнгида гурӯҳлар ечими қўшимча форумда баҳоланади ва муҳокама этилади.

«Ечим берамиз, уни баҳола» ўйини. Ўйинда параллел гурӯҳлар болалари иштирок этади. Машғулотда бир гурӯҳда ўқитувчи муаммоли вазият туғдиради, ўқувчилар ечим варианtlарини таклиф этадилар. Уларнинг таклифи магнит тасмага ёзилади. Керакли сонда варианtlар йифиб, ўқитувчи ёзувни тўхтатади. Кейин ечимини топиш учун магнитофон ёрдамида эркин баҳс юритилади. Иккинчи параллел гурӯҳда машғулот аналитик схема бўйича боради. Болаларни керакли материал билан таништиришдан сўнг ўқитувчи биринчи гурӯҳга берган топшириғини уларга беришга уринади ва тушуниради. Биринчи гурӯҳ ўқувчилари бу муаммони ҳал қилишга уринишади. Буни улар қанчалик уддасидан чиққанликларини сиз баҳолашингиз керак. Бунда сизлар эксперт ролида бўласиз. Мен фикрларингизни эшитишдан мамнун бўламан.

Магнит тасмаси ёзувини эшитгандан сўнг, унинг таҳлили бошланади. Унинг жараёнида ўқувчилар қидириш иштирокчиларига айланадилар.

Хулосалар келтириб чиқарилади, сўнг ўйин жараёнида муаммоликни ўрнатилишига имкон берилади. Яна бир дидактик мақсад – энг фаол иштирокчиларга мўлжалланган ўқув ишини ўйин усулигача деталлаштириш. Ўқув ўйини қурилмасининг асосланганлиги шундаки, ўқув материалида аввалдан мунозара мавзуси ажралиб, қарама-қарши ғоялар, ёндашишлар кўриниб туради. Дидактик ўйинларининг турли қўшилмалари, изланишлари натижасида қўйидаги ўқув жараёнининг қўлланмаси белгиланади.

Муаммоли вазиятни келтириб чиқариш. Моделлаштирувчи вазиятнинг киритилиши. Ўйин жараёни: ўйиндаги кўринишда муаммоли вазиятни «яшаб ўтиш» ўйин ҳаракатини очилиши. Ўйин якунини келтириш: иштирокчилар ҳаракатини ўзи баҳолаш, рефлексив ҳолда юриш ва уни ҳаракатлари натижалари ва иштирокчиларини хавотирлари, педагогик вазиятнинг таҳлили, уни ҳақиқат билан муносабати аниқланади.

Бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш жараёнига киритиш ҳажмида мухим жойни имитацион-моделлаштирувчи ўйинлар эгаллади. Бундай ўйинларни таъсири негизи шундан иборатки, бунда иштирокчилар гурӯҳи бирон бир педагогик вазиятни кўрсатади. Турли ечимларни таклиф этади ва баҳс юритади. Бундай ўйинлар кўпинча олий ўқув юртларининг педагогик амалиётида тез-тез ишлатилади. Ўқитишнинг экспериментал моделини ҳаётга татбиқ этишда театрлашган ўйинларни ишлатиш мумкин бўлиб, унда педагоглар драматик жараёнда фаол тафаккур кўрсатиш эҳтиёжини туғдиради.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўқитишнинг фаол шакларини, бўлажак мутахассисни ҳақиқий фаолиятини, талабаларнинг ўқув тарбия ва илмий - текшириш ишларини ташкил қилишда, имитация (тақлид) қилиш, назарий билим ва малакалардан касбий - амалий билим ва кўнікмаларга ўтишда имкони борича мустақиллик беришни назарда тутади.

Маълумки, фаол ўқитишнинг турли - туман кўринишдаги методлари мавжуд. Улар турли белгилари бўйича таснифланади. Талабаларни фаоллаштириш даражаси, уларнинг билим эгаллаш ва тадқиқот (лойиҳа -конструкторлик ва ҳоказо) фаолиятларида қуидагича фарқланади:

Имитация - (лотинча *imitatio* – тақлид) – бирор нарсага тақлид қилиш, ўхшатма маъноларини билдиради.

Фаол ўқитишнинг имитацион методлари (улар ўз навбатида ўйинли - ишбилармонлик ўйинлари, ўйинли лойиҳалаштириш ва ўйинсиз муайян вазиятларни таҳлил қилиш, вазиятли масалаларни ечиш) - педагогик усуслар ва машғулот ўtkазишнинг махсус шакллари мавжуд. Бундай машғулотларда ўқув-тарбиявий ва илмий-текшириш фаолияти талабаларнинг бўлажак касбий-амалий фаолиятларига тақлид қилиш асосида қурилади.

Ноимитацион - бу методлар ҳақиқий касбий - амалий вазиятлар асосида тузилади.

Олий таълим тизимида ўқитиш технологияларини ривожлантиришда энг самарали фаол ўқитиш методлари қуидагилар ҳисобланади: ўйинли лойиҳалаштириш, муайян вазиятларни таҳлил қилиш, муайян ишлаб чиқариш масалалари ва муаммоларини ечиш, курс ва диплом лойиҳалари бажаришдир. Ўйинли лойиҳалашда асосан объектни яратилиш ва такомиллаштириш жараёни имитация қилинади ёки қайта тикланади (масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хўжалик ҳисоби механизми, ижтимоий - иқтисодий муносабатлар ва ҳ.к.). Талабаларнинг билим олиш ва тадқиқот фаолиятлари ўрганилаётган объектни бевосита жамоатчилик лойиҳалаш характеристига эга бўлади. Унинг функционал роли ва объектни яратилиши, такомиллаштиришнинг тикланадиган механизmlари нуқтаи - назаридан амалга оширилади. Бундай ҳолат, одатда муайян объектни ўрганишда, курс ёки диплом ишларини бажаришда иштирок этадиган талабаларнинг мақсад ва қизиқишиларига асосланган бўлади.

Машғулотларни ўйинли лойиҳалаш кўринишида ўтказиш технологиялари, турли-туман бўлиши мумкин, лекин улар асосан учта асосий элементга таянади:

- 1) лойиҳани ишлаб чиқиши алгоритми;**
- 2) эксперт баҳолаш механизми ёки лойиҳани ўйин тарзида «ҳаракатда синаш»;**
- 3) бўлажак мутахассислар - ўйинли лойиҳалаш қатнашчиларини функционал - ролли қизиқишиларини аниқлаш механизми.**

Бу элементларнинг ҳар бири бўлажак илмий ходимни (ложиҳаловчини, конструкторни) тайёрлашда мухим рол ўйнайди. Дастребки икки элементда иштирок этиш уларни ишлаб чиқаришда (фанда) инновацион жараёнларни ташкил қилишни ўрганишларига шароит яратади.

Ушбу ўқитиш технологиялари бевосита ишлаб чиқаришда (ёки илмий муассасада) амалга оширилганда, айниқса, самаралидир. Қизиқишиларни мувофиқлаштиришга ёки хусусий мақсадларни умумийга келтиришга йўналтирилган охирги элемент, ўйинли лойиҳалашни ҳақиқий жараёнларни моделлаштиришга айлантиради ва бўлажак мутахассислар учун катта аҳамият касб этади. Чунки, улар лойиҳани «муассасалараро» келишиш ва синовдан ўтказишга ўргатиш хусусиятига ҳам эга.

Муаммоли вазиятни ишлаб чиқиши масалалари (илмий муаммоларни)ни ҳал қилиш. Бу метод бўлажак мутахассисда масалани (муаммони) муайян шароитда аниқ белгилаш ва ҳал қилиш

маҳорати шаклланишига ёрдам беради. Вазиятли ишлаб чиқариш масалалари ўқув масала - машғулотларидан тубдан фарқ қиласди. Агар ўқув масалаларида ҳар доим аниқ белгиланган шарт (нима берилган) ва талаб (нимани аниклаш зарур) мавжуд бўлса, вазиятли ишлаб чиқариш масаласида (илмий муаммода), одатда униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Бўлажак мутахассисга масалани ечиш давомида, ҳақиқий вазиятларда бўлганидек, энг аввало ҳолатни ўрганиш, муаммо борми ва у нимадан иборатлигини аниклаш зарур. Яъни асосланган қарорга келиш учун ўзи нима маълум ва нимани аниклаш кераклигини белгилайди.

Шунинг учун бундай масалаларни ҳал қилиш технологиясига ўргатиш ўқув масалаларини ечиш технологияси ўргатишдан тубдан фарқ қиласди. Ишлаб чиқариш масалаларини (илмий муаммоларни) ўзига хос муҳим томонлари бор:

1) одатда ишлаб чиқариш масаласининг асосида аниқ ишлаб чиқариш вазияти ётади ва уни ҳал қилиш маҳсус кузатишлар натижалари билан мустаҳкамланган бўлиши керак;

2) таҳлил натижаларини ва уни ҳал қилиш бўйича ишлаб чиқилган хуносалар ва мулоҳазаларни ишлаб чиқариш мутахассислари билан муҳокамасини ташкил қилиши зарур.

Бундай масалани ҳал қилиш варианtlарини ишлаб чиқишининг самарали методи бўлиб баҳс-мунозаралар хизмат қилиши мумкин. Баҳс - мунозара жараёнида талабалар бош ролни бажариб, олий ўқув юрти ўқитувчисига эса қўйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи муҳим роль ажратилади: фикрлар алмашишини бошқариш, ишончли далиллар асосида, ўз фикрида тура олиш ва муҳолиф томоннинг фикрини мунозара қилиш малакасини ривожлантириш, талабаларни фаол фикрлаш фаолиятига ундовчи, айтилаётган мулоҳазалар, хуносалар ва таклифларни асослаш, билимларни долзарблаштириш, ўз фикрини баён қилишгина эмас, балки бошқаларни тинглаш маҳоратини ривожлантириш, талабалар билдирган фикрлардан фойдали ахборотни олиш ва зарур хуносалар чиқариш бўлажак тадқиқотчилар (лойиҳачилар, конструкторлар, технологлар ва б.к.)

Генерация – авлодларнинг ҳаётий жараёнларнинг дифференциаллашуви туфайли олдинги ўтмиш авлодларидан жиддий фарқланишидир.

учун жуда зарур касбий сифатларни шакллантиришда ёрдам беради. Мунозараларни ўtkазиш шакллари турлича: мунозара, маъруза (бунда муайян вазиятларни муҳокамаси қўшиб олиб борилади), мунозара-

ақлий ишғол, турли анжуманлар, семинарлар ва симпозиумлар күринишидаги мунозаралар бўлиши мумкин.

9. Ишбилармонлик ўйинлари бўлажак мутахассисларда, илмий ижодий фаолиятлари тажрибасини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратади. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтириш асосида ишбилармонлик ўйинларини ўтказиш, талабаларга ишлаб чиқаришдан (илмий муассасалардан) турли касбий вазиятлар имитациясини кўриш эмас, балки илмий-ижодий фаолиятда бевосита ўзларини қатнашишлари учун имконият яратади. Ишбилармонлик ўйинларининг бир неча турлари мавжуд:

1. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолият обьектларида

Резонатор – лотинча rezonare – акс-садо бермоқ, резонанс ҳодисаси содир бўладиган тебранма тизим. Резонаторга ташки ўзгарувчан куч таъсир этганда унда мажбурий тебранишлар ҳосил бўлади

ташкил қилинган, илмий - техник мактабларидаги мутахассислар орасида вазифаларни дастурий - ролли тақсимланиши асосидаги ишбилармонлик ва эвристик ўйинлари қўйидагича бўлиши мумкин:

«масалаларни аниқловчилар» – кейинчалик ишлашлари мўлжалланган, ишлаб чиқаришда уларни фаол қидириш ва аниқлаш билан банд бўлган талабалар;

«фаоллаштирувчилар» – ижодий жамоани ўзига хос катализаторлари вазифасини бажарувчилар. Уларнинг вазифаси ижодий жамоанинг барча аъзоларини фаоллашиш даражасида ушлаб туришни таъминлашдан иборат;

«ғоялар генераторлари» – ғайриоддий фикр билдирувчи ва илмий муаммо ечилишига олиб келувчи йўлни таклиф қилувчи талабалар;

«резонаторлар» – ғоялар туғилишига ва уларни ижодий жамоанинг бошқа аъзолари томонидан қабул қилинишига ёрдамлашувчи талабалар;

«назоратчилар» – муаммони ечишнинг энг қулай вариантини қайта ишлаш ва танлаш билан банд бўлган талабалар.

Талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини бажариш ва илмий-техник мактабда ечадиган масалаларга тайёрлиги билан боғлиқ равишда маълум ролларни бажарувчи «сунъий интеллект» нинг турли вариантлари ишлаб туриши мумкин. Масалан, ижод мактабида ҳал қилинадиган масалалар банки яратилиб, борган сари «изловчилар»

роли компьютерга берилиши мүмкін. Агар компьютерга «назоратчилар» роли берилса янада фойдалироқ бўлади. Ўқитувчи ва раҳбарнинг бу ҳолдаги педагогик маҳорати шунда намоён бўлиши зарурки, талабалар юқорида кўрсатилган ролларнинг вазифаларини машиналарга, яъни дастур тузувчиларга бериш кўникмаларига эга бўлишсин ва унинг методикасини ўзлаштиришсин.

Бир ихтисослик бўйича мутахассислашган, лекин илмий - ижодий характердаги турли масалаларни ҳал қилувчи ёки турли соҳаларга ихтисослашган, лекин илмий-техник фаолиятининг муайян фаоллик мажбуриятларини ўзлаштираётган бўлажак объектга ўтказиш мақсадга мувофиқ.

2. Раҳбарлар ва ўқитувчилар ролларни олдиндан аниқлайдилар, масалан, агар ўйин конструкторлик бюросининг технологияларини ўзлаштиришга йўналтирилган бўлса: «раҳбар», «бosh конструктор», «ихтирочи», «оппонент», «чизмачи», «текширувчи», «назоратчи» ва бошқалар. Кейин уларнинг ҳар бирининг фаоллик вазифалари ва уларнинг фаолиятларини баҳолайдигаи йўриқномалар тузилиб, ўйин жараёнининг ҳар бир асосий босқичи бўйича дастурлар ишлаб чиқилади.

Ўйинни ўтказиш жараёнида, талабаларнинг қайси груҳи жамоавий қобилиятни яхши намоён қилгандигини ёки у ёки бу ролни яхши бажарганлигини аниқлашга имкон берувчи беллашув, мусобақа элементлари мавжуд бўлиши керак.

Якун ясашда «буюртмачи» ролини бажарувчи раҳбар (олим, инженер -техник ходим ёки ўқитувчи) у ёки бу операциянинг бажарилиш сифатига, шунингдек, топшириқнинг асосий мақсадига мос равишда бу операцияда рол ўйнаган талабаларга баҳо беради. Шу баҳолар асосида бутун груҳга, шунингдек алоҳида ролларни бажарганлиги учун айрим талабаларга баҳолар чиқарилади.

Навбатдаги ўйинни ўтказиша, талабаларнинг ишли функцияларини (ролларини) алмаштириш зарур. Бу уларнинг ҳар бирини илмий – ижодий мактабларда қатнашиш жараёнида турли ролларда, «детал ишлаб чиқувчи» дан тортиб, то «раҳбар»гача, бўлишига имкон беради. Бу ишнинг амалга оширилиши раҳбарлар ва ўқитувчиларга у ёки бу талаба илмий - техника мактаби аъзосининг у ёки бу ролларни бажаришга қобилиятини аниқлашга имкон яратади.

3. Ижодий фаолиятнинг турли босқичларида муайян стратегиялар, тактикалар ва методларини қўллашга йўналтирилган ишбилармон ва ролли ўйинлар. Масалан: «Илмий тадқиқот ишида маъруза, баҳс - мунозара» туридаги ўйинда, асосий роллар қуидагилардан иборат бўлиши мүмкін:

«бошловчилар» - ўқитувчи ёки талабалар илмий - тадқиқот ишлари олиб бораётган ишлаб чиқариш (илмий муассаса) мутахассиси. Тажриба тўпланиб боргани сайин аспирант ва талабалар ҳам бошловчиларга айланадилар;

«йўлбошчилар» - муҳокама қилинаётган муаммонинг муайян масалалари бўйича вазиятни муҳокамага олиб чиқувчи маърузачилардир.

«безатувчилар» - йўлбошчиларнинг маърузалари ва чиқишларини кўргазмали равишда тақдим этувчи ва тушунтирувчи ўйин қатнашчилари;

«ассистентлар» - йўлбошчининг ёрдамчилари. Улар йўлбошчиларга ва оппонентларга барча кўргазма материалларини намойиш қилишда кўмаклашишлари керак;

«расмий оппонентлар» - йўлбошчилар томонидан тайёрланган маърузалар ёки бошқа материаллар бўйича мулоҳаза билдириш вазифаси расмий топширилган ўйин қатнашчилари;

«норасмий оппонентлар» - муаммо бўйича илмий - тадқиқот ишлари олиб борувчи қолган барча талабалар, ўйин қатнашчилари;

«иғвогарлар» - ишлаб чиқаришда (илмий муассасада) мавжуд салбий ҳодисалар, далиллар ва шу кабиларни қўшимча баён қилиш асосида, ўйин қатнашчиларининг фаоллигини оширишга ундовчи, муаммолар қўйиши керак бўлган ўйин қатнашчилари (ишлаб чиқариш ёки илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юртининг ўқитувчилари ёки илмий ходимлари, аспирантлар, магистълар ва талабалар);

«қайд қилувчилар» - мунозаранинг боришини қофоз тасмага, фото ёки магнит тасмасига ёзиб борувчи ўйин иштирокчилари;

«экспертлар» - маърузачилар, музокарачилар, жамоа қарорларига ҳолисона баҳо берувчи ўйин қатнашчилари (ишлаб чиқариш ва илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ёки илмий ходимлари, аспирантлар магистрлар ва талабалар).

Бундай мунозара - ўйинларнинг асосий мақсади:

бўлажак мутахассисларни (масалан тадқиқотчиларни) муайян ишлаб чиқаришдаги вазиятлар, ишлаб чиқариш мутахассислари ва талабаларни ёзма ва оғзаки маърузаларини ёки мулоҳазаларини тақдим қилиш асосида олиб борилаётган илмий - тадқиқот ишларининг моҳияти, мазмуни ва бориши ҳақида ахборот алмашишга ўргатиш;

бўлажак мутахассисларга ўз нуқтаи назари, ўз қарашларини исботлаш ва ҳимоя қила олиш маҳоратини шакллантириш, ўзгалар билдириган ғояларининг моҳиятига кириб бориш, ишлаб чиқаришдаги

илмий-тадқиқот ишларининг муайян босқичлари бўйича қарорлар қабул қилиш кўникмаларини барпо этишдан иборат.

Мунозара - ўйинлар бўлажак мутахассисларда, илмий ишлаб чиқариш муаммоларини қўйиш ва уни ҳал қилишга қизиқиши, тадқиқот ишларига ҳолисона (турли нуқтаи назарларни қабул қила олиш маҳорати) ёндашишни тарбиялайди: талабаларда муаммони қўйиш, унинг бориши ва ечими натижаларини мухокамасида, ҳақиқий мунозаралар ва илмий - амалий анжуманлар ва уларда мухокама қилинаётган масалалар бўйича қарашлар, ғоялар, билимлар ва тажрибаларни эркин алмаштиришда ўзини муайян кўникмаларини ҳосил қиласди.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Гуманистик ёндашишнинг асосий аксиологик ютуқлари нималардан иборат?
2. Услубни амалга оширишнинг қандай босқичлари мавжуд?
3. Мунозара ўтказишнинг уч гурухи ҳақида нималарни биласиз?
4. Рефлексив-инновацион дастурни тузишда нималарга эътибор қаратиш зарур?
5. Креативлик даражасини белгиловчи уч кўрсаткич нималарни ўз ичига олади?
6. Инновацион фаолиятга тайёргарликни белгиловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?
7. Дидактик ўйинларни йўлга қўйишнинг қандай босқичларини биласиз?
8. Муаммо яратиш ва уни белгилашда қандай шартларга риоя қилиш керак?
9. Ишбилармонликка оид қандай ўйинларни биласиз?

ТЕСТЛАР

1. Аксиологик ютуқ деганда, биз...
 - а) рефлексияга асосланган ютуқ;
 - б) ҳар бир ютуққа гуманистик ёндашиш;
 - в) инкор этмайдиган услублар бўйича ютуқ;
 - г) тарақкий эттириш мумкин бўлган ютуқ.
2. Услубни амалга оширишнинг босқичлари, бу...
 - а) ғояни тўғри англаш, уни аниқлаштириш, йўлга қўйиш;
 - б) муаммоларни ишлаб чиқиш, ғояларни илгари суриш, биргалиқда мухокама қилиш;

- в) мустақил тушуниб етиш, инновацион қарорга келиш, ижодий имкониятларни долзарблаштириш;
- г) концепция яратиш, гуманистик ғояларни илгари суриш, турли вариантларни топиш;
3. Мунозара ўтказишни неча гурухга бўлиб ўрганиш мумкин?
- а) уч гурухга;
 - б) тўрт гурухга;
 - в) икки гурухга;
 - г) гурухларга ажратиб ўрганиш шарт эмас.
4. Даструрни тузишда қўйидагиларга эътиборни қаратиш зарур:
- а) талабага ўз рефлексив фикрлашини баҳолаш учун имкон яратиш;
 - б) ўқитувчининг ижодий фикрлаш, педагогик-психологик масалаларни таҳлил этишга;
 - в) ўқитувчининг инновацион фаолиятини амалга ошириш технологияси ва тузилиши;
 - г) янгиликни қабул қилишда психологияк тўсиқларга, инновацион муносабатларни ривожлантириш услубларига.
5. Креативлик даражасининг уч кўрсаткичлари, булар...
- а) шахсий кўрсаткичлар, маҳсулдорлик, шахсий сабаб;
 - б) маҳсулдорлик, ижодий йўналганлик, рефлексивлик;
 - в) таҳлил қила билишлик, амалиётда самарадорлик, жараённи баҳолай олишлик;
 - г) муаммони тўғри англаш, уни ечимини топиш, маҳсулдорлик.
6. Мактабни тубдан ўзгартиришнинг умумий йўналишини танлашнинг икки хил йўллари, булар...
- а) назарий концепция, амалда гавдалантириш;
 - б) юқоридан ҳаракатланиш, пастдан ҳаракатланиш;
 - в) концепцияни қабул қилиш ва уни тушуниш;
 - г) интуитив топилган метод, рефлексив усулларини ташкил этиш.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: 2008.
2. Сайдахмедов Н. Интерфаол усуллар. -Т.: "Университет", 2005.
3. Ишмуҳамедов Р. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: 2010.
4. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш. -Т.: ТДПУ. 2004
5. Азизходжаева А.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. -.: 2006.
6. Мавлянова Р.А. Бошланғич таълимда инновация.-Т.: 2007.

8-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИННИГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛИГИНИ ТАШХИС ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ

РЕЖА

1. Бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлигини ташхис қилиш зарурияти.
2. Янгиликларни татбиқ этишни ташхис қилиш йўлларини таҳлил қилиш.
3. Инновацион фаолиятни ташхис қилишнинг уч босқичи.
4. Ўз фаолиятини таҳлил қилиш методикаси. Ўз-ўзини баҳолаш харитаси.
5. Ўқитувчи креативлигини текшириш.
6. Ижодий фаолиятни ўрганишга йўналтирилган методикалар.
7. Билим, маҳорат ва қобилиятни ривожланиш даражаларини аниқлаш.



Асосий маълумотлар

1. Бўлажак ўқитувчи инновацион фаолиятига тайёрлигини ташхис қилиш деганда ўқитувчи бу фаолиятни амалга оширишга мутахассис сифатида тайёрлигини кўрсатувчи белгиларни ўрганиш ва баҳолаш усусларининг тўплами тушунилади. Инновацион фаолиятнинг муваффақиятини ташхис қилиш бутунлай мустақил тадбир бўлмай, у янада кенгроқ инновациои жараёнлар таркибига киради.

2. Янгиликларни татбиқ этишни ташхис қилиш йўлларини таҳлил этиш қўйидаги асосий вазифаларни белгилашга имкон беради:

- 1) кўзланган янгиликни киритишдан мақсад умумий ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятларини таҳлил қилиш;
- 2) янгиликнинг ўзидағи ва уни татбиқ этишни ташкил этишдаги камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш;
- 3) янгиликни бошқалари билан таққослаш, улардан энг самарадорини танлаб олиш, унинг муҳимлиги ва тайёр бўлганлигини аниқлаш;
- 4) янгиликни татбиқ этиш фойдалилиги даражасини текшириш;
- 5) бу янгилик татбиқ этиладиган ташкилий инновацион кучига баҳо бериш.

Янгилик киритишда ташхис қилиш усусларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ-янгилик ҳақидаги

билимлар олишга қаратилған үсуллар: иккинчи гурұх-инновацион жараён ташкилий доирасини баҳолашаға қаратилған үсуллар. Шүнгә қарамай, одатий үсуллар инновация ташхис мантиқига бўйсунади.

Биринчидан, янгилик киритиш ҳақидаги стандартлар тўпламини ўз ичига олувчи жараён сифатида қараб чиқилади. Тадқиқотчи ўз фаолиятини нимага қаратилганига қараб бу жараённинг икки тушунчаси шаклланади. Биринчи ҳолда, унинг мазмуни қарор қабул қилиш мантиқи деб ҳисобланса, иккинчи ҳолда, жараённинг асоси, янгилик киритишнинг ҳаётий цикли деб олиниб, унинг босқичларининг кетма-кетлигига қаралади.

Иккинчидан, янгилик киритишнинг ўзига хос юзага келувчи ва ривожланувчи оддий жараён деб қараш мумкин. Шу муносабат билан шундай ташхис предметлари тарқатиладики, унинг натижасида инновацион жараён ва муҳит ривожланади.

3. Инновацион фаолият ташхиси уч босқичда амалга оширилади:

1. Янгиликни амалга оширишгача, у ўз ичига мутахассисликка тайёргарлик юзасидан муаммоларини аниқлайди ва у аналитик кўринишда бўлади.

2. Инновацион фаолиятни амалга ошириш конструктив-ўзгартирувчан тусда бўлиб, камчиликларни тузатиш, педагогик тажриба дастурларни қайта ишлаш ва ўқитувчи фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлади.

3. Янгиликни педагогик жараёнга татбиқ этиш ва амалга оширилгандан сўнг, амалга оширилган янгиликтан олинган натижаларни ва мақсадни таққослаш, қарор қабул қилиш босқичида мутахассислик тайёргарлигини ташхис қилиш, қисман педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ташкилий фаолияти билан боғлиқ ўйинлар методларига асосланган методикалар ёрдамида амалга оширилади. Мувофиқлилигини баҳолашда қарор натижаларини кўрсатувчи турли сон-сифат кўрсаткичлари қўлланилади, улар орасида турли конструктив ҳал этиш сони каби кўрсаткич асосий ўринда туради.

Фаолият доироси ёки мумкин бўлган ечимлар кенглигини аниқлаш билан баҳолаш ишлари чекланмаслиги керак. Инновацион фаолият компоненти бўлган инновацион ҳаракатларни таҳлил қилиш ва баҳолаш кабиларни ташхис қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ижрочилик қисмини ташхис қилиш ҳаракатлари операцион таркибини таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланади, улар кузатув хариталари ёки табиий шароитда ёки инновацион фаолият вазиятини ўхшатувчи маҳсус ташкил этилган ўйин вазиятлари ёрдамида амалга

оширилади. Бу ерда болалар ва ўқитувчиларининг инновацион фаолияти, гуруҳ тренингидага катта рол ўйнайди. Биринчи блок методикалар янгилик ҳақида хабари борлигини, янгиликка бўлган муносабатини аниқлашга қаратилган. Шу мақсадда янгилик ташаббускори билан интервью ташкил этилади.

Бу интервюда шундай саволлар киритилган:

1. Янгиликнинг мазмуни, технологик мақсади нимадан иборат? Бошқаларга қараганда самарадорлиги билан фарқи нимада?

2. Янгиликнинг келиб чиқиш тарихи қандай? Унинг ўзига ҳослик ва қизиқарлилик томонлари борми ёки илгари мавжуд бўлган педагогик ғояларни янги шароитда кўзлашдан иборатми? Бу ҳол учун шартлар фарқи нимада, илгари янгиликни таркиб этиш вақтида қандай қийинчиликларга учраган, бу ғояни киритишга бошқа уринишлар ҳам бўлганми, улар қандай якунланган?

3. Янгиликнинг ташкилий таркиби қандай, ким ташаббусчи, унинг мутахассислик даражаси қандай, тажрибани моддий таъминлаш кимга боғлиқ?

4. Янгилик киритишда қандай асосий қийинчиликларга учраш мумкин? (баъзи босқичларнинг тўла ишлаб чиқилмаганлиги, янгиликка қаршилик кўрсатиш, раҳбарларнинг шахсий қизиқишлари етарли эмаслиги, моддий таъминотнинг йўқлиги ва бошқалар).

5. Янгиликни жорий этиш даврида болалар шахсини ривожланиши, иш мазмуни, ўқитувчининг шахси ва мутахассисликни ўсишида нималар ўзгаради?

Интервюни-ёпиқ саволлар анкетасига айлантириш мумкин, яъни ўқитувчилар жавоб беради, мосини танлайдилар. Ушбу методлар қуийидаги натижаларни олишга имкон беради: янгилик киритишнинг мазмунли томонлари билан танишиб олиш, асосий қийинчиликларини билиб олиш, манфаатдор шахсларни аниқлаб олиши, мактабларда инновацион жараёнлар хусусиятларини таҳлил қилиш кўпчилик ўқитувчилар фаолияти ижодий услугга мўлжалланмай ўз устиларида иш олиб боришларини кўрсатади. Ўқитувчиларнинг 45% янги дидактик ва тарбиявий концепциялар, уларнинг фарқи ва афзалликларини билмас эканлар. Педагогик маҳорат ва кўникмаларига ўзига - ўзи баҳо беришда асосан одатий кўрсаткичлар қўлланилади: ўз фанини билиши, дарс беришни билиши, муносабат маданияти, ташкилотчилик маҳорати, булар ўқитувчи мутахассислик маҳоратини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлар бўлиб қолаверади. Буларнинг ҳаммаси замонавий ўқитувчи ва уни ташхис қилиш методига, педагогик фаолият тизимига янгича назар билан қарап зарурлигини кўрсатади.

4. Шу сабабли инновацион фаолият бўйича ўз фаолиятини таҳлил

қилиш методикаси катта аҳамиятга эга. Бу методика қўйидаги саволларни ўз ичига олади:

1. Сизнингча мактабга биринчи ўринда қайси янгиликлар зарур?
2. Сиз мактабда тажриба ишларини ташкил этиш методикаси билаи танишмисиз?
3. Сиз қандай ўйлайсиз, турли янгиликларни ўқитувчи қаердан билиб олиши мумкин?
4. Агар сизга инновацион фаолият билан шуғулланишга имкон берилса, сиз кимга ёрдам сўраб мурожаат этардингиз?
5. Сиз нима деб ўйлайсиз, янгиликни жорий қилишда қандай қийинчиликларга учраш мумкин?
6. Янгиликларни амалга ошириш пайтида сизнинг фаолиятингизда нималар ўзгариши мумкин?
7. Янгиликни киришда сиз ёрдам сўраб кимларга мурожаат этишингиз мумкин?
8. Сиз киритаётган янгиликка сизнинг ҳамкасларингиз қандай муносабатда бўладилар?
9. Сиз нима деб ўйлайсиз, турли янгиликларни қўллашга ўқитувчини нима мажбур этади?
10. Сиз ўзингизда педагогик жараёнга янгилик киритишдан қаноатланиш кутасизми?

Ўқитувчилар ишларига тайёргарликларини текширишда кузатув харитаси ва анкеталардан фойдаланиш мумкин. Унда ўз-ўзини баҳолаш ва баҳо бериш беш баллик шкала бўйича олиб борилади.

ЎҚИТУВЧИННИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИГА ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА ЎЗИГА-ЎЗИ БАҲО БЕРИШ ПЕДАГОГИК ХАРИТА

Шахснинг асосланган -ижодий йўналиши	12345
Қизиқувчанлик, ижодий қизиқишиш	12345
Ижодий қизиқишлиарга интилиш	
Илғорликка интилиш	
Раҳбарларнинг ижодий фаолияти учун яхши баҳо беришларига интилиш	
Ижодий фаолиятнинг шахсий аҳамияти	
Ўз-ўзини мукаммаллаштиришга интилиш	
Ўқитувчининг креативлиги	
Кўп сонли ечимларни амалда қўллаш	12345
Мулоҳазаларнинг мустақиллиги (ўз фикрини айтишдан уялмаслик)	12345
Тасаввур этиш, ижодий ҳаёл, (ғояларни ўрганишда интеллектуал, ақлий эркинлик)	12345

Педагогик фаолиятда бир хилликлардан воз кече олиш, фикрлар ҳаракатсизлигини енга олиш	
Таваккалчиллик	
Педагогик фаолият муаммоларига таъсирчанлик	
Танқидий фикрлаш, мулоҳазаларга қобилияти	12345
Ўз ишларини таҳлил қила олиш қобилияти	

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИ МУТАХАССИСЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Шахснинг ижодий фаолият методологиясини эгаллаб олиш қобилияти	12345
Педагогик тадқиқот методларини билиш	
Фаолият технологиясини, муаллифлик концепциясини яратиш қобилияти	
Тажриба ишларини режалаштириш қобилияти	
Фаолиятни тузатиш, қайта ташкил эта билиш қобилияти	
Бошқа ўқитувчилар ижодий фаолият тажрибаларидан фойдаланиш ва таққослаш, жамлаш қобилияти	
Ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам қобилияти	

ЎҚИТУВЧИ ШАХСИНинг ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижодий фаолият сурати	12345
Ижодий фаолиятда шахсий иш олиб бориш имконияти	12345
Дадиллик ва ўзига ишонч	
Масъулиятлилик	
Ўқитувчининг ижодий фаолиятини ижтимоий муҳимлигига ишониш	
Ҳалоллик, тўғрилик	
Ўзи ташкил эта олиш қобилияти	

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга қобилиятини баҳолаш ва ўз-ўзига баҳо бериш харитасини олий ўқув юрти талабалари ижодий имкониятини, уларнинг ривожланишининг муҳим даражаларини ажратиб, баҳолашда ҳам қўлладик. Текширишлар олий ўқув юртида таълим олиш натижаларини олдиндан айтиб бериш учун ишга ижодий қобилиятини таҳминий аниқлаш мақсадини ҳам кўзланган.

Шу билан бирга кузатиш методи муҳим аҳамиятга эга бўлиб,

унинг боғлиқ муаммолар мазмунига чуқурроқ кириб бориш, инновацион жараён иштирокчилари ўзаро муносабатларини ўрганишга имкон беради.

5. Инновацион фаолиятини ташхис қилишнинг асосий йўналишларидан бири ўқитувчи креативлигини текширишdir. Мактабда ишлаш тажрибаси турли педагогларда янгиликларни киритиш механизmlарини ўзлаштириш даражаларида катта фарқ юзага келишини кўрсатади. Кейин эса улар натижага катта таъсир кўрсатадилар, демак уларни ўрганиш керак, ижодий фаолият бўйича шаклланиб бўлган механизmlар ташхисини амалга ошириши бўйича башорат бера оладиган методистлар керак. Инновацион фаолият ва креативлик уни самарали амалга ошириш имконияти сифатида турли даражаларда ўрганиши мумкин. Ташхиснинг биринчи даражаси, ўқитувчининг реал инновацион фаолияти сифатида амалга оширилади. Бунда янгилик киритишнинг яққол кўринишидаги алоҳида қисмлари шахс ижодий имкониятини аниқлаш учун фойдаланилади ва бошқа қисмлар ҳам шундай сифатлар бўла олишини тахмин қилинади. Ташхиснинг бу даражасида инновацион фаолият жараёни креативлик механизmlарини шаклланганлик даражаси ва ижодий механизmlар маълумотлари асосида олинган натижа аниқ чегараланиб қўйилмайди. Кейинчалик ўқитувчи ижодий фаолиятини ташхис қилиш масалалари ва самарали тахминлар тузиш амалий тус олганда креативликни текшириш алоҳида методларини ишлаб чиқиш, юзага келади. Қўйида ижодий фаолиятнинг натижали томонларини ташхиси ҳақида гап боради.

Амалда бундай ташхис креатив натижалар тест ёрдамида амалга оширилиши мумкин, унда педагог у ёки бу фан дастурини билиши эмас, балки у буни янгидан ташкил этиш ижодий қобилиятини ижодий ечим талаб этувчи бир эмас бир неча ечимиға эга масалани ечиш билан текшириш мумкин. Бундай дастурда бизнинг фикримизча, ижодий топшириқлар у ёки бу соҳа, фан бўйича инновацион текширишлар йўналтирилган, аниқ янгилик билан бевосита боғлиқ бўлиши керак.

Бундан ташқари етарлича умумий шаклда ана шу аниқ бир соҳадаги ижодий фаолиятни акс эттириши керак.

6. Ўқитувчининг эришган ижодий натижаларини ташхис қилиш воситаларини янада ривожлантириш аниқ фаолият доираси, креативлиги билан боғлиқ бўлмаган йўналиш бўйича кўриб борилади ва умуман аниқ бир мутахассислик ютуқлари ёки касб билимлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳаётий вазиятларга ижодий

муносабат сифатида қаралади. Бу ҳолларда топшириқлар оддий ва умумий бўлиши мумкин. Шу мақсад учун биз бир неча, ўзига хос методикаларни тестлар кўринишида танлаб олдик ва уларни педагогик фаолиятни баҳолашга мослаштиридик. Мослаштириш шундан иборат бўлдики, креативликни аниқлашга қаратилган Д. Гилфорд, Е. Торранс ва Керякан психология тести таҳлил қилиниб, зеҳн баландлиги, муаммоларга ижодий қарайдиган хислатларни аниқловчи қисмларини ажратиб олдик, чунки бизнинг текширишларимизда инновацион фаолиятнинг ана шу ташкил этувчилари мухим аҳамиятга эгадир.

Тажриба олиб бориш даврида тест топшириқларининг турли вариантларини қўллаб кўрилди.

Бу тестлар педагогика университет талабалари ва бошланғич синфлар ўқитувчиларига таклиф этилди. Ушбу тестлар мазмунини келтирамиз:

1. Талабалардан бир вақтнинг ўзида икки фаолиятни бажариш зарур бўлган вазиятда юзага келадиган муаммоларни ёзиб боришни таклиф этилади: янги материалларни тушунтириш ва директор қабулига боришга тайёрланиш, дафтарларни текшириш ва ўқувчи жавобини тинглаш, телефон орқали гаплашиш ва болалар шовқинини тинчлантириш ва бошқалар.

2. «Муаммоларни ҳал этиб бориш» тести. Талаба ва ўқитувчиларга қуйидаги мазмунда юзага келадиган муаммоларни кўрсатиб бериш таклиф этилади: мактабда аниқ дарс ўтказиш; ёш ўқитувчи ва раҳбарлар ўзаро муносабати дарсга тайёрланиш; болалар билан тарбиявий ишлар олиб бориш; янги дастур билан ишлаш; мактаб кутубхонаси, болалар ва ота-оналар билан муносабатлар; мактаб ошхонаси. Бу тест қобилиятда ижодкорлик учун мухим бўлган муаммоларни кўра билиш, очиш қобилиятини аниқлаш учун мўлжалланган.

3. «Оқибат, натижа»тест. Текширилаётган мактабда мумкин бўлган одатдан ташқари ҳодисалар оқибатларини санаб ўтиш таклиф этилади, масалан, агарда ўқувчилар дарсда ота-оналар билан бирга шуғуллансалар нима бўлади: агар мактабда дарслар 10 дақиқа, танаффуслар эса 40 дақиқа бўлса, нима содир бўлиши мумкин, агарда ўқувчилар ўзлари ўқитувчини танласалар, мактабда маъмурият бўлмаса, нима бўлади: агарда мактаб ҳаракатланувчи /филдиракли ҳаракат воситасида/ бўлса нима бўлади?

4. «Қўллаш» тести. Ўқувчиларга дарс пайтида қуйидаги предметларнинг ҳар биридан фойдаланиш вариантларини санаб ўтиш таклиф этилади: қалам, қофоз, скрепкалар, газета, журнал, стержен, тугмача, қопқоқча, тиш чўткалари. Бу тест бир туркум тушунчадан

бошқа ерга ўтиш қобилиятыни аниқлаш ҳамда фикрлашнинг ўзига ҳослигини аниқлашга имкон беради. Кўриниб турибдики, ҳар бир топшириқларда қандайдир маҳсулот, қандайдир натижа яратиш талаб қилинади. Шу билан бирга маҳсулот ҳусусиятлари турлича бўлиши мумкин, худди ана шунда ўқитувчининг ижодий фаолияти механизмлари, креативлик механизми ривожланиши даражаси кўрилади. Ташхисни такомиллаштириш инновацион фаолият ва механизмлари ривожланишига тескари таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида янги ташхис воситалари юзага келтиришига туртки бўлади.

Бу, энг аввало, ижодий фаолиятнинг фақатгина натижаларини ташхис қилиш билан тез орада қайси йўл билан қандай механизмлар ёрдамида у ёки бу ижодий натижага эришиш мумкинлигини аниқлаш кераклигига олиб келишида ифодаланади, яъни «натижалар бўйича» ўзини ҳам ташхис қилиш зарур бўлади.

Юзага келган алоҳида педагогик технология соҳаси, ташхис воситалари ривожланишнинг янги босқичга ўтиши, педагог турли йўллар билан аниқ технологиялар шаклида ижодий фаолият кўрсатиб қандай ижодий самарадорликка эриша олиш мумкинлигини ўз ичига олган ўқитувчи креативлиги турлича бўлган ташхисни ривожланишига олиб келади. Бу ҳол ҳар бир педагог учун унинг креативлиги кўп ўлчовли модел кўриниши ҳақида гапиришга имкон беради. Унда креативликнинг турли технологик кўрсаткичлари, турли предмет соҳаларига муносабати, ҳар бир технологиянинг кенг олиб бориши даражаси билан таъриф этилган бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижодий фаолиятни ўрганишга қаратилган методикалар сонининг кескин ўсиб боришига қарамай улар барибир етишмаяпти. Шу каби тестларни ишлаб чиқиш ва уларнинг кераклигини аниқлашда маълум қийинчиликлар мавжуд, ўйлаймизки ҳамма томонларни қамраб олувчи ташхис қўлланмаларини ишлаб чиқиш ўқитувчи инновацион фаолиятини рағбатлантиришни, ўрганиш, ташхис қилиш билан боғлиқ психологияк-педагогик масалалардан бири бўлиб қолиши керак.

Психодрама – Якоб Морено томонидан яратилган психотерапия ва психологик маслаҳат методидир. Классик психодрама бу терапевтик груп жараёни бўлиб, бунда инсон ички дунёсини ўрганиш учун драматик импрофвизация усулидан фойдаланилади. Бу усул инсон ижодий имкониятларини ривожлантириш ва адекват хулқ имкониятларини ва инсонлар билан ўзаро ҳаракатларни кенгайтириш мақсадида амалга оширилади. Замонавий психодрама – бу ноҳаракат групли психотерапия, балки у айрим мижозлар билан алоҳида⁸ ишлаш (монодрама) учун ҳам фойдаланилади. Психодрама элементлари инсонлар билан индивидуал ва груп ишларида ҳам кенг тарқалган.

Педагогик фаолият ижодий қисмлари ва уларнинг ривожланишини текшириш алоҳида аҳамиятга эга. Унинг аҳамиятини ташхис қилиш учун турли психотехник методикалардан фойдаланилади. Улар янгиликларни татбиқ этиш бўйича ўқитувчи профессионал фаолиятининг энг масъулиятли томонларини шакллантиради. Ана шундай методикалардан бири **психодрама техникаси** бўлиб, уни кенг маънода инсонларнинг психик ҳаёти даражасини тушуниб, ҳаяжонланиш воситаси сифатида қўлланилади.

Психодрама ижодий ва ички сабаблар орқали вужудга келган деган фикрни тасдиқловчи бир қатор алоҳида услублар мавжуд. Бу усуслар тренинг олиб бориш даврида қулай вазият юзага келганида ва инновацион вазият юзага келганида киритилади ва у инновацион вазият психологик мазмунини янада чуқурроқ очиб бериш ва унинг турли томонларини изчиллик билан ўрганишга қаратилган. Масалан, «вазифаларни алмаштириш» усули инсонни ташқаридан ўзини кузатишга ёрдам беради. Бунинг учун ҳаракатлар тўхтатилиб, роллар алмашиниб, худди ҳозир бўлиб ўтган ҳодиса, ҳаракатларни қайтариш таклиф этилади.

Инновацион жараёнда ўз позицияларини аниқлаш учун «келажакни тасаввур этиш» услуби қўлланиб, у ўқитувчини мумкин бўлган вазиятларга фаол тайёрлаш ва шунга мувофиқ йўл тутишга ёрдам беради.

Роллар позициясини ташхис қилиш учун вазият тренинги катта аҳамиятга эга. Бу эса инновацион жараённинг ҳамма иштирокчилари билан муносабатни ўрнатишда ўз позициясини мустаҳкамлаш учун ёки бу ижтимоий маҳоратни юзага келтиришга қаратилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, янгилик киритиш жараёни зиддиятлар, баъзида касбдошлар, маъмурият ва ота-оналар ўртасида низолар келтириб чиқаради.

Бундай низолар келиб чиқиши мумкинлиги ўқитувчи мактаб директори ёки методисти билан келиша олмаса янада ошади. Янгилик киритиш бўйича мулоҳазалар, муҳокама ва тортишувлар кўпинча жуда кўп чўзилиб кетади ва ҳар бир кейинги босқич улар бир-бирларини янада тушунмасликларига олиб келади, чунки икки томон ҳам бир-бирларини охиригача эшитишни, тушунишни, бошқа фикрни эшитишни хоҳламайдилар.

7. Тест билан ишлай бошлар экан ўқитувчи хаёлан илгари юзага келган низолардан бир-иккитасини батафсил ва ҳар томонлама тасаввур этиши керак, бундан кейин тортишув, низо, музокарали вазиятларда амалга ошира оладиган ўз билим, маҳорат, қобилияtlарини баҳолайди. Баҳолаш тўққиз балли шкала ёрдамида

амалга оширилади.

Билимларни ўзингиз баҳолашни биласизми?

1. Мунозара иштирокчиларининг психологик ва бошқа хусусиятларини биласизми?
2. Тортишув турлари ва кўринишлар хусусиятларини;
3. Тортишув олиб боришнинг асосий усул ва қоидаларини;
4. Музокаралар олиб боришнинг асосий усул ва қоидалари;
5. Низоларни бартараф этиш асосий усул ва қоидаларини;
6. Бошқа низоли вазиятларда ўзингизда юзага келадиган сифатларингизни, кучли ва қучсиз томонларингизни биласизми?

Ўз маҳоратингизни баҳолашни биласизми?

1. Муайян бир тортишувни аниқлаб, турли кўринишда ташхис қила оласизми?
2. Оқилона бир битимга келиша оласизми?
3. Ўзингиз душман шахслар билан ҳам муносабатда бўла оласизми?
4. Жанжал чиқарувчи кишилар ҳаракатларини бартараф эта оласизми?
5. Қарама-қарши томон мунозара олиб боришга қарши бўлса ҳам жанжални бартараф этиш учун мунозаралар олиб бора оласизми?
6. Жанжал билан боғлиқ ҳодисалар ривожланишини олдиндан кўра билиб тахмин қила оласизми?

Ўзингизни баҳолашга қодирмисиз?

1. Жанжални бартараф қилишда мустақиллик ва эпчиллик кўрсата оласизми?
2. Мулоқот ўрнатиб, одоб билан музокара олиб бора оласизми?
3. Вазиятни тўғри баҳолаб, ҳодисалар ривожланишини тахмин қила оласизми?
4. Жанжал кескин тус олган вақтда ҳам ахлоқий сифатларингизни кўрсатиб, сабр-тоқат қила оласизми?
5. Жанжални бартараф этиш учун қарама-қарши тараф тортишувини ижобий ҳал этишга кизиқтира оласизми?
6. Жанжал ривожланишида ўзгаришлар мумкинлигини кўра оласизми?
7. Ўзингизни баҳолашга қодирмисиз? Можарони бартараф этишга тайёргарлик ва билиш даражаси бўйича баллар сони тўпланади.

Билиш, маҳорат ва қобилият ривожланиш даражалари қўйидаги

күрсаткичлар орқали аниқланади:

жуда паст	6-12
паст	13-14
ўртacha паст	18-21
ўртачадан озгина паст	22-25
ўртacha	26-30
ўртачадан озгина юқори	31-36
юқори	43-48
жуда юқори	49-54

Таққослаш, таҳлил асосида ўқитувчи билимдонлиги ривожланиши даражаси ҳақида хulosса чиқаради ва ўзини ривожлантириш дастурини белгилайди. Ўқитувчи инновацион фаолияти ташхиси муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан қуидаги ҳусусиятларни баҳолашга боғлиқ бўлади: шахснинг иқтисодий йўналтирилганлиги. Текширишлар, натижалари инновацион фаолиятга тайёргарлик муаммони шу тариқа кўриб чиқишга имкон беради: мутахассислик фаолиятини баҳолашдан аввал фақатгина бўлажак педагоглар умумий қобилияtlарни ҳақида гапириш мумкин. Бунинг учун умумий қобилияtlарни ташхис қилишда аниқ бир стандартдан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлиги - бу кўпроқ умумий қобилияtlарни педагогик, ижодий коммуникатив, таълим муаммоларига кўчириш муаммосидир. Шу тариқа, ўқитувчи инновацион фаолиятини баҳолаш шахсни ва мутахассислик фаолиятини, яхлит ўрганиш самарали бўлади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини ташхис қилиш нима учун керак?
2. Янгиликларни татбиқ этишни ташхис қилишнинг қандай йўлларини биласиз?
3. Инновацион фаолиятни ташхис қилишнинг қандай босқичлари мавжуд?
4. Ўз фаолиятини таҳлил қилишда тестларнинг ўрни нимада?
5. Ўқитувчи креативлигини текширишда нималарга эътибор бериш зарур?
6. Ижодий фаолиятни ўрганишга оид қандай методикаларни биласиз?

7. Билим, маҳорат ва қобилиятни ривожланиш даражаларини аниқлашда нималарга эътиборни қаратиш керак?

ТЕСТЛАР

1. Инновацион фаолиятга тайёргарлигини ташхис қилиш зарурияти,
 - а) ўқитувчининг мутахассис сифатида тайёр эканлигини билиш учун;
 - б) ўқитувчининг инновацион фаолиятга кириша олиш қобилиятини;
 - в) мазкур педагогик вазиятни баҳолай олиш кўникмасини;
 - г) ўқитувчини интуитив сезгирилигини аниқлаш учун.
2. Инновацион фаолиятни ташхис қилиш босқичлари қайси жавобда тўғри берилган?
 - а) мутахассисликка тайёргарлик юзасидан муаммоларни аниқлайди, камчиликларни тузатиш, қайта ишлаш, таққослаш ва қарор қабул қилиш;
 - б) камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф этиш инновацион кучга баҳо бериш;
 - в) янгилик киритиш усулларини билиш; ташкилий жиҳатлар, фойдали жиҳатларни аниқлаш;
 - г) мутахассисни танлаш, у билан ишлаш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш.
3. Ўқитувчи креативлигини текшириш учун ...
 - а) ўқитувчининг реал инновацион фаолияти;
 - б) креативлик механизмларини шаклланганлик даражаси;
 - в) ижодий топшириқларни бажаришга мойиллиги;
 - г) алоҳида методлар ишлаб чиқиш.
4. Ижодий фаолиятни ўрганишга оид самарали методикалар, булар...
 - а) тестлар;
 - б) ижодий ишларни бажартириш; вазифаларни алмаштириш;
 - в) савол-жавоблар; психодрама;
 - г) келажакни тасаввур этиш.
5. Билим, маҳорат ва қобилиятни ривожланиш даражаларини аниқлашда...
 - а) тўққиз балли шкала ёрдамида берилган саволларга жавобларни баҳолаш орқали;
 - б) олинган натижаларни таққослаш ва таҳлил этиш орқали;
 - в) маҳсус тестлар ёрдамида;
 - г) ижодий характердаги саволлар ёрдамида.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: 1998.
2. Айсмонтас Б.Б. Педагогическая психология: схемы и тесты. -М.: 2006
3. Каджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах. «Айрис-пресс». 2006
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. -Т.: 2006
5. Ишмуҳамедов Р. ва б.к. Таълимда инновацион технологиилар.-Т.: 2010.

9-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТАЪСИР ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИНГ МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Педагогик таъсир этиш технологиясини кенг ва тор маънода ўрганиш.
2. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини шарқ алломалари қарашларида шакллантириш.
3. Камчиликларни бартараф этиш имкониятлари.
4. Педагогик технологияда таъсир этиш элементлари.
5. Педагогик таъсир усуллари. Педагогик таъсир тамоийиллари.



Асосий маълумотлар

1. Илмий билимлар тизими сифатида педагогик таъсир этиш технологияси тарбия жараёнининг оптималь бўлишига хизмат қилиб, кенг ва тор маънода ўрганилади. «Кенг маънода» тарбия - бу объектив жараён бўлиб, жамиятда хоҳиш-иродага боғлиқ бўлмасдан содир бўладиган, ижтимоий жараён. «Тор маънода»ги тарбия - болага катталар ёки маҳсус ижтимоий институтлар томонидан мақсадли, тизимли ва режали таъсир этишдир. Ўқитувчи муаммоси замонавий педагогика муаммосидир, чунки ўқитувчи барча педагогик ғоялар

тарғиботчисидир. У ўзининг фаолияти орқали ўқувчилар билан ўқув - тарбия жараёнида эришилган ютуқ ва тавсияларни амалиётга жорий эта олади.

Бола ўзининг биринчи ўқитувчисига ишонади, ўзининг бутун мұхаббатини унга бағишлиб, ундан ҳам шуни кутади. Шундай экан, тарбияда ҳамма нарса тарбиячининг шахсига асосланған бўлади. Лекин ҳозиргача ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида муаммолар бор. Бу мавзу орқали мазкур муаммо қандай ечимга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги масалани кўриб чиқамиз. Бу ва бошқа масалалар кўпгина ўрта аср шарқ алломаларининг асарларида ҳам ёритилган.

Форобийнинг таъкидлашича, ўқитувчининг фаолияти ёшларда санъатни эгаллаш учун ахлоқий меъёр ва амалий кўникма ҳосил қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу фаолиятнинг мақсади - ўқувчиларни бахт йўлларини излашга тайёрлашдан иборат. Ўз мажбуриятига совуққон бўлган ўқитувчилар Форобий фикрича, хурматга сазовор эмаслар.

«Шарқ Арастуси»нинг таъкидлашича, ўқитувчининг вазифаси мохир давлат раҳбариники кабидир. Ўқитувчи ҳам раҳбар каби кўрган ва эшитганларини яхши эсда сақлаб қолиши; идрокли ва фаросатли бўлиши, маъноли нутқقا эга бўлиши ва ўқувчиларга ўз фикрини аниқ баён эта олиши, илмни фақатгина севмай, балки ўз билимини ўқувчиларига ҳам бериши, спиртли ичимликлар ичмаслиги, адолатпарвар, ёлғондан хазар қилиши, мағурур ва номусли, ўқувчиларига нисбатан адолатли; белгиланган мақсадига эришиш учун қатъиятли бўлиши керак.

«Бундай инсон баркамолликнинг олий даражасига етиб, бахт чўққисига эришади. Бу инсон бахтга эришиш йўлларини биладиган инсондир», - деб ёзган эди Форобий.

Ибн Сино тасаввурида ўқитувчи мард, адолатпарвар ва дилкаш, бола тарбияси усуслари ҳамда ахлоқ қоидаларини яхши биладиган инсондир.

Ўқитувчи ўқувчи табиатини ўрганиб, ақл тузилишига кириши керак. Ибн Синонинг фикрича ўқувчига қаратса айтилган ҳар бир сўзида ўқитувчи имо-ишорадан фойдаланиши керак. Ибн Синонинг фикри шу жиҳатдан мұхимки, ўқитиш жараёнида ўқитувчи турли усуслардан фойдаланиши керак. Фақат шу шароитда ўқитувчи ўқувчининг майли ва қобилиятини аниқлаб, касб танлашда унга ёрдам бера олади. Тусий ўзининг «Ўрганиш йўлидагига қўлланма»сида бошқалар каби ўқитувчи ва ўқувчи муносабати масаласида тўхталиб ўтди. Ўқувчи ўқитувчига суюнмоғи керак, чунки ўқитувчи ва отанинг-биргаликдаги ҳаракати зарур. Ўқувчи ўқитувчи берган ахборотни ўзлаштириб, уни

мустаҳкамлаши, хотирасида сақлаши керак. Ўрганаётган мавзуни аниқ тушуниши керак. Бошидан бу кўникма ҳосил қилинмаса, уларда охиригача паст билим ва ёмон одатлар сақланиб қолади. «Ўқувчи ҳаракатчан, ёқимли ва талабчан, вазифаларни бажаришда тиришқоқ, билағон ва тарбияли инсон бўлиб етишиш учун ҳаракат қилиши керак», -деган эди Тусий. Ўқитувчи ўқувчилар онгига таъсир этиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Асосий вазифа - ўқувчилар муҳаббати ва ишончига сазовор бўлиш. Бунда, таъкидлайди Тусий, ўқитувчи шифокор бўлиши керак, чунки касалнинг тузалиши шифокорга бўлган ишончга боғлиқ. Тусий ўқитувчиларга қуидаги талабни қўяди: рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида баҳс юрита олиш, гапирган гапларига чуқур ишонч, нутқ, мантиқий баён эта олиш.

Ўқитувчи самимий бўлиб, шошилмасдан, ишончли гапириш, шароитга қараб, паст-баланд товушда гапириши керак. Ўқитувчининг нутқи ғазабли бўлиши мумкин эмас. Ўзини боса олмаслик дарс жараёнига зиён келтириши мумкин. Яқин ва ўрта шарқ ўрта аср алломаларининг умумпедагогик қарашлари илмий, жамият, ахлоқий, фалсафий изланишларидан келиб чиқади. Қуида муаммолизнинг бошқа масаларини кўриб чиқамиз.

Кўп йиллар мобайнида педагогикамида шундай ҳол сақланиб қолгандики, тарбиянинг ижтимоий хусусияти фақат **декларация** қилиниб, амалда ҳисобга олинмасди. 70-йиллар ўртасидаги дарсликка назар ташлашимизнинг ўзи етарли: педагогнинг бола қобилиятини ўстириш, билим билан курашиш, билим ва кўникма ҳосил қилиш фаолиятига бир томонлама қаралган. Олимларнинг назаридан яна бир муҳим нарса - шахснинг, шароитга таъсири, таъсир жараёнида шахс фаоллашиб, янги тавсифга эга бўлиши - тушиб қолганди.

Декларация – (лот. deklaratio – маълум қиласман, эълон қиласман)

- бир ёки бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ёки жамоат ташкилотларининг дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воқеа, қонун ва.ҳ.ларни умум эътиборига етказувчи баёноти, умумсиёсий принципларни тантанали эълон этиш (М: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик Декларацияси)

3. Биз камчиликни бартараф этдик. У ўсиб келаётган авлод тарбиясини объектив ва ҳаётий ҳолатга ажратиб, бу даврда инсоният ишлаб чиқаришга ва ҳаётий кўникмаларга эга бўлади (кенг маънода). Бундай кўникма ҳосил қилишга ёрдам берувчи педагогнинг амалий

фаолияти («тор» маънода) шахс ривожланиши учун бир дақиқа ҳам тўхтамайди, лекин ривожланиш вектори ўзгариши мумкин. Педагогнинг вазифаси шундаки, тарбия жараёнини бола маданияти томонга йўналтириш, лекин уни мажбурламасдан, минг йиллар давомида эришилган тажриба ва маданиятни мустақил ўзлаштиришга ёрдам беришдир.

Вектор – лотинча (vector – элтувчи, кўчувчи) тўғри чизиқнинг йўналишга эга бўлган кесмаси

Бу масала ечими бир неча саволга жавоб беришга боғлиқ. Энг аввало бола шахсиятининг ривожланиши қачон зарур? Тарбия мақсади нимага интилиши керак? Қандай натижа кутилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак? Бу икки саволга жавоб олгандан кейингина педагог нима ва қандай қилишни ҳал эта олади.

Бу икки масала ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарур бўлган глобал педагогик муаммодир. Олган билимлари болага дунёга мослашиш имконини беради, уларсиз у яшай олмайди; шунинг учун замонавий мактаб дидактик вазифага урғу бериб, тарбиядан таълимга олиб келади.

Нима учун бизни боланинг муносабати ташвишлантириб, унинг хулқи қизиқтирмайди? Шахс муносабати унинг олам билан ўзаро таъсирини белгилайди. Агар педагог диққатини фақат бола ахлоқига қаратса унинг тарбияси ҳақида алдамчи тасаввурга эга бўлади.

Ўзига диққатни жалб этиш, ўзини яхши кўрсатиш ва бошқаларга ўзаро мулоқотнинг услуги бўлиб кўриниб, ҳақиқатдан йироқ бўлиши мумкин. Кечагина тинч юрган бола бирданига бош оғрифига айланиб, катталарга кўнгилсизликлар келтириши мумкин.

Педагогнинг бола муносабатига таъсири алоҳида усул асосида тузилади. Замонавий илм тушунчасида - бу таъсир педагогик технологияга асосланган. **Педагогнинг вазифаси - таъсир этишнинг шундай йўлини танлаши керакки, бунда бола учун қулай психологияк иқлим яратилиб, боланинг индивидуал ҳусусиятини ривожлантириш, ижтимоий муносабатларни шакллантириб мустаҳкамлашда, ёрдам берсин.**

4. Бунинг учун эса педагогик технологияда таъсир этиш элементлари масаласига асосий эътиборимизни қаратиш зарур бўлади. Қуйида ана шундай таъсир этиш технологиясига мурожаат қиласиз.

а) Педагогик таъсирнинг йиғиндисини топиш учун амалдаги мисолни кўриб, функционал- операцион жиҳатдан тахмин қиласиз.

Үқитувчи ўқувчидан илтимос қиласы: «Санжар, Наргизага ёрдам бер!». Лекин бола қимирламайды. Иккінчи вариант: «Комил сенга қийин бўлмаса, илтимос Наргизага ёрдам бер... Қўлингни чўз».

Мана шундай оддий мурожаат бир неча зарур элементлардан иборат: шахс фаоллиги яратилиб, мустақил тарлов амалга оширилади.

Таъсир этиш таҳлили шуни кўрсатдики, педагог субъектни белгилаб, ўқувчи билан мулоқотга киради, уни ижтимоий муҳим мавқе даражасига чиқаради. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчига исмини айтиб мурожаат қилди, бу эса ўқувчининг таълимга хайрихоҳлигини ошириди. Гапнинг илтимос шакли субъектни фаоллаштириб, нутқдаги мулойимлик ҳаракатга үндайди, ахборотни яширин тарзда ҳаракат усули ҳақида дарак беради. Умуман ўзаро ёрдам бериш ҳақидаги мақсадга шубҳа қолдирмай, маданиятнинг юқори даражасида ўз ҳаракатига баҳо беришни таъминлайди.

Психологик қулай шароитда «ўқувчи мулоқотда очилишига» йўналтирилган педагогик «алоқа асосий операция - «ўқувчи шаънига ижобий фикр билдириш», самарали натижада беради.

Педагогик баҳо, ўқувчи томонидан баҳо сифатида эмас, яширин тарзда намоён бўладиган баҳолашдир. Бунинг учун турли йўллардан фойдаланиш мумкин. Масалан: «Мен - ахборотман», «Сен ахборотсан» ва бошқалар.

Ўқитувчи мурожаатида яна бир технологик элемент мавжуд - «ўқувчини фаолиятга жалб этиш», уни фаолиятнинг турли хил турларига «киргизиш» ва ўзини замонавий маданият даражасига кўтариш - педагогик талабдир. Бу қисқа мулоқот давомида мавжуд. Яна бир технологик элемент -низо.

Ўқувчини фаоллаштириб, педагог ноқулайликка барҳам беришга интилади («Мен қиз болага ёрдам бераман, бу пайтда менга қараб турган болалар мени уни ёқтиради деб ўйлашлари мумкин. Мен буни сезишларини хоҳламайман») ва психик кучланишга йўл қўймайди. Психик тазийқ таъсирида фаол бўлиш қийин, одатда ташқи таъсирга нисбатан ҳимоя ёки жавоб бериш услуби қўлланилади.

Педагог низода етакчи восита муросадир. Ўқувчилар назорат иши ёзишдан бош тортадилар, ўқувчи муроса қилиб, ўз фикрида турмасдан, бошқа вариантни таклиф этади, бунда ўзаро ён босиш шароитидан ижобий тарзда чиқиб кетишга ёрдам беради. Инсониятнинг ижтимоий тажриба алмашинуви технологиянинг нутқий ахборот ва кўргазмали таъсир этиш элементлар орқали ўтказилади. Бу таъсир қўйидаги функциялар орқали бўлади: «тушунарли ва образни тасаввур қилиш орқали», “муносабатлар намойиши”, «фаолиятга ундаш». Бу функцияларнинг ҳар бири жалб этилган ва жалб этилмаган тарзда

бўлади.

Дастлаб бу турда уч мантиқий бирлик ифодаланади: тезис, аргумент, тасвирлаш. Буларнинг ҳар бири болага ўқитувчи айтган жумлани тушуниб этиш, мантиқий фикр юритиш, берилган тезис сабабларини айтиш ёки образли «сурат»ни тасаввур этиш жараёнидир.

Масалан, таътил вақтида вазифа бериб, ўқитувчи: «Олдинда уч қизиқарли, фаол ва мустақил ой турибди. Сиз саёҳатга чиқсангиз, спорт билан шуғулланишингиз, кўп китоблар ўқишингиз мумкин. Сизнинг фаоллигингиз хоҳиш ва қизиқишингизга боғлиқ. Кузда учрашиб, таассуротларимиз билан ўртоқлашсак, ўтган йилги каби хурсанд бўламиз».

Таъсир этишнинг педагогик технологияси йиғиндисида педагогик техника алоҳида ўрин эгаллайди. Бу элемент таъсир этиш қуроли - педагог организмини таъминлайди. Саҳнага тайёргарликсиз, созланмаган асбоб билан чиқсан мусиқачини тасаввур қилиш қийин инструментнинг созланиши психологик аппаратни тайёрлашдан иборат. Бунда нафас олишга эътибор берилади, овоз созланади, пластик ва мимик ифода машқи, маҳсус машқлар ёрдамида ритм тезлигига эришилади, хис-туйғулар бошқарилади ва бошқалар.

Ҳар бир элементда педагогик таъсирнинг 3 функцияси жамлаштирилган: субъектни фаоллаштириш, фаолият усуслари билан қуроллантириш ва индивидуал танловга рағбатлантириш. Агар амалиётда ўқитувчи бу элементларнинг бирини ишлатмаса, бундай касбий чегараланиш ўқувчини обьект даражасида қолдириб, ўқитувчи унга таъсир этади. Кўрсатмаларнинг бажарилишини кўрсатади ва баҳолайди.

Педагогик технологияни эгаллаш қисқа (ёки давомий) таъсир этиш даврида тизимнинг барча элементларини ишлатиш ва эгалик қилишдир. Бу эгалик кўникма даражасида бўлиб, педагог нима қилиш кераклиги ҳақида ўйламасдан, технологик тўғри таъсир этиши, ҳосил бўлган вазиятни комплекс тарзда ҳалиш лозим.

Бу операцион блокда технологик таъсир тизими ҳосил қилувчи, функционал блок ёритилади. Бу: педагогик мулоқот, педагогик баҳо, педагогик талаб, педагогик низо, информатив -таъсир.

Бу элементларнинг намойиш этиш даражасида таъсир этиш инструменти сифатида организмни психофизик тайёргарлигига боғлиқ.

Натижада, кенг кўламли технологик ечим педагогик таъсирнинг умумий функцияларини фаоллик, фаолият усуслари билан қура олмаганлик ролининг амалга оширишни таъминлайди. Белгиланган функцияни калит операцияли аниқланган элементлари педагогик технологиялар вақтини ҳосил қилиб, педагог учун тарбияловчига

таъсир этиш бўйича зарур бўлган тизим билан таъминлайди. Лекин шу билан педагогик технология моҳияти тугамайди: қўшимча элементлар, психологик иқлим, гурух, фаолият, педагогик таъсирланиш, мухит тайёргарлиги ва бошқалар умумий ёки хусусий характерга эга бўлиб қолади . Бу операцион, вариатив ҳолат ўқитувчига шахсиятини сақлаб, таъсир этиш шаклларини алмаштиришга йўл қўядиган ҳолатга ҳам тааллуқли.

б) Таъсир этишнинг педагогик технологиясининг сарпарда операцияси.

Сарпарда операция – педагогик технологияда бош омил бўлиб,

Сарпарда – (форс. – бошпарда) – 1) мусиқа асари бошланадиган парда; 2) чапандоз доира усулида ижро этиладиган куй ва ашуланинг номи ("Карим қулбеги") деб ҳам аталади; 3) ўзбек сурнай йўлларидан бири.

уни эгалламасдан олдинга интилиш, илмий технологик имкониятнинг мураккаброқ элементларини билиш мумкин эмас. Сарпарда билимлар тизимини эгаллаган ўқитувчи, фақатгина операцияларнигина ўрганмай, балки уларнинг ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлиги механизмини, болага таъсир этишда улар, бир вақтда амалга оширилганда, бир операциянинг субъектив ва объектив шароитига қараб турли - туман кўринишда бўлишини аниқлайди.

5. Педагогик таъсир усуслари:

1. Яратувчанлик - янги ижобий сифатларнинг ривожланишига имкон берувчи;
2. Тўсқинлик - салбий сифатларни енгишга имкон берувчи;
3. Портлаш усули - ҳам яратувчанлик, ҳам тўсқинлик ҳолида намоён бўлади.

Оптимизм – (лот. optimus – энг яхши) – дунёда ижобий омил, яхшилик хукмронлик қиласи деган тасаввур. Бу атама мавжуд дунёning "энг яхши дунё сифатида" яратилганлиги тўғрисидаги Г.В.Лейбниц таълимотини ифодалаш учун жорий қилинган. ...Умуман оптимизм тарафдорлари узлуксиз тараққиётга ишонадилар, келажакка ишонч билан қарайдилар.

Педагогик таъсир тамойиллари:

1. Педагогик оптимизм;

2. Тарбияланувчига ҳурмат;
3. Ўқувчининг ички дунёсини тушуниш;
4. Хатти - ҳаракатнинг сабаби ва ташқи томонини очиш;
5. Ўқувчи тақдирига қизиқиш.

Бундай классификациянинг камчилиги шуки, бунда уйғотадиган, рухсат берадиган, йўналтирадиган, фаоллаштирадиган, ғайратлантирадиган, бўшаштирадиган, фаоллаштирадиган, руҳлантирадиган, таъсирлантирадиган таъсирнинг ҳисобга олинмаганлигига намоён бўлади. Таъсир этиш мақсади бола шахсияти бўлиб, максимал натижага эришиш аниқ воқеа ва аниқ педагогикага боғлиқ.

Классификация – (лот. *classis* – тасиф) –инсонларнинг билиш фаолиятида муҳим рол ўйновчи фикр юритиш операцияларидан бири классификация ҳисобланади. Бир туркум ичидаги нарсаларнинг бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумдаги нарсалардан фарқ қилишига қараб, нарсаларни туркумларга ажратиш тизими классификация (тасиф) деб аталади.

Педагогнинг принципиал ўрни биринчи элементлар даражасида уч сарпарда операциясида амалий намоён бўлади.

Биринчи операция — «Мен - ахборотман». Унинг амалга оширилиши субъектнинг ҳолати ва ҳаракатига муносабати, бошқа субъектнинг ҳаракатига муносабатини очишдадир. Бунинг учун ўқитувчи ҳар кунги ҳолатда ҳодисани қўра билиши ўзи ва болалар учун белгилашдан иборат.

«Мен - ахборотман» парадигмаси қўйидаги кўринишда «Мен ҳар доим ...», «Менга ҳар доим...», «Мени ҳар доим...». Бу нутқий формулалардан фойдаланиш тарбиячига берилган усулни ҳаётга татбиқ этишда қўл келади.

Парадигма - (юн. Paradigma-намуна, ўрнак)- илмий муаммоларни ҳал этиш муаммоси сифатида қабул қилинган илмий назария. Позитивист Р.Бергман илмий методологиясидаги меъёрни тавсифлаш учун биринчи бўлиб парадигма тушунчасини қўллади.

«Мен - ахборотман» пластикомик маънога ҳам эга. Бунда педагог ўзини ҳолати кўринишида, юз тузилишида, ўзининг иштироки ёки илдам чиқиб кетишида кўрсатади.

«Мен - ахборотман» жумласининг бу вазиятда индивидуал варианти чексиз кўп бўлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, ўқитувчи бу ёки у ҳолатда қандай ҳодисани кўради, «танбеҳ бериш» ёки «мақтов» билдиришни педагог танлайди, зеро ўқувчилар билан бевосита иш олиб бораётган ўқитувчи, берилган вақтда ўқувчи шахсининг ривожланишига нима турткি бўла олишини белгилайди.

Иккинчи сарпарда операция - «ижобий мадад» - мулоқот субъектларини ҳар томонга ёймасдан, аксинча, уларни ўзаро алоқа қилишларига хайриҳоҳлик қиласди.

«Ижобий мадад» ҳамкорнинг ютуқларини ҳамма олдида айтишдан иборат. Булар: меҳнатсеварлик, диққат, тиришқоқлик, камтарлик, жавобгарлик ва бошқалар. Баъзан ўқитувчилар алоҳида ўқувчиларнинг яхши томонлари йўқлигидан нолийдилар. Бу ҳолда боланинг ташки жисмоний белгиларига диққат қаратиш мумкин: баланд ёки паст, соchlари тўғри ёки жингалак, оппоқ ёки қорача, нозик ёки бақувват гавдали, тезлиги ҳаракатчанлиги, нафис ҳаракатли ва бошқалар. Қуйидаги жумлаларни ишлатиш мумкин: **«Сен бундай...»**, **«Сиз шундай...»**.

Иккита операцияни «Мен - ахборотман» ва «Ижобий мадад» - ўзида жамлаган таъсир педагог ҳаракати мантиқини очиб беради; у ўз аҳволи ҳақида умуминсоний меъёр бажарилиши ёки бузилиши билан боғлик ҳолда ахборот беради; у бола билан алоқани ривожлантиради ва чуқурлаштиради, чунки мулоқот жараёнида ҳозирги қадриятлар мустаҳкамланади. Бу қадриятни ўқувчи тушунарли шаклда тақдим этиши керак, чунки ўқувчи ўқитувчи билан мулоқотдан ва қадрият билан алоқадан кониқсин. Фақат шу вазиятда педагог тарбияланувчи билан муомалада бўлиб, **«доира ичидаги юришга барҳам беради**. Педагогик таъсир мантиқини якунлаш, диққатни **учинчи калит операция** - **«меъёрнинг шубҳасизлиги»**га қаратиш лозим.

Амалда болаларни кузатиб, ўқитувчи уларнинг хатти – ҳаракатини

қадриятларга ўз муносабати даражасида, умуминсоний маданият билан мустаҳкамланган олий намуна даражасида таққослайди. Бундай таққослаш натижаси асрлар давомида танланган маданий идеал меъёрларни бажариш ҳисобланади.

Технологик нуқтаи - назардан бу вазият ўзига хос ҳусусиятга эга педагогик таъсир обьекти бўлган бола, маълум муддатгагина ўқитувчи талабига амал қилади, лекин бу қоидалар унинг ҳаётий меъёрига айланмайди, чунки унга ташқаридан сингдирилади. Меъёрга асосланган педагог ўз тарбияланувчиларини доимий машққа мажбурлайди.

«Меъёрнинг қатъийлиги» - ўқувчи олдида бўлган далилдир ёки унга риоя этиш одамлар, мамлакат, шаҳар, мактаб ва синф, алоҳида инсон, ўқувчига нима беришини очиб беришдир. Бунда қуидаги парадигмалар бўлади: «бу сен учун ҳам зерикарли, чунки...», «бу бизга керак, чунки..», «бу сенга ҳам керак, чунки..»

Ўқитувчининг фаолияти давомида бу уч операция қўшилиб, ўз мажмуасида таъсир бутунлигини ҳосил қилади. Бу бутунлик педагогик технологиянинг тузилмаси **педагогик алоқа («ижкобий мадад»), педагогик баҳо (мен - ахборотман), педагогик талаб («меъёрнинг қатъийлиги»)** дан иборат.

Педагогик таъсир жараёнида ва компонентларнинг иштироқи болани субъект даражасига ўтказади: у педагог билан чуқурроқ муносабатда бўлиб, мустақил танлаш зарурлигини англаб етади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогик таъсир этиш қандай маъноларда ўрганилади?
2. “Кенг маънода” ва “тор маънода” тарбия қандай тушунилади?
3. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларига қайси шарқ алломаларининг фикрларини айта оласиз?
4. Педагогик тизимда камчиликларни бартараф этишнинг қандай имкониятлари мавжуд?
5. Педагогик таъсир этишнинг қандай усууларини биласиз?
6. Педагогик таъсир тамойиллари жумласига нималар киради?

Тестлар.

1. Педагогик таъсир этишнинг “Кенг” маънода ифодаланиши бу...
 - а) бевосита таъсир жараёни;
 - б) бир мақсадни кўзлаб амалга оширилган жараён;
 - в) ижтимоий муносабатлар таъсирида содир бўладиган жараён;
 - г) хоҳиш-иродага боғлиқ бўлмаган ижтимоий таъсир.

2.“Тор” маънода педагогик таъсир қандай юз беради?

а) мақсадли, режали, тизимли таъсир туфайли;

б) катталар ёки ижтимоий институтлар томонидан мақсадли, режали, тизимли таъсир туфайли;

в) маълум, шахсий манфаатларини кўзлаб амалга оширилган таъсир орқали;

г) қасбий фаолиятни кўзлаб йўлга қўйилган таъсир орқали.

3. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳақида фикр билдирган қайси шарқ алломаларини биласиз?

а) Улуғбек, Фаробий, Беруний;

б) А.Навоий, Жомий, Бобур;

в) Фаробий, Ибн Сино, Тусий;

г) Ал-Фарғоний, Фиждивоний, Мотуридий.

4. Педагогик таъсир этишнинг усуллари, булар.....

а) ишонтириш, ибрат-намуна, кўрсатмалилик;

б) яратувчанлик, тўсқинлик, портлаш;

в) гипнopedик, далиллар келтириш, таҳлил;

г) сўз воситасида таъсир этиш усуллари: тушунтириш, ҳикоя, маъруза.

5. Педагогик таъсир тамойиллари қўйидагилардан иборат.

а) педагогик оптимизм, ҳурмат, шахс ички дунёсини тушуниши, қизиқиш, сабабларни билиш;

б) илмийлик, системалик, изчиллик, кўрсатмалик, онглийлик, тушунарлилик;

в) мақсадга мувофиқлийлик, ғоявийлик, турмуш билан боғлийлик, ижодкорлик, шахсни ҳурмат қилиш;

г) фаоллик, ижобий фазилатларга таяниш, кўрсатмалик, ташаббускорлик, изчиллик.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Барқамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.:1998.

2. Натанзон Э.Ш.Приёмы педагогического воздействия. М.: 2002.

3. Сайдахмедов Н. Замонавийлик. Методология. Педагогика. ж. Узлуксиз таълим. 2004,1, 2.

4. Турғунбоев К., Тешабоев А. Педагогика назарияси ва тарихи. Андижон, 2010.

5. Ишмуҳамедов Р. ва бошқ. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.:2010.

6. Ишмуҳамедов Р.Ж. ва бош.қ Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари(2- китоб).-Т.: ТДПУ. 2009.

7. Ишмуҳамедов Р.Ж. Ўқув жараёнида интерфаол усублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубиёти.-Т.: РБИММ.: 2008.

10-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТАЪСИР ТЕХНОЛОГИЯСИННИНГ ДАРСДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

1.Педагогик жараёнда ижодий ҳамкорликнинг ривожланиниши.

2.Ўқувчининг объектдан ижодий шахсга айланиш жараёни.

3.Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўзаро мулоқотнинг йўлга қўйилиши

4.Дарснинг асосий элементлари. Дарсда ривожланиш услубининг таъсири.

5.Педагогик мулоқотда субъект-объект, объект-субъект, субъект-субъект муносабатлари.

Асосий маълумотлар



Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаолиятидаги асосий параметрлар бу ўзаро муносабат, ҳам фикрлик, қўллаб-қувватлаш, ишонч ва б.қ. Ҳамкорликнинг сифати, самарадорлиги мулоқотнинг ижодий характеристи, маданий давриясига боғлиқ.

Параметр – (юн. parametron – ўлчайдиган) - ...техникада технологик жараён, ҳодиса, тизим, техник қурилма ва бошқаларнинг бирор хоссасини ифодалайдиган катталик.

Масалан, педагогик жараёнда ижодий ҳамкорликнинг ривожланиши ўқувчи томонидан педагог ролини ихтиёрий равишда қабул қилиши ўқувчи педагогдан ўрганишга, у билан мулоқот қилишга, унга ўхшашга ҳаракат қилиши билан характерланади. Лекин бундай ҳамкорлик педагогдан белгиланган хусусиятларга эга бўлишни талаб қиласди. Булар: маънавий, ахлоқий қиёфа, ўз касбининг устаси, янги мактаб ва замонавий педагогик тажриба билан танишлиги, педагогик маданият, ишга ижодий ёндашиш, ҳамкаслар билан ҳамкорлик қила олишдан иборат бўлиб, фақат шундагина шахс шахсни тарбияловчи, маънавият маънавиятдан яратилади.

Шундай қилиб, инсонпарвар педагог ўқувчининг мактабдаги биринчи кунидан бошлаб, у билан шахсни ривожлантирадиган диалог

тарз�다 мuloқot қилиб, унга мақсад, истак, фикрлар билдиради. Бунда педагог шундай таъсир этадики, худди ўқувчи бундай ҳис-түйфу, маънавият фикрларга эгадай.

Ўқувчининг ривожланиши билан бирга ўқитувчи муносабати ўзгаради - педагогик таъсир объектидан ўқувчи аста - секин ўзини ривожланишга йўналтира оладиган ижодий шахсга айланади.

Педагог ўқувчиларга фақат ўқув масалаларинигина эмас, балки шахсий масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериши керак. Улардан энг муҳими ўз мақомини ўрганиш. Лекин педагогик амалиётда ўқувчининг ўзлаштириши таълим давомида омадсизлик ва ютуқларининг асосий кўрсаткичидир. Юқори ўзлаштириш одатда ўқитувчи ва ота-она томонидан ўқувчининг омади сифатида, паст ўзлаштириш эса ўқитувчи омадсизлиги сифатида намоён бўлади.

Кузатишларнинг кўрсатишича, педагог ўқувчилар учун обрўли бўлиши мумкин, лекин бу обрўнинг асоси турличадир. Кичик ёшдаги ўқувчилар учун педагог эътиборли мансаби сабаб обрўга эга. Бу ишда шахс обрўси эмас, балки рол обрўси етакчилик қиласи. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи ёки синф учун қарор қабул қилиш хуқуқига эга.

3. Педагогнинг ўқувчи билан мuloқоти яхши ўйланган психологик усул ва таъсир этиш механизми қўлланилганда самарали бўлади. Масалан, ўқитувчи обрўси орқали таъсир ва «сирли» мuloқот самарали бўлиб, келишилган ҳолда йўналтирилиши мумкин. Ўзини кўрсата олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ўқувчиларга ўқитувчи образини яратишга, ҳамкорлик қилишга ёрдам беради.

Дарс - ўқитувчининг ўқувчи билан муҳим мuloқот шакли бўлиб, таълим-тарбиявий таъсирнинг рўёбга чиқишидир.

Дарсда ўқувчи ўқитувчи таклиф этган ўқув материалини ўзлаштиради ва турли амалий иш шаклига жалб этилади. У гўё ўқувчини «мажбурлайди». Бу мuloқот вақти-вақти билан болани қийин аҳволга солади, чунки бу унга хос эмас. Педагог бола ҳаётида иштирок этиб, уни қийинчиликларни енгишига ёрдам беради.

Ўқитувчининг ҳолати ўқувчи учун ё қулайлик, ё ноқулайлик яратади. Ушбу ҳолат эса уларни мuloқотга чақиради:

очиқ ҳолат;

қўллар тана бўйича туширилган ёки тирсакда қайрилган;

кафтлар вақти - вақти билан аудиторияга ўтирилади;

силлик, нафис ҳаракат;

психологик ишоранинг тасвиrlашдан устунлиги;

ўқувчилар диққатини жалб этиш мақсадида столдан аудиторияга бир неча қадам ташлаш, диққатни сусайтириш мақсадида - бир неча

қадам орқага.

Дарс давомида ўқитувчи алоқани «биз», «биз янги мавзуни ўрганамиз...», «масалага яна бир бор қайтишимиз зарур...», «кучимизни синаш вақти келди...» ва б. тарзда ўтказади. Бу операциядан фойдаланиш болаларни мулоқот учун «очилишига» ёрдам беради.

Жаҳлдор, бақираётган ўқитувчига қараётган ўқувчининг ҳолатини тасаввур қилайлик. Улар бу шароитда 45 дақиқа бўлишлари керак. Психологик кучланишни ечиш имкони йўқ. Бу имконият факат танаффусда бўлади, шунда ҳам навбатчи ўқитувчи кузатмаса. Танаффус вақтидаги тўполнон, ота-оналарни ҳайрон қолдиради. Бу дарс сифатини аниқловчи омил бўлиши мумкин. Танаффус тугаб, кейинги дарс бошланди. Ҳамма нарса яна такрорлансанчи? Бола мактабдан касал бўлиб чиқиб, эртага у билан педагог эмас, психотерапевт ишлаши керак. Қулайликни намойиш қилиш ўқитувчи ва болалар ижодий фаоллигини ошириб, уларнинг психик соғлигини мустаҳкамлайди.

4. Ўқувчилар олдига мақсад қўйилиб, мазмуни ва таълим усуллари ишлаб чиқилгандагина ўқитувчи ўқувчига таъсир эта олади.

Барча асосий элементлардан иборат дарсни кўриб чиқамиз.

1-элемент - ташкилий қисм бўлиб, ўқувчилар билан мулоқот бошланади, бунга саломлашиш, ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини текшириш, жихоз, далолат, иш режасини эълон қилиш киради. Мақсад - дарсда ишчанлик кайфиятини яратиш.

2-элемент - ёзма ўйинни текшириш, мақсадга кўра турли усулда ўтказилади.

3-элемент - оғзаки вазифани текшириш, одатда, турли усулда ўтказилади (индивидуал, фронтал, мураккаб).

Индивидуал сўров - ўқитувчининг бир бола билан, фронтал эса бутун синф билан алоқадир.

4-элемент - янги мавзуни киритиш бу ўқитувчи ахбороти асосида ёки мустақил тарзда ўтказилади.

5-элемент - уй вазифаси. Вазифа моҳияти тушунтирилади. Ўқитувчи доскага, ўқувчи эса дафтар ёки кундаликка ёзади.

6-элемент- янги мавзуни мустаҳкамлаш, баъзан бирламчи ёки ҳамроҳликда мустаҳкамлаш, зеро бу янги мавзу тушунтирилганда ўтказилади.

7-элемент - дарс якуни. Дарс ўқитувчи кўрсатмаси бўйича якунланади.

Ижодий ишловчи ўқитувчи дарсларнинг турли шакл ва турларидан фойдаланади.

Қүйида биз дарсда ривожланиш үслубининг таъсирини ҳавола этамиз.

Мавзу. Сўз туркumlари

Мақсад: Сўз туркumlари ҳақида умумий тасаввур бериш «от», «сифат», «феъл» тушунчалари билан таништириш, турли сўз туркумига оид сўзларни фарқлашга ўргатиш.

1. Уй ишини текшириш.

Ўқитувчи: Биз «алфавит» мавзусини ўргандик. Келинг, текшириб кўрайлик, сиз қандай ўзлаштирдингиз?

Столингизда нуқталар қўйилган карточкалар бор. Нуқта ёнида ҳарф. Агар сиз нуқталарни алифбе тартибида бирлаштирсангиз, нима чизилишини билиб оласиз.

Нима чиқди?

1-ўқувчи: Менда арча ҳосил бўлди.

2-ўқувчи: Менда ҳеч нарса чиқмади.

3-ўқувчи: Мен биламан, нега арча ҳосил бўлмаганини, чунки алифбени ҳам яхши билмайман.

Ўқитувчи: Энди бирга ишлаб, битта ҳам хатоси бўлмаган болаларга ёрдам берамиз. Ўзингизга «беш» баҳо қўйинг. 1 ёки 2 хатога йўл қўйганлар «тўрт». Хатолар кўп бўлса, баҳо қўйилмайди. Хор бўлиб алфавитни ўқиймиз.

Ўқувчилар ҳошияларига қўйидаги баҳоларни қўядилар:

«беш» - 13 ўқувчи; «тўрт» 3 ўқувчи.

1-ўқувчи бажара олмади. Сўнг тушунтирди. «менда 3 хато бор эди, лекин текширув вақтида уларни тузатдим».

2. Луғат иши.

Ўқитувчи: Доскага луғавий сўзлар; а . . . з, к . . . нвки, Мен Малак. Керакли ҳарфни қўйиб, алифбо тартибида ёзинг.

Мустақил иш.

Ўқувчилар вазифани бажарадилар.

Текшириш: Тамара ҳарфларни қўйиб, алифбо тартибида ўқийди.

Ўқитувчи: Кимда худди шундай?

Ким бошқа ўйлади?

Хатоларни тузатинг ва ўзингизга баҳо қўйинг. Хато бўлмаса - «беш», битта хато бўлса «тўрт», кўпроқ бўлса чизиқча.

Ким ўзига «беш» қўйди (10-та ўқувчи).

Нега?

Ўқувчи: Мен хатосиз чиройли ёздим.

«Тўрт» баҳони 5 ўқувчи қўйди.

Ўқувчиларнииг изоҳи: Мен хатосиз ёздим, лекин чиройли ёза

олмадим, мен битта хатога йўл қўйдим.

Иккита ўқувчи баҳо қўймади.

Сўнгра ўқитувчи сўзларни жуфт бўлиб ўқишни таклиф этади. Бу сўзларни нима бирлаштириб турибди?

Ўқувчиларнинг жавоби: Бу сўзлар қишиш ҳақида, улар предметни ифодалайди.

Ўқитувчи: Ким қишишни кутяпти ва нега яхши кўради?

Ўқувчилар: Мен, чунки қорбўрон ўйнаймай, биз қордан қалъя ясаймиз. Менга қишиш унча ёқмайди, чунки совуқда кўчага чиққим келмайди.

Ўқитувчи: Мен қишишни яхши кўраман. Шунинг учун сизларга гаплар туздим. Доскадаги гапларни секин овозда ўқинг.

Болалар коньки ва чанғиларни оладилар, кейин қор ёғади. Яқинда қишиш келади. Катта қор уюмлари пайдо бўлади.

Ўйлаб кўрингчи, бу гаплар ҳикоя ҳисобланадими?

Ўқувчиларнинг жавоби: Биз бу гапларни ҳикоя деб ҳисобламаймиз. Чунки гаплар тартиб бўйича тузилмаган.

Ўқитувчи: Унда менга ҳикоя тузишда ёрдам беринг, столингизда гаплар ёзилган чизиқлар бор. Уларни шундай тартибда жойлаштирингки, натижада ҳикоя ҳосил бўлсин. Жўра ўқи. Қолганлар эшитиб, таққослайдилар. (Жўра ўқийди). Нима дейсиз?

Ўқувчи: Мен қўшилмайман. Олдин қор ёғиб қор уюмлари пайдо бўлади. Ўқитувчи: Бошқасини ўқи. Энди ўзингизни баҳоланг. Агар гаплар тўғри жойлаштирилиб, хатосиз чиройли ёзилган бўлса, «беш» қўйинг. Агар битта хато бўлса «тўрт», кўпроқ бўлса чизиқча. Натижа: «Беш» - 12, «тўрт»

5. Янги мавзу: Ўқитувчи: Биз бугун дарсда фикр юритдик, ёздиқ. Буларни бир сўз билан қандай аташ мумкин?

Ўқувчилар: иш; бу нутқ; оғзаки ва ёзма нутқ; гаплар; сўзлар. Ўқитувчи: Нутқимиз сўзлардан иборат, ҳар бир сўз - бу қайсиdir сўз туркуми. Дарсимизнинг мавзуси «Сўз туркумлари».

Мен ҳикоядан қўйидаги сўзларни кўчирдим: ким, қалин, келади, болалар, ёғади, катта. Уларни шундай З-та гуруҳга ажратингчи, ҳар бир гуруҳда бир туркум сўзлари бўлсин.

Текширамиз. Нодира ўқи.

Жавоб: Қишиш келади, қалин ёғади; болалар катта.

Ўқитувчи: Ким норози?

Жасур: Мен: қишиш, болалар, катта, қалин, ёғади, келади.

Ўқитувчи: Сиз кимга қўшиласиз? (Бир қисм Нодирага, бир қисм Жасурга)

Албатта, сўзларни турлича жуфтликка ажратиш мумкин. Лекин

бугунги дарсимиизга Жасур тузган гурух керак. Ҳар бир жуфтликка қандай савол бериш мумкин.

Сўнгра ўқитувчи ёрдамида ўқувчилар савол бериб, от ва феълни аниқлайдилар.

4. Мустаҳкамлаш.

Ўқитувчи: Китобларни очинг, 256 - машқ. Шартини ўқинг. Ким тушунтириб беради?

Биринчи гап изоҳ билан бажарилади.

2 ва 3 мустақил бажарилади.

Текширув: Бир ўқувчи ўқийди, натижа такқосланиб, баҳоланади.

5. Мустақил иш.

Доскага расм осилади. Унга асосланиб, от туркумига оид сўзлар ёзиш керак.

Текширув: Домла ўқийди, қолганлар текширадилар: аниқ, қуён, ёруғлик, қўзиқорин, тулки, дараҳт, тўнка, қуёш ва б.

6. Дарс якуни.

Ўқитувчи: Сиз қайси сўз туркумлари билан танишдингиз?

Ўқувчилар; От, сифат, феъл.

Ўқитувчи: Дарсда нима ёқди?

Ўқувчилар: гурухга бўлинганимиз, арча расмини чизганимиз, расм билан ишлаш, ҳикоя тузиш.

Ўқитувчи: Нима ёқмади?

Ўқувчилар: Хатоларга йўл қўйиш, «беш» дан паст баҳо олиш.

Дарсда қўйилди: «Беш» 12 та, «тўрт» 5 та. Бошқа баҳо йўқ. Хулоса: мулоқот даврида ўқитувчи мажбур этмасдан, ишонтира олди.

Ўқитувчи ишни тўғри ташкил этиб, синфда соғлом психологик иқлим яратса олди. Уй вазифасини текшириш вақтида ўқитувчи болаларнинг кўнглига қаради. Қийинчиликларнинг психологик сабабини аниқлаб, хатоларни бартараф қилиш йўлларини топди.

Конспектда фаол фикр юритишга, мустақил ҳал этишга чорловчи топшириклар бор. Ўқитувчи фаолияти жараёнида ўқувчиларга педагогик таъсир қилди: ҳаракатлантириди, рағбатлантириди, ўқувчини фаолият турига жалб этди, ўз-ўзини назорат этиш кўникмаларини шакллантириди ва б.

5. Тарбия - боланинг атроф - муҳит билан ўзаро алоқа тури экан, биз унинг биринчи босқичи - таъсирга - диққатни қаратдик. У оламнинг турли обьектларига асосланиб, субъектив характерга эгадир. Педагогик фаолиятда субъектнинг - субъектга таъсири ўқувчининг теварак - атрофга муносабатини шакллантиришда аҳамиятга эга. Мулоқотнинг эркинлиги ўқитувчидан шахсга моҳирона таъсир этишни талаб этади. Бошқача айтганда, болаларга йўналтирилган педагогик

таъсир фақатгина тушунарли бўлмай, балки қизиқарли шаклда ҳам бўлиши керак. Фақат шундагина педагог тарбияланувчиларга ижобий таъсир эта олади. Бола мустақил танлаш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ўз ҳаётларида субъективликни таъминлайди. Шуни эсда тутиш керакки, болада у ёки бу мулоқотнинг шаклланганлиги унинг келажакда инсонлар, предметлар, олам билан ўзаро таъсирида аҳамиятлидир.

Педагогик таъсир шундай педагогик технология билан таъминлайдики, бунда боланинг дунё билан мулоқотини шакллантириш мақсадида, илмий изоҳланган энг қулай таъсир турини аниқлаш имконини беради.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогик жараёнда ижодий хамкорликнинг ўрни нимада?
2. Ўқувчининг объектдан ижодий шахсга айланиши жараёни қандай юз беради?
3. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўзаро мулоқотнинг йўлга қўйилишида нималарга эътиборни қаратиш зарур?
4. Дарснинг асосий элементлари нималардан иборат?
5. Дарсда ривожланиш услубининг таъсири қандай содир бўлади?
6. Педагогик мулоқотда субъект- обьект муносабатларида ўзига хослик қандай аҳамият касб этади?

Тестлар.

1. Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаолиятидаги асосий параметлар булар...

бир-бирини тушуниши, англаб етиши, ўзаро ёрдам, таҳлил қилиш;

қўйилган мақсадни тушуниши, англаб етиши, ижодий ривожлантириш, баҳо бериш;

мақсад- вазифа узвийлиги ижтимоий ролини anglash, ижодийлик, қайта алоқа;

ўзаро муносабат, ҳамфикрлик, қўллаб-қувватлаш, ўзаро ишонч.

2. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш учун нима қилиш керак?

самарали метод ва ўзаро мулоқотни амалга ошириш зарур;

яхши ўйланган психологик усул ва таъсир этиш механизми керак;

ўқитувчи обрўси ва ўзини кўрсата олиши керак;

очиқ ҳолат, силлиқ нафис ҳаракат, психологик ишорани тасвирлаш, кафтлар ҳаракати

3. Дарснинг асосий элементлари қўйидаги жавобларнинг қайси бирида тўғри кўрсатилган?

дарсда ишчанлик кайфиятини яратиш, ёзма ўйинни текшириш, оғзаки вазифани текшириш;

янги мавзуни киритиш, уй вазифаси, ҳамкорликда мустаҳкамлаш, дарсни таҳлилий якунлаш;

Ташкилий қисм, уй вазифасини сўраш, янги мавзу ўтиш, мустаҳкамлаш, уй вазифаси;

янги мавзу ўтиш, ўтган дарсни фаол қайтариш, дидактик ўйинлар, мустақил иш, якунлаш

4. Педагогик мулокотда субъект-субъект муносабатларининг аҳамияти.....

а) ўқувчини ижодий фикрловчи шахсга айлантиришда кўринади;

б) ўқувчи ўқитувчига бевосита таъсир ўtkаза олишида;

в) субъект мақсади, обьект мақсади бўлиб қолганида;

г) субъект ва обьект фаолиятида педагогик ҳамкорлик юзага келишида кўринади.

5. Педагогик фаолиятда ўзаро таъсир деганда, биз.....

а) ўқитувчининг ўқувчига таъсири ва унинг аксини тушунамиз;

б) ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидаги икки томонлама фаолликни;

в) мақсадни амалга оширишдаги педагогик ҳамкорликни;

г) ўқувчи ўз ўқитувчисига ҳам таъсир ўtkаза олиши жараёнини тушунамиз.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. -Т.: 1997й.

2. Мавлянова Р.А. ва б.қ. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2000.

3. Ҳасанбоев Ж ва б.қ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. -Т.:Фан ва технология. 2009.

4.Турғунбоев К., Тешабоев А. Педагогика назарияси ва тарихи. Андижон. 2010.

5. Саидахмедов Н. Интерфаол методлар. -Т.: 2005.

6. Ишмуҳамедов Р.ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: 2010.

11-МАВЗУ: ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ҚЎЗҒАТУВЧИ МОТИВЛАРИ. МОСЛАШУВ СТРАТЕГИЯСИ

Режа

1. Таълимда ўқувчи мотивациясини аниқлашнинг зарурияти.

2. Дарсда ўқувчини “иш ахтариб қолиши”, “тез чалғийди”, “диққатни жамлаштиrmайды”, “тиниб-тинчимас” каби баҳоларни олиш сабаблари.

3. Қисқа муддатли тавсиялар ишлаш ва унинг аҳамияти.

4. Мослаштириш стратегияси.

6. Интерфаол ўқитиш үсуллари.



Асосий маълумотлар

1. Таълим жараёнида бола мотивациясини ошириш. Ўқитувчининг тушунтиришларига диққат қилмайдиган ўқувчилар бошқаларни чалғитади ва ўқитувчининг доимий безовталиги манбаи саналади. Дарс учун ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш лозим, ўқитувчи эса хулқ-атвор билан боғлиқ муаммоларга чалғимаслиги керак. Турли хил эътиrozлар, огоҳлантириш ва чўчишишлар хулқ-атворни назорат қилишининг зарурий, текширилган воситаси эканига қатъий ишонган педагоглар ўқувчиларнинг ғашига тегади.

Мотив – (лот. moveo – ҳаракатлантираман) инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил, важ. Мотив шахсни ҳаракат ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички туртки ҳисобланади. Эҳтиёж ва инстинкт, майл ва ҳиссиёт, идеал ва бошқалар мотив жумласига киради.

Аслида ўқитувчи ва ўқувчилар топшириқقا турлича назар билан қарайдилар. Ўқитувчилар қисқа муддат ичидаги ўқувчиларнинг бутун гурухини маълум билим ва кўникмага ўргатишини истайдилар. Дастур уларнинг қўл-оёғини боғлаб қўяди. Ўқувчилар эса қўпинча ўз хатти-ҳаракати билан муваффақият қозонмоқчи бўлади. Бу каби ҳаракатлар истиқболли бўлмаса, топшириқдан «қочиб», қутулмоқчи бўлишади. Вазиятни идрок этиш ва баҳолашдаги тафовут ҳақида сўз юритиш мумкин. Рағбатлантиришлар, худди чўчишиш каби аҳволни яхшилай олмайди. «Мослаштириш стратегияси» ўқитувчи ва ўқувчининг турли қарашларини ўйғунлаштириши, мувофиқлаштиришга қаратилиши керак. Бошқача айтганда унинг мақсади - ўқитувчи ва ўқувчиларни бир-бирини тушунишга ўргатиш.

Болани ўринли, мос саволлар бериш билан, педагог унинг нуқтаи, назарини тушуна бошлайди, нималарни, бошқача ёки қай тарзда бажаришни англай олади. Шу тариқа болани фаолиятга ундаш мумкин.

У ўқитувчига ахборот беради, шундан сўнг улар бирга ишлашлари мумкин. Ўқитувчи топшириқ қандай бажарилиши лозимлигини буюрибгина қолмай, балки болага саволлар қўяди, бу билан нима «мумкинлигини» аниқлайди, сўнг болани шуни бажаришга ундаиди.

Таълим, - механик тарзда ёд олиш дегани эмас, балки янги мазмунни фаол ўзлаштириш учун муҳит яратишдан иборат.

Ўқитишиш - таълим жараёнига ундаш ва уни қўллаб-қувватлаш демакдир. Биз таълим жараёнида фаол қатнашувчи, ўз қарашлари учун масъулиятни ҳис этuvчи катта бир жамоамиз.

Реакция – (ре ва лот. *actio* – ҳаракат) – 1) инсон ва унинг тана аъзолари томонидан муайян ташқи ва ички қўзғатувчиларга нисбатан қайтариладиган жавоб ҳаракати. Реакция таассурот, қўзғатгич, қандайдир таъсир этишнинг жавоби сифатида пайдо бўлувчи ҳиссий ҳолат, жараён ва ҳаракатдир.

Инсон хулқи ҳақидаги ҳар қандай таълимот шахс тўғрисида тасаввурлардан бошланиши керак. Хулқ манбаи биологик ва психологияк эҳтиёжларда яширин, деган фараз мавжуд. Учта асосий психологик эҳтиёж фарқланади: мулоқотга, билим ва мустақилликка эҳтиёж. Шахс учун бу эҳтиёжлар атроф-муҳитга тегишли реакцияни танлашнинг ички стимули саналади. Ташқи ҳолатга адекват реакция қилиш учун у ҳақида билимлар, уни бошқара олиш, содир бўлаётган ҳодисаларни назорат қила билиш талаб этилади. Ривожланиш учун энг яхши муҳит «сезгир», яъни қўллаб-қувватлайдиган ва шахс танловини таъминлайдиган муҳитдир. Бироқ ҳамма нарса ички мотивларга боғлиқ эмаслиги ҳам аниқ. Атроф олам маълум хулқни ташқи кутилган хулқ билан ўхшатади ва реал хулқни шакллантиради. Бу жараён боланинг атроф-муҳит талабларига ўзининг мувофиқлиги ё номувофиқлигини тушуниши ва улар учун масъулиятни қабул қилиши билан боғлиқ. Ёш болалар ва катталар (ота-оналар, ўқитувчилар) ўртасидаги муносабатлар «ишончга» асосланади ва бу сифат атроф-муҳитга мослашиш жараёнида асосий ўрин тутади.

2. Болалар мактабга ўз мавқенини кенгайтириш билан боғлиқ онгли мақсад билан келади ва баъзан бу борада муайян қарашлари ҳам бўлади. Улар ўз ривожланишида олдинга ўтиш, ўзи ва бошқаларга нимага қодир эканини кўрсатиб қўйишни исташади. Бироқ дастур материалларини ўрганиш, тез орада болаларнинг ривожланиш суръатларида тафовутлар кўзга ташланиб қолади. Болаларнинг ўzlари ҳам, ўқитувчилар каби «ягона» талабларга доим жавоб бера

олмаслигини тан олишга мажбур. Синфнинг бир қисми дастурни бажариш етарли компotent эмаслиги ҳақида хulosага келиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг диққатини бўлиниб қолишига сабаб бўлади. Муваффақиятсиз ўқувчи ўзига «иш ахтариб» қолади ва ўқитувчининг назарида ёмон одатли: тез чалғийди», «диққатни жамлай олмайди», «тиниб тинчимас» каби ном олади.

Дастурни амалга ошириш жараёнида жуда содда бўлган ўқувчилар билан ҳам ўхшаш вазият юзага келади. Ўқишига қизиқиши «чаққон» ва «оғир карвон» ўқувчидаги бирдек енгил, йўқолиши мумкин. На униси ва на буниси ўз имкониятини тўлиқ намоён эта олмаслиги хавфли.

Боланинг мустақилликка эҳтиёжи таълим жараёнида қисман қондирилади. Ўқитувчининг «яхши» ва «кучсиз» ўқувчи билан ҳамкорлиги сифати турлича. Биринчи тоифа ўқувчиларга ишонган ва яхши натижалар кутган ўқитувчилар уларга кўпроқ эркинлик берадилар, бошқаларини қаттиқ назорат қиласидилар, оқибатда эркинлигини чеклаб қўядилар. Бу эса бундай ўқувчиларда ташаббус ва масъулиятни зиммасига ололмаслигига сабаб бўладилар. «Кучсиз» ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчиларнинг касбий сезгирилиги, вақти, бардоши, кўпинча кайфиятига кўпроқ эътибор қаратилади.

Таълим жараёнида шахсий ўзаро муносабатларнинг муҳимлиги бола ҳаётининг бошқа томонлари билан алоқадорлиги билан боғлиқ, бу алоқалар сифати натижани белгилайди.

Мактабда муносабатлар гўё «ўқиши сурати», ўзлаштириш билан боғлиқлиги ҳақида уйдирма мавжуд, аслида ўқишининг самарадорлиги кўпинча ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан шахсий муносабатларга боғлиқ бўлади. Тадқиқотлар парадоксал вазиятни кўрсатади. Кўплаб ўқитувчилар синфда «яхши» муҳит, болалар билан «яхши» муносабатларни муҳим деб билишади. Деярли ҳар бир ўқитувчи ўз эътиборини болада жамлаши зарур деб ўйлайди. Аслида эса ўқитувчи диққат марказида айнан ўқув материали ва ўқитиш методлари обьекти бўлган ўқувчи бўлмоғи лозим.

Аслида педагоглар энг кўп вақт ва кучларини мавзуни ўтиш, назорат иши натижалари, интизомга сарфлайди. Бир томондан, ҳақиқий мақсадлар ва юксак иш мезонлари ва бошқа томондан, ўқитувчилар ишидан доимий қониқмаслик; уларнинг кўпинча ўқувчи учун «етиб бўлмаслиги» ўртасидаги узилишни қандай тушуниш лозим? Гап мана шунда.

Деярли барча педагоглар таълимнинг синф моделида жисмоний ва психологик чекланишларни рўкач қиласидилар, бизнингча эса, мактаб, ўқитувчилар муассаса сифатида ўқувчиларнинг фаолияти

Парадокс – (юнонча “рағ¹⁸⁴-карши, “doxa”-фикр) – соғлом фикрга қарши турадиган, ундан кескин фарқланадиган одатдан ташқари кутилмаган фикрлар.

характерини, худди инсоний муносабатлар каби етарлича баҳолай олмаяптилар. Ҳар бир ўқувчи учун адекват (мос) таълим мұхитини қандай тушуниш лозим? Ўқувчиларнинг ўзи уни моделлаштириш ва такомиллаштиришга қай даражада тақлид қилиш орқали фаол күмаклаша олади?

3. Ўқитувчи топшириқларини бажаришни истамаслик боланинг «онгли» қарори натижаси бўлиши мумкин. У фаолиятсизликка ўрганади, «хаёл сурди» ёки бошқаларнинг ғашига тегиши мумкин бўлган бирор нима билан шуғулланишга уринади.

Ишлаб чиқилган аралашув-ҳамкорлик ўқитувчи таълимни ўқувчи имкониятига мослаштириши, унинг идроки ва мотивацияси ҳолатини олдиндан кўра билиш мумкинлиги ҳақидаги фаразга асосланади. Ҳамкорлик ўқитувчига кечеётган ҳодисаларга ўқувчи нуқтаи назаридан қараш ва ўз тавсияларини мослаштириш имконини беради. Бу ўқувчини ҳақиқий қўллаб-қувватлаш бўлади. Айни пайтда бундай ёндашув ўқувчи фаоллиги ва диққатини оширса, ўқитувчилар буни ўзларининг хизмати, деб билишлари мумкин бўлади. Шу тариқа улар ўзларини янада лаёқатли ҳис эта бошлайдилар, бу эса фаолиятларини янада такомиллашувга күмаклашади. Бу каби таълим мазмуни диалогдан иборат: биргаликдаги танлов, ғамхўрлик ва ишончнинг тасдиғи, ҳар кимнинг эркинлиги - бола ривожланиши учун, катталар учун ҳам айнан шу зарур. Албатта, бу методикада алоҳида топшириқ ва хулқни ташқаридан ўзгариши билан чекланмайди. Асосий мақсад ўқувчи фаоллиги, мустақиллиги, ўз кучига ишончини тарбиялаш, таълим жараёнида шахснинг асосий психологияк эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

4. Мазкур методика олти-ўн икки ёшли ўқувчилар билан ишлашда синаб кўрилган. У ҳар бир ўқувчи мустақил ишлаган дарсда қўлланилган ва ўқитувчи ҳамда ишлашни «хоҳламаган» ўқувчи орасидаги қисқа муддатли мулоқот давомида ижобий натижаларни таъминлаган:

1. Ўқитувчи ўқувчига ўзининг мулоқот учун очиқлигини кўрсатади (ўзаро муносабатларнинг таркибий қисми).

2. Ўқитувчи ўқувчи билдирган билимлар «қисмини» тасдиқлайди (лаёқатликнинг таркибий қисми).

3. Ўқитувчи ўқувчини, фаолликка ва ўзига ишончига даъват этади (мустақилликнинг таркибий қисми). Бу ўқитувчининг одатдаги авторитарлигидан (обрўсини сақлашдан) қайтиш демак.

Ўқувчи сұхбатда фаол қатнашади. Ўз таклифларини беради. Ўзгариш диалог услубида намоён бўлади:

ўқитувчи қатыйй фикрлар ва бир ёқлама саволлардан четланади,

йўналтирувчи ва истиқболли саволлар беради, ўқувчи айтгани ва сўраганига фаол муносабат билдиради (қайта алоқа);

ўқитувчи шошмайди, болага қайта муносабат, саволлар, таклифлар учун, имкон беради, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга уринади.

Диалог ўзаро мақбул мавзуларга қурилади:

топшириқнинг бажарилиши кутилганлиги;

зарур вақт ва саъй-ҳаракатлар сарфи ҳақида таклиф;

ўқувчининг таклифлари, режалари (мустақил топшириклари);

натижани баҳолашни мезонлаш;

натижага эришиш йўлларини белгилаш.

Намунавий ўгитлар, ўқувчини рағбатловчи компонентлардан иборат бўлган қўйидаги тавсиялар рўйхатини таклифлар сифатида қўллаш мумкин:

топшириқ ва унинг натижалари ҳақида ахборот мавжудлиги;

топшириқни аниқлаштириш;

ўқувчи томонидан зарурий тайёргарлик ва саъй-ҳаракатлар кутилиши;

муаммони ҳал этиш усуллари оид билимлар мавжудлиги;

ўқувчини топшириқни ва ечиш усулини шакллантиришга даъват этиш;

ўқувчи натижасини баҳолаш мезони, ечимнинг танлаган йўли ва бажариш учун зарур вақтни белгилашга даъват этиш.

Топшириқни бажаргач, ўқувчи ўзини, натижасини мустақил баҳолайди.

Сұхбат ўқувчининг топшириқни бажариш учун зарур вақтни ҳис этишга оид саволдан бошланиб, кейин таклиф этилган мавзулар мухокамаси давом эттирилади. Ўқитувчи дарҳол ўқувчи топшириқ билан боғлиқ материалдан нотўғри фойдаланаётганини аниқлаши мумкин. Бу ҳолда ўқитувчи аввалги мавзуларни такрорлаши ва топшириқни буткул ўзгартириши лозим.

Рўй бераётган ҳодисанинг асосий мазмуни шундаки, ўқувчи ўқитувчи саволлари орқали ниҳоят нимани ўрганаётганини англаб етади.

Бошқача айтганда, ўқувчи ва ўқитувчилар натижа эмас, балки жараёнга бериладилар. Натижа автоматик тарзда эришилади, агар жараён тўғри ташкил этилса.

5. Интерфаол ўқитиш усуллари. Интерактив ўқитиш жараёни анъанавий (доска ёнидаги) ўқитишдан фарқли ўлароқ бир қанча методологик устунликка эга. Бу авваломбор, иштирокчиларнинг ўйин қоидаларини ишлаб чиқувчи муаллим ва бир-бири билан фаол,

эмоционал тусдаги муносабатларига асосланади.

Муаллимнинг интерактив ўқитиш жараёнида ишнинг самараси бир қанча шартларга боғлиқ:

Биринчи шарт - ўқувчи имкониятларининг берилган технологик (ўйин, тренинг, машқ) мақсад ва вазифаларига мутаносиблиги. Танланган технологиянинг мақсадига қараб муаллим у ёки бу вазифани бажарувчи ташкилотчи-етакловчи, коммуникатор ёки келишмовчиликларни бартараф қилувчи, фасилитатор.

Фасилитация – (инглизча facilitate – осонлаштириш) – гурӯҳ ишини ташкил этиш, кўпинча аниқ, ҳақиқий, амалий топшириқлар билан боғлиқ, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг ҳақиқий режасини ишлаб чиқиш, ҳақиқий можароли манфаатларни мувофиқлаштиришга мўлжалланган.

Иккинчи шарт - гурӯҳ иштироқидаги ўзаро муносабатларни ҳал этишдаги муаллимнинг профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда **мультитилог**, яъни туркумлашган профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда мультилог, яъни туркумлашган диалог санъатини эгаллаган бўлиши зарур. Диалог кўринишидаги мулоқот психологияда аҳамиятли ҳисобланади, чунки у анъанавий "субъект-объект" муносабатига зид равишда "субъекг-субъект" муносабатларини ифодалайди.

Мульти ... (лот. multum – кўп, анча) –ўзлашма, қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсанинг кўплигини, кўп қайтарилишини билдиради.

Диалог доимо ҳар - хил фикрлар ва уларни кўринишларини, шунингдек, барча интерактив ўзаро алоқа қатнашчиларининг қўйилган муаммони биргаликда муҳокама қилишини ва ечимни топишни назарда тутади. Қатнашчиларнинг фаоллиги ўқувчиларнинг шахсиятига эмас, балки ўзаро мулоқотга, қўйилган вазифага йўналтирилади. Диалогдагина қатнашчилар қўйилган масалага турли нуқтаи назарлар орқали ёндашиш билан бир-бирини ўзаро бойитишади. Муаллим ва ўқувчиларнинг муносабатларидаги teng ҳуқуқлик қайта алоқа (жойида

ва айни вақтда) нинг амалга ошириши, катта ёшдаги ўқувчилар интилишларининг рўёбга чиқариб, муаммонинг ягона изоҳини талаб этадиган умумий коммуникатив ва маъно майдонини яратади. Замонавий муаммолар тартиблиги туфайли уларни тушунишда тизим маъносини берадиган тил зарур.

Интерактив ўқитиш самарасининг **учинчи шарти** муаллимнинг шахсий йўналиши билан боғлиқ. Баъзан янги технологияга иштиёқ билан киришган муаллим кейинчалик, биринчи апробациядан сўнг, ундан воз кечиши мумкин. Одатда, бу ҳолат муаллим ўзининг профессионал ва шахсий обрўсини (**йўқ қилиш**) қилиш билан боғлиқ бўлган ҳадиксирашга алоқадордир.

Бу ҳадиксираш типик қийинчиликлар туфайли келиб чиқсан бўлиб, шахсият ва ўқув шароитида содир бўладиган муносабатлар **стереотиплари** билан боғлиқ бўлади ва ўзаро алоқа ўйини қатнашчиларининг авторитар, зўрма-зўраки шаблонларга, монитор услубига, маъруза ва монологик мулоқот жанрига қайтиши қўринишида намоён бўлади. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун муаллимнинг шахсан ўзи ўйин қоидаларини ишлаб чиқувчи муаллимларнинг: пешқадамлилик, шахслараро муносабатлар, рақобат ва б.к. тренингларида қатнашиши лозим.

Раҳбар ва мутахассислар, шунингдек, ўйин қоидаларини ишлаб чиқувчи муалимларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш амалиётида қуидаги ўқув натижаларининг рўйхати кенг тарқалган. Буларни ўқув мақсади сифатида белгилаш мумкин: танишиш, фаннинг маълум соҳасига тегишли асосий тушунчалар ва вазифалар билан танишиш асосий мазмунни ўзлаштириш, асосий тушунчалар ва вазифаларни таърифлаб беришга лаёқатлилик; уddalamоқ асосий тушунчалар ва вазифаларни фаннинг маълум соҳасига самарали татбиқ этиш; тўлиқ эгаллаш, моҳирлик фаннинг маълум соҳасига тегишли асосий тушунчалар ва вазифаларни самарали қўллаш ҳамда ўзгаларга бу масалада ёрдам бериш. Юқорида санаб ўтилган ўқув мақсадлари турли-туман интерактив технологияларда кенг қўлланилади.

Таълим нуқтаи назаридан интерактив технологиялар-бу иштирокчиларнинг шахсий мақсадлари акс этган контекстда воқелик имкониятларини кўпчилик томонидан диалогик изланишига асосланган ўйинлардир.

Контекст (лот)- ёзма ёки оғзаки нутқ, матн (текст) нинг нисбатан тугалланган бўлаги. Кўпроқ ёзма нутқнинг ўз ичига кирган сўз ёки иборалар маъносини белгилашга имкон берадиган , тугал фикрни ифодалай оладиган парчаси. Контекстнинг умумий мазмунига қараб ундаги айрим сўзлар, иборалар ва билимларнинг маъносини аниқлаш мумкин.¹⁰⁸

Ўқув жараёнида мутахассислар учун нореал (тақлидий ёки ташкилий-ҳаракатли) шароит ёки вазиятда қарор қабул қилиш ўйинлари, шунингдек, реал профессионал мұхитта (амалий ёки ролига мансуб) мослашишга ёрдам берувчи ўйинлар күлланилади. Ўқув жараёнида, күпинча, атроф мұхитта, аник профессионал фаолиятига, инсонларга мослашишни ўргатувчи ўйин моделлари күлланилади.

Амалий, тақлидий ўйин ёки вазиятлар таҳлили усулини коммуникатив аспектлар моделларининг жараёни сифатида күриб чиқадиган бўлсак, у қўйидаги хусусиятлар туфайли ўқув-ривожлантирувчи жараёнга янги сифат олиб келади:

- профессионал фаолият имитацион модели кўринишида коммуникатив-интерактив ўқув материалларининг моҳияти тизими;

- ўргатувчи ўйин моделидаги шериклар билан профессионал фаолиятни турли функционал бўғинларидағи амалий ўзаро муносабатлар структурасини тикламоқ;

- таълим олаётган раҳбар ва мутахассисларни профессионал ва коммуникатив омилкорлик ва уни амалий қўлланиши эҳтиёжини қондиришга яқинлаштирумок. Бу билан билимни англашга, шахсий фаолиятига, англашдан профессионал мотивацияга ўтишга шароит яратади.

- ўргатувчи ва ривожлантирувчи таъсирлар мажмуи;

- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида муаллим фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришдан раҳбар ва мутахассисларнинг коммуникатив – интерактив фаолиятини регуляцияни бошқариш ва ташкил этишга ўтиш учун шароит яратиш.

Юқорида ҳамма санаб ўтилганлар қўйидагиларга имконият яратади:

1. Мутахассисларда профессионал ва коммуникатив омилкорлик, унинг динамикаси ва реал фаолиятидаги ўрни ҳақида яхлит тассавур яратиш;

2. Фаолиятни тақлид қилувчи материаллар асосида социал тажриба, жумладан жамоа бўлиб қарор қабул қилиш учун керакли бўлган шахслар ва гурӯҳлараро муносабатлар, ҳамкорликни амалга ошириш;

3. Профессионал психологик назарий ва амалий фикрлашни ривожлантириш;

4. Билим орттириш мотивациясини ташкил этиш, шахсий психологик қўлланма ва мотивацияга шароит яратиш;

5. Амалий муроҷот доирасида билимларни мустаҳкамлаш, коммуникатив омилкорликни шакллантириш.

Интерактив машғулотларни ўтказиш жараёнида муаллим

тингловчиларнинг интеллектуал услублари, маънавий-ахлоқий ривожланиши ва характерларига хос ҳусусиятларни савияси ҳақида маълумот олади. Бу унга керак бўлганда тингловчиларни психологик-педагогик коррекциялаш ва уларга психологик ёрдам беришни амалга оширишига имконият туғдиради.

Шундай қилиб, тингловчилар интерактив технологиялар ёрдамида раҳбар ва мутахассислар реал профессионал фаолиятига мансуб бўлган социал-психологик ва типик бошқарув муаммолари ечимларини топишга жалб қиласидар. Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш курслари қатнашчилари, турли бошқарув ва интеллектуал қуролларни (менежер, методист ёки актив томошабин ва х.к) ўйлаб, уларни ўзлаштиради. Бу қатнашчилар турли вазиятларда уларнинг ҳатти - ҳаракатини ҳаққоний ва мақсадга мувофиқлиги билан танишадилар.

Ўйин, тренинг ёки вазият таҳлили пайтида берилган ролларга мувофиқ бошқарув қарорлари қабул қилинади. Турли роллар мақсадлари бир бирига тўғри келмаслиги, ўйин қатнашчилари кўпинча низоли вазиятда қарор қабул қилишга мажбур бўладилар ва натижада низони ўрганадилар.

Ўйин машғулотлари тингловчиларни груп аъзолари ўртасида юзага келадиган ҳолатларга ва уларнинг ҳиссий муносабатларига нисбатан сезгирилигини оширади. Ўйин орқали ўқитиш жараёнида тингловчиларда ўзини англаш ва бошқаларга ёкиш эҳтиёжини ривожлантириш учун имкон яратилади.

Ҳар бир ўйин иштирокчиси жамоа фаолияти механизмининг қандай ишлашини кўриш имкониятига эга. Ўйин ва тренингларда қайта таъсир (ўзгалар томонидан муносабат ва баҳолаш жараёни) сигналлари янада аниқ англаанди, новербал коммуникация доирасида омилкорлик актуаллаштирилади, яъни интерактив технологиялар коммуникатив ва психологик омилкорликни ҳамда шахсий маданиятни ва у билан боғлиқ бўлган амалий муносабатларни ривожлантиришга туртки бўлади. Модомики ўйинлар ўта кескин вазиятда ўтар экан, бу қатнашчилардан маълум ҳиссий маданият савиясини, стрессга нисбатан бардошлиқ ҳамда психологик ҳимоя усулларидан хабардор бўлишликни талаб қиласиди. Бундан ташқари ўйин машғулотлари қатнашчилар ўртасида соғлом рақобатчиликни келтириб чиқаради. Бу эса уларнинг рақобатига бардошини, ўзига бўлган ишончини оширади ҳамда ўзини қадрлашни ўргатади.

Интерактив машғулотлар максимал даражада ўқув жараёнини индивидуаллаштиради. Бу эса ҳар бир иштирокчига ақлий ва ижодий имкониятини намоён қилишга имконият беради.

Юқорида айтилганидан маълумки, интерактив технологиялар татбиқ қилинган машғулотларда маълумотни ўзлаштириш анъанавий ўқитишга қараганда (бу тўғрида кўп изланишлар натижалари гувоҳлик беради) анча самаралидир. Бу ерда бир пайтнинг ўзида профессионал фикрлаш имкониятининг кенгайиши, ўқувчилар ижодий потенциалининг ривожланиши, одамлар билан ишлаш маҳоратининг эгалланиши ҳамда ижтимоий тажрибани орттириш содир бўлади.

Шуни айтиш лозимки, интерактив ўзаро алоқа режимида ўқитиш жараёнида раҳбар ва мутахассисларда шахсий дунёқарашнинг ўзгариши юз беради. Бундай мулоқотлар янги, янада инсоний ва ахлоқий маънога эга бўладилар.

Ва ниҳоят, интерактив ўйинларда тез-тез қатнашиш раҳбар ва мутахассисларга вербалиция кўнилмаларини ҳосил қилишни, суҳбатдошни тинглашни, тўғри савол-жавоб олиб боришни, оммавий тарзда ахборотни етказишни ўргатади.

Шундай қилиб, юқорида айтилгандан келиб чиқиб, қуйидаги хulosаларни қилиш мумкин, яъни интерактив технологиялар раҳбар ва мутахассислар давр талабидан келиб чиқиб муаммоларни ечиш қобилиятини ривожлантиради. Бунда амалий фаолият шароитида юзага келадиган: ишлаб чиқариш, ижтимоий, амалий ва шахсларро муносабатларнинг тартибланиши кўзда тутилади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълимда ўқувчи мотивациясини аниқлаш нима учун зарур?
2. Дарсда ўқувчилар томонидан “иш ахтариб қолиши”, “тез чалғииди”, “диққатни жамлаштирмайди”, “тиниб-тинчимас” каби олган баҳолари нимани билдиради?
3. Мослаштириш стратегияси ҳақида нималарни биласиз?
4. Қандай интерфаол усууллар мавжуд?

Тестлар.

1. Таълимда ўқувчи мотивациясини аниқлаш учун....
 - а) билим, мулоқот, мустақилликка эҳтиёж;
 - б) шахс учун эҳтиёжлар атроф- мұхитта тегишли таъсирини танлашнинг ички стимулини билиш учун;
 - в) ташқи таъсирга ўхшаш таъсир қилиш учун;
 - г) ривожланиш учун энг яхши мұхит шахс танловини таъминлайдиган мұхитни аниқлаш учун.

2. Муваффақиятсизликка учрайдиган ўқувчи ўзига “ иш ахтариши”нинг сабаблари...

- а) ўқитувчи қўяётган талабларга доимо жавоб бера олмаслигида;
- б) синфнинг баъзи ўқувчилари етарли даражада тайёр эмаслигида;
- в) муваффақиятсизликка учрайдиган ўқувчилар “тез чалғийди”, “диққатни жамлай олмайди”, “тиниб тинчимас”лигидা;
- г) “офир карвон” ўқувчида дадилликнинг етишмаслигида.

3. “Мослаштириш” стратегияси, бу.....

- а) ҳамкорликда фаолият юритиш;
- б) ўқувчи имкониятига яраша таълимни йўлга қўйиш;
- в) шахс идроки ва мотивация ҳолатини олдиндан кўра билиш;
- г) жараёнларга ўқувчи нуқтаи назардан қараш.

4. Ўқитувчи ва ишлашни “хоҳламаган” ўқувчи ўртасидаги қисқа муддатли муроқотнинг зарурлиги нимада?

- а) ўқувчи фаоллиги, мустақиллиги ва ўз кучига ишончни тарбиялаш;
- б) ўқитувчи муроқот учун тайёrlигини кўрсатиш, ўқувчи билимини бир қисмини маъқуллайди;
- в) ўқувчини фаолликка ва ўзига ишончга даъват этади;
- г) ишлашни “хоҳлаган” ўқувчини тартиб-интизомга ўргатиш.

5. Интерфаол усусларни қўллашда амал қиласиган шартлар, булар....

- а) ўқувчи имкониятининг мақсад ва вазифаларга мутаносиблиги, педагог тажрибаси;
- б) ўқитувчининг шахсий йўналишга эга эканлиги;
- в) асосий тушунча вазифларни таърифлаб беришга лаёқатлилик;
- г) асосий тушунча вазифаларни фаннинг маълум соҳасига қўллай олиши.

6. Интерактив методларни амалга оширишнинг ўзига хос моҳияти, бу...

- а) интерактив методларни гурӯхлашдан иборат;
- б) интерактив методлар жараёнини максимал даражада индивидуаллаштиришни талаб этади;
- в) ушбу методлар ҳар бир иштирокчига ақлий ва ижодий имкониятларни намоён қилишга имкон беради;
- г) ҳар бир ўқувчи имкониятларини ҳимоя қилишни ўргатади.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:1998.

2. Поляков С.Д. В поисках педагогической инноватики. –М.:1993.
3. Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Жур. "Педагогика" 1993. №2.
4. Саидахмедов Н. Интерфаол методлар. -Т.: "Университет". 2005.
5. Ишмуҳаммедов Р.Ж. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: 2010.
6. Ишмуҳаммедов Р.Ж. ва бошқалар. Тарбияда инновацион технологиялар. -Т.:2010.

12-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДАГИ ПСИХОЛОГИК ТЎСИҚЛАР

РЕЖА

1. Педагогик фаолиятдаги психологик тўсиқлар ҳақида тушунча.
2. Педагогикада учрайдиган когнитив ва регулятив психологик тўсиқлар.
3. Ҳимояланишнинг барча турларидағи умумий хусусият.
4. Идентификация – педагог хулқини ўзлаштириш механизмларидан бири.
5. Мавжуд педагогик тўсиқларда ижодий тўсиқларнинг ўрни.
6. Янгилик киритишда қаршилик билдирадиган сабаблар.



Асосий маълумотлар

Инсон ўз ғояларини амалга ошиrsa, талант ва қобилиятларини тўлиқ намоён эта олса ва улар шу одам учун ўзгача субъектив мазмунга эга бўлса, ўз ишларига ва ўз қадриятларининг тизимиغا қарши чиқишга мажбурланмаган тақдирда инсонда ҳаётдан тўлиқ қониқиш хисси пайдо бўлади. Бу эса ушбу тизимнинг ортиқча инерциялиги, ишончларнинг психик мустаҳкамлиги деб кўрсатилади. Бошқа тарафдан, қадриятлар тизимининг ҳаракатчанлиги, ўзгарувчанлиги қабул қилинган қонунларни қадрсизланишида, ҳар хил хатоларга йўл қўйишда акс этади.

Фрустрация (лотинча frustration-алданиш, режаларнинг барбод бўлиши)-муаммони ҳал қилиш ёки мақсадга эришиш йўлидаги фаолиятни издан чиқарувчи руҳий ҳолат. У кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли содир бўлади.

Инсоннинг ташқи ва ички муҳитидан келиб чиқувчи маълумотларнинг ҳаммаси қадриятлар ва тўсиқлар тизими томонидан кузатилади. Психологияда психологоик тўсиқларни одамга маълум бир ҳаракатни муваффақиятли бажаришга халақит қилувчи ички тўсиқлар (истамаслик, қўрқув, ўзига ишонмаслик ва ҳоказо) деб тушунилади. Психологоик қаршиликлар йиғиндисини ҳимояланиши учун ишлатилиб, ташқи муҳитнинг турли хил аксларини яратамиз. Ҳар бир одам ташқи ахборотлар йиғиндисидан унинг руҳий ҳаёти билан ҳеч қандай қарши чиқувчиларни киритмай, ўзгартириладиган маълумотни танлайди. Лекин дунё ҳақидаги бу тасаввурнинг сақланиши анчагина фикрлаш ижодий жараёнига тўсиқ бўла олади. Шунинг учун кириб келувчи янги маълумотларни бузувчи, ҳимоялашнинг таъсиридан ишончни озод қилиш деган масала келиб чиқади.

Қадимдан янги ва номаълум ҳодисалар одамларда хавотир, қўрқув туғдирган. Демак, салбий жинсларнинг пайдо бўлиши билан, индивидуал ва жамланган онгларнинг стереотип бўлишини ҳаёт тарзи, инсонларнинг қизиқиши ва одатларига қарашли бўлган инновациялар, уларда кўнгилсиз таассуротларни пайдо қилиши мумкин. Бу ҳол ҳаётий эҳтиёжларнинг хавфсизлик, ҳимояланиш, ўзини ҳаётда топиши билан боғлиқ. **Фрустрацияга олиб борувчи шароитлар сифатида Е.Ермолаева томонидан инновацияда қўйидагилар ажратилади:**

- жуда тез киритиладиган инновациялар;
- жуда кўп киритиладиган инновациялар (доимий);
- кўп ҳажмли (тизимли) инновациялар;
- алтернативсиз инновациялар.

А.Хон педагогларда учрайдиган когнитив ва регулятив психологоик тўсиқларни ажратади. Унинг фикрича, янгилик олдида чиқувчи когнитив психологоик тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин ва улар янги нарса ҳақида маълум бир билимга эга бўлмаслик, сезишнинг йўқлиги, пассив қарши бўлишни келтириб чиқаради. Регулятив психологоик тўсиқлар янги ҳодисага юзма-юз бўлиб, янгиликнинг ўзига ишончсизлик келиб чиқади ва янги кашфиётни киритишига фаол

қаршилик билдиради.

Психологик тўсиқлар таҳлилига бағишлиланган адабиётларда В.И.Антонюк томонидан ишлаб чиқилган тизимда, уларни баҳолашнинг мантиқий тўғри томонлари ажратилади. Психологик тўсиқлар қуийдагича кўриб чиқилади:

янгилик киритилиши билан келиб чиккан инновация шароитда ишчилар ҳаракатлари негатив психик шаклда бўлиши;

ишчиларнинг ҳаракати, мулоҳаза, тушунча, фикрлаш, кутиш ва эмоционал кечинмалар йиғиндисида онгли ва онгсиз, яширин ёки кўзга ташланиб, атайлаб ёки тўсатдан бўлиб, улар негатив психик аҳвол билан ифодаланади.

Психологик тўсиқлар параметрлари сифатида қуийдагилар ажратилади:

тўсиқларни таркиб топтирувчи ва бошқа одамларда негатив муносабатни уйғотувчи аниқ омиллар психологик тўсиқнинг даражаси негатив ҳолатга эга бўлган одамлар сони билан аниқланади;

ишчиларнинг негатив муносабат билдиришининг характер ва шаклари: нофаол, фаол кўринишда бўлиши.

В.И.Антонюк олиб борган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики: психологик тўсиқлар ижтимоий-психологик ташкилотларнинг ривожланаётганини кўрсатади ва улар янгиланишнинг турли босқичларида, турли ташкилотларда, турли хил тоифадаги ишчиларда унинг ўлчамлари ўзгаради.

Психологик қаршиликларнинг бундай трансформацияси янгилик киритишнинг турли босқичларида ҳар бир аниқ ҳолатларда объектив ва субъектив тўсиқлар детерминантини ўрганиш, уни турли усуслар билан бошқаришнинг йўлларини ишлаб чиқиш ва тадқик этишни талаб этади.

М.В.Кроз унинг кўринишини ижтимоий ўзгариши, аникрофи, ушбу ўзгаришнинг негатив қутби деб ҳисоблайди. Шундай йўналиш муаммонинг чегарасини кенгайтиришга ёрдам беради ҳамда психологик тўсиқларда ҳам салбий, ҳам ижобий диққатни ўрнатади.

З. Ҳимояланишнинг барча турларини умумий хусусияти – уларни англай олмаслик оқибатида фақат ҳимоя қилувчи механизmlар ишининг ташқи кўринишларини кузатса бўлади деган фикрни келтириб чиқаради. Одатий хулқ заифлашади: қўрқув, ўзига ишонмаслик, хавотирланишлар пайдо бўлиши мумкин. Ёқимсиз маълумотни эшитиб, инсон унга ҳар хил муносабатда бўлиши мумкин. Тезда унинг аҳамиятини камайтириш, уни бажарилишига имконият йўқлигини билиб ўз хоҳишлиарнинг даражасини пасайтириш, унинг

муваффақиятсизлиги омиллариға дикқат қиласликка уринади. Психологик ҳимоянинг яқин ўрганилган кўринишлари махсус номларга эга бўлди: инкор этиш, сусайиши, рационализация, чиқариб қўйиши, проекцион идентификация, бегона бўлиш, ўрин алмашиш ва бошқалар. Педагогик жасорат ўз хулқининг ўзгариши ҳақида ечимни қабул қилишида энг муҳим сифатлардан бири бўлади. Шу пайтда куч, воситалар, номаълум муносабатга ютуқ муносабати, қўрқув ва янгиланиш билан қизиқишларнинг аралашмасидан яратилади. Изланиш жасоратининг маъноси янгиланишга қизиқишнинг тўғри йўлини танлашдан иборат. Изланиш жасорати янгиланишни янгиликлар киритишга ўтказиб кўришда, шундай ўтказишнинг истаган ва заарли натижаларини солиштиришдан келиб чиқади.

4. Педагог хулқининг ўзлаштириш механизмларидан бирига идентификация киради. **Идентификация** – онгизз равишда ўзини бошқа одам билан солиштириш ва ўзига ёқсан ҳиссиёт сифатларини унга ўтказилишидир. Бу ўз индивидуаллигининг чегараларини кенгайтириш билан ўзини бошқа инсонга кўчириб қўйиши экан: агар инсон ўзининг менга бошқасини киритса, унинг фикр, ҳис ёки ҳаракатларини олиб келади. Ўзини - «намуна» ўрнига қўйиб кўриб, ўзининг «мен» марказини умумий фазода жойлаштириб, у меҳрликни, эммоцияни, бошқасини ўзидек сезиш ва уни яхшироқ билиб олиши мумкин, аммо кечинмаларини тушунишини, умумий ҳис ва туйғулар орқали индивидуалликларнинг «қўшилишини» англатади. Идентификация фақатгина ўзини бирортаси билан солиштирганда эмас, балки ўзини маълум бир бўлимга, синфга психологик тур кўринишида ишлатади. Демак, ўқитувчилар, у ёки бу педагогик оқимнинг давомчилари ўзининг ички дунёсига улар томонидан ҳурмат қилинган инсонларнинг қадриятларини, ўзлаштиришларини киритадилар. Педагогик оқимга киришини ўз ҳурматини қадрлаш туйғусини шакллантиради, ўз ҳурматини оширади, чунки ўқитувчи ўзидан баланд, зўр ҳодисага қарашлигини сезади. Бу ўқитувчига кучли бўлиши орқали ҳимоясизликни ечишга ёрдам беради. Идентификация ўзини тарбиялаш воситаси бўлади ва унинг асосини бошқа одамлар ҳис ва аҳволи билан эмоционал умумийлик сезишганидек эмоциядан иборат бўлади.

Ригидлаш – инглизча “қаттиқ” деган маънони англатади. Бу ўзининг имкониятларида олди ва орқа амортизатори йўқ велосипед олд амартизатор анча енгил мустаҳкам қаттиқ вилка билан алмаштирилади. Бу эса велосипедни енгил бўлишига олиб келади ва уни мустаҳкамловчи қаттиқлик ҳисобига велосипед тезлиги ошади. Шунга қарамасдан велосипед фақат текис асфалт йўлдан юрлади. Ўйдин-чукур ерларда ўтиши қийинлашади.

Турли хил психоложик ҳимояларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, бири одамни тинчлантиради, қадриятлар тизимини ўзгартиради ва бу эса тизимга янгиланишни киритади, бошқалари эса янгиланишнинг инкор этишига ёрдам беради ва ўз ички “мен”ини сақлаб қолади. Лекин, педагогик янгиланишларни ўзлаштиришни ижтимоий ҳимоясини яратувчи ижтимоий жамоага, педагогик жамиятга боғлиқ. Ижтимоий ҳимоя – бу жамиятда бор бўлган халқ усуллари, улар қарама-қаршилигига ва тушунмовчилигига туғилади. Антипедагогик тўсиқ – жамиятшунослик, психологик адабиётларда анъанавий ишлатиладиган тушунча. Психологик, ички шахсий тўсиқ ўқитувчининг индивидуал ҳусусиятларидан ва ўзи кирадиган жамоанинг ижтимоий-психологик белгиларидан келиб чиқади.

Ташқи томондан бу тўсиқ айрим инновацияларга мос бўлган жамиятда вужудини тотал стереотипларни акс эттирган ҳимоялаш фикрларида «ҳа лекин...», кўриниши бўйича яралган бир неча педагогик стереотипларни ажратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги педагогик янгиланиш ҳолатларида ишлатилади. Қуйида бир нечтасини санаб чиқамиз:

1. Амалиётда бир ҳолат бор. Таклиф қилинадиган янгиланиш билан ўхшаш белгилари бор мисол келтирилади. Бу ҳолатда оппонент фарқларнинг мазмунини ва ўхшашибликни инобатга олиши лозим. Икки тараф баҳс санъатига қараб, ишни тамомлашга имконият бор, бунинг учун фарқлаш, далилларга ўхшашини бошқа далилларга қарши қўйса бўлади.

2. «Бу нарса бизда чиқмайди». Бунинг учун мавжуд янгиланишни киритиш мумкин эмаслигини кўрсатувчи объектив шароитларни, ҳусусиятларни санаб чиқилади, уларнинг ҳаммаси ҳам оппонент учун таниш бўлмайди: агар у «ўзиники» бўлса, ташқи тартибни тушунтириш ортиқча, агар ичida бўлса, ўша жойдаги асосга эътибор берилади («бизда моддий асос») йўқ.

3. «Бу нарса бизнинг асосий муаммоларимизни

ечмайди». **Радикал** ечимларининг тарафдош фикри. Шу вақтда инновация ҳақиқий ривожланишнинг унча мард ва фаол бўлмаган ўтказувчининг хусусиятларига эга бўлади. Агар бош ва иккинчи даражаликнинг **интерпретацияси** кўриб чиқиладиган бўлса, уни олиб қўйишнинг имкони доимо кафолатланади.

Радикал – (лот. radix – илдиз) – туб, қатъий ва кескин чоралар, ҳаракатлар, дастурлар тарафдорлари.

4. «Буниси қайта ишланишни талаб қиласди». Янгиланишда унинг ҳақиқий камчиликлари, четланишлар, ишлаб кўрилмаган элементлар чиқиб туради, чунки ҳар қайси лойиҳа иш режасини кўриб чиқиши зарур. Лекин шуниси билан янгилашни «тайёр эмас», «охиргача ўйлаб олинмаган»и уни ишлатишда жуда керакли ҳоссасига эга бўлади.

5. Бошқа фикрлар ҳам бор. Бунда бошқа муаллифлар, мактаблар томонидан чиқариладиган мавжуд янгиланишга реал **альтернатив** борлиги тушунилади. Шунда оппонент параллел инноваторлар билан рақобат муносабатларини қўяди. Бу ҳолат масала ечиш муаммосини улар орасидаги ўзаро муносабатлар соҳасига ўтказади. Янгилашнинг ҳаётий антипедагогик кўриниши онгни ва янгиланишни ўзлаштириш босқичидаги хулқнинг келиб чиқишини характерлайди. Бошланган педагогик жараён янгиланишга ўтса, уни тўхталишига сабаб бўладиган методларнинг яхши ишлаб чиқилган тўплами мавжуд. Улар орасида энг кенг тарқалганлари қуидагилар ҳисобланади:

«аниқлашган ҳужжатлар усули» – янгиланишни, унинг мазмунини, ҳажмининг кенг тарқалишига йўл қўймаслик;

«бўлакли киритиш методи» – биргина элементнинг киритилиши;

«доимий тажриба методи» – тажрибали ҳолатда сунъий ушлаб туриш;

«ҳисобот киритиш методи» – ҳақиқий киритишнинг ўзgartериши;

«параллел киритиш методи» – янгилашнинг эскиси билан бирга пайдо бўлиши.

Элементларнинг кўпчилиги янгиларга алмашмайди, аммо улар билан боғлиқ бўлган янгиланиш ҳаракатлари давом этади.

Психологик тўсиқ билан боғлиқ бўлган янгиланишга қаршилик деган ўзгача ички сабаблар мавжуд. Улар орасида ўзини омилкор эмаслигини кўрсатишдек, шахсий мулки йўқлигидан, ўзини ўзи баҳолаш ҳақида хавотирланишдан қўрқувини айтса бўлади. Инновацияларни ўзлаштирмаслик сабабларидан бири ривожланмаган,

лекин еча олса бўладиган мотивациядир ва бу жараён ўқитувчиларда омадсизликларни енгиш усули бўлиб хизмат қиласи. Кўпинча психологик тўсиқни ифодалашда «марказлаштириш» тушунчасини ишлатадилар. Бу тушунча одатда педагогик жараён қатнашувчилари қизиқишларининг мазманий босқичларини қўрсатади. Қатнашувчининг

Стереотип – (юонча stereos - қаттиқ, кенг, фазовий) ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми. Қаттиқ, қатъий маъносини (масалан, стереотип) билдиради

шахсий марказлашуви аниқланади. Ўқитувчилар марказлашувининг раҳбарият қизиқишлари, ота-оналар қизиқишлари, касбдошлари қизиқишлари, ўқув-фанлар қизиқишлари, ўқувчилар қизиқишлари билан боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади. Янги ўқитувчи ўзининг диққат-эътиборини бир жойга жалб этиши ҳамда ўз кечинмалар ва хулқига диққат қилиши керак. Ёш ўқитувчи янгиланишга мардона интилади, агар ўзининг ишонганига ёрдам беришларига ишонса. Янги ўқитувчининг қизиқишлари, кечинмалари самарали иш үсулларига қаратилган. Тажрибаси кўпроқ, ижодкор ўқитувчилар фаолияти ўқувчилар қизиқишига марказлашган. Ўқувчини тушунишига ёрдам берувчи, у билан мулоқот ўрнатиш, унинг ривожланишига ёрдам беришга қаратилган янгиланишлар ўқитувчини қизиқтиради. Қуйидаги ҳолатда ўқитувчи фаолиятининг марказланиши фақат ўқувчиларга маълум бир мазмунни етказиш учунгина эмас, балки биргаликдаги ижодий изланиш ва ўқувчи шахсиятининг ўсиб боришига қаратилган.

5. Илгарироқ кўрсатилган педагогик тўсиқларга ижодий тўсиқларни киритса бўлади:

1. Бошқа одамларга ўхшаш, улардан ўз мулоҳазаларида, хулқларида фарқланмасликка интилишда, ижоддан устун бўлишда, **конформизмга** иштиёқ.

Конформизм (лот. conformis - ўхшашлик, мос келишилик, мослашувчанлик) – шахснинг хулқ-атворини ва фикр-мулоҳазасини бошқа одамларнинг талабларига, хулқига мос тушиши учун уларга мослаштиришга қаратилган мойиллиги. Ушбу тушунча психология фанида 2 хил мазмунда: 1) шахс-хулқ атворининг гуруҳ ёки жамоа билан ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан мос келиши; 2) шахс хулқ-атворининг гуруҳ ёки жамоа билан ташқи томондангина мос бўлиб, ички томондан эса унинг тутган йўлига қарама-қарши фикрда қолиши қўлланилади.

2. Одамлар орасида «оқ, қора» (ўзгача) бўлиш ва тентак қўринишдан қўрқув. Бу иккала йўналишлар ўқитувчининг биринчи мустақил педагогик хулқида, биринчи ижодий мулоҳазалар, педагоглар, ота-оналар, болалар орасида керакли таскинларни топмаса пайдо бўлиши мумкин.

3. Бошқа инсонларнинг фикрларини танқид қилишда ва ўзининг ёқтирмаслиги учун агрессив (сержаҳл) қўринишдан қўрқиш. Бизнинг маданий шароитимизда қўйидаги фикр кенг тарқалган: агар одамни танқид қилсанг – ўзингни ҳурматсизлигингни билдирасан.

4. Бирор инсоннинг ҳолатини танқид қилсак, у томонидан қасд қилинишидан қўрқув. Одамни танқид қилсак, одатда у жавоб реакциясини қайтаради. Шу реакциядан қўрқиб, ўз ижодий тафаккури – ривожига тўсиқ қўйишимиз мумкин.

5. Шахсий хавотирланиш, ўзига инсонмаслик, ўзини салбий **Концепция** – (лот. conceptio – мажмua, тизим) – бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар.

қўринишда ўзлаштириш (**«Мен концепцияси»**), ўз шахсиятини баҳолашда пасайишлар билан характерланади.

6. Тафаккур **риgidлаш** (**«ёпишқоқлиги»**)ни Архангельский ўзлаштирилган билимларни уларнинг хилма-хиллик имкониятисиз яхши тушуниб олиш деган хоссаси, деб қўриб чиқади.

Одатий ўйлаш қобилияти кўпчилик ҳолларда янгиликларни қабул қилмасдан, уларни четлаб ўтишга олиб келади. Ўқитувчи тўсатдан келувчи янгиликларни ўзлаштирмай туриб, ижодга интилишга

Персонификация – лотинча *persona*–“юз”, *facio* –бажараман деганидир. Табиий ҳодисалар, инсон хусусиятлари, инсон образига хос қолган тушунчаларни тақдим этиш, турли афсона, эртак, бадиий адабиётларда кенг тарқалган. Персонификация тушунчаси фалсафа, психология, социологияда кенг қўлланилади. “Онгни персонификациялаш” тушунчаси ҳам бор. Мисол учун социологияда шундай аниқлик мавжуд: “бирон-бир шахс томонидан фрустация ўйғотадиган у ёки бу индивидга бўлган воқеа учун ёки ҳолат учун айтиб қўйиш”.

уринмайди. Тафаккурнинг янги фикрларга, ўз хулқнинг моделида доимий ўзлаштиришда ихчамлиги бўлмаса, ўзгарувчан муҳитга мос кела олмайди. Дунё ўзгаради ва шу билан бирга ҳар бир одам биргалиқда ўзгариши керак. Аник, тўғри тасаввурлар ўзгармай туриб вужуд бўлмайди, деб психика тушунтиради. Эскирган тасаввурларнинг бузилиши ўқитувчининг касбий билимида камчиликка айланади ва уни янги тахминлар билан тўлдиришга уринади.

Ўтмиш ёндашувларнинг қотиб қолиш стереотипи янги фикрлар ва кашфиётлар йўлида туради. Янги усуслар педагогик қизиқишини туғдиради ва бу ҳолат ўқитувчида ўз кечинмаларини ўзи билан келиша олмай қолишига олиб келади.

Бошқа ҳолда у педагогик жамоа маданиятига «кераклича» иш қилса, ўзининг руҳий соғлигини асрой олсагина мослаша олади. Лекин бу ички келишмовчиликлар йўқлигини сезишга олиб келади.

Педагогик хулқ – бу ўз индивидуаллигининг максимал ривожланиши, ўзини мустақил бўлишини англаш демакдир. Ўқитувчи шуни билиши керакки, агар инсон ўзининг ахлоқий, интеллектуал бир бутунлигини бузса, ўз қадрият, ғояларидан воз кечса демак у баҳтсиз бўлади ва озодлигини йўқотади. Озодлик бошқаларнинг ҳамда ўз шахсини ҳурмат қилишга олиб боради. Агар ўқитувчи ўзининг ички бир бутунлигини англаб етса бошқаларга қараганда омади кам бўлса ҳам, лекин ўзига ишончи ортади. Бу ҳодиса унинг ижодий томонларини аниқлайди ва ўз фаолиятининг ўзгаришларини ижобий қабул қиласди. Бу эса қийинчиликлар билан мустақил курашга тайёр қиласди ва ўзгаришларнинг бузилишларига имконият бўлади. Жамиятда шундай маҳсус усуслар борки, у

инсоннинг педагогик фаолиятини тамомлашга мажбур этади. Ижтимоий тўсиқларни юзага келтирувчи жараёнлардан бири бирорнинг устидан кулишдир.

Инсонни енга олиш учун унинг ўз бўлмағурлигини англаб олиш ва сездириш керак. Бошқа жараён – ижтимоий статусни текшириш, ҳам юқори, ҳам паст статуслар ўз афзаллик ва камчиликларга эга. Одатда ўқитувчи афзалликлар ва камчиликларнинг қўшиб ёзиш ўқитувчининг статусини аниқлашдан сўнг ва статусга биноан амалга ошади. Бу нарса кўпроқ ўзини оқлаш ва ўз мавқеини ҳимоя қилган чуқур эҳтиёжини билдиради. Агар ўқитувчи педагогик жамоанинг кутишларига муносиб бўлмаса, унда уят ҳисси уйғонади. Шу ҳис ўқитувчи хулқини «**Мен - концепция**»сига биноан бошқаради. Шу концепция шахсий тажриба эмас, балки маданият натижасидир. Энг мухим жараёнлардан бири – **персонификация** ижтимоий ҳаракатларни аниқлайди. Персонификация **проекция ва идентификация** механизmlарини бажарувчи, салбий хулқ ва одатлар қандай сабабларга кўра ўқитувчига

Проекция – (лот. projectus – олдинга ирғитилган) – бирор нарсанинг текислик (қофоз)ка туширилган тасвири.

Йўналтирилади. Бундай ҳолатда инноватор - ўқитувчининг салбий одатлари: уришқоқ, маҳмадона, касбий билим ва кўниқмаларни унча билмайди, ўзидан қўшиб ёзадилар.

Бундай ўқитувчилар педагогик фаолиятни олиб боришга ҳалақит беради. Психологик тўсиқлар “комплекслар”ини яхши ўзлаштириб улардан воз кечиши зарурдир. Педагог хулқининг ички дунёсини стандартлаштирилиши педагог фаолиятида йўл-йўрик, қонунлар жуда катта аҳамиятга эгалиги билан кузатилади. Онга педагогик фаолиятнинг шахссиз тайёр намуналари кўпайиб боради. Бироқ, жамиятнинг ривожланиши ўқитувчидан педагогик ҳулқни, яъни фаол ва тизимли ижодни унинг педагогик фаолиятида талаб қилинади.

6. Ўқитувчининг педагогик фаолиятини олиб боришга ҳалақит берадиган психологик тўсиқларни умумлаштириб янгилик киритишларга ўқитувчиларнинг кўпроқ қаршилик билдиришини келтирадиган сабабларни таъкидлаб ўтиш зарур.

1. Ўзгаришнинг мақсади ўқитувчиларга тушунирилмаган яширин, гапнинг икки маъноси хавотир ва номаълумликни келтиради. Номаълумдан қўрқув ҳар қайси янги усулга ўқитувчиларни йўллаши мумкин.

2. Ўқитувчилар янгиликни киритишда режалаштириш ва ишлаб

чиқаришда қатнашмаганлар.

3. Жамоа анъаналарини эътиборга олмаслик ва ўз ишининг одатий усулига риоя қилиш.

4. Янги усулларга субъектив муносабат ва қўрқув, статусни йўқотиш хислари.

5. Иш ҳажмининг кўпайиши раҳбар ўқитувчилар фаолиятида ўзгаришларни режалаштирмаслиги оқибатида қўрқиш пайдо бўлади.

6. Янгилик киритувчи ташаббускор одам ҳурмат ва ишончга эга бўлмаса. Афсус, кўпинча ўқитувчилар лойиҳага эмас, унинг муаллифига қарайди. Агар бу инсоннинг ҳурмати паст бўлса, педагог унинг қадрлигига қарамай, бу одамга ишончсизлиги унинг ғоясиغا ўтказилади. Ўқитувчи ижодкорлигини шахсиятнинг ахлоқий муносабатига қараб мулоҳаза қилиш мумкин. Агар ижодий фаоллик асоссиз ва мавжуд қадриятларга эътиборини қаратмаса, демак бу фаоллик жуда хавфли. Ёш ўқитувчининг билим бериши ва касбий фаолиятида ижодий ривожланиши учун кўп вариантли ечимларга олиб борувчи машқларни топмаганлар. М.В.Клариннинг «Чет эл педагогик изланишларда таълимотнинг педагогик моделлари» монографиясида юқори синф ўқувчилар билан дарсларни ташкиллаштириш асосига қўйилган қўйидаги масалалар тақдим этилади:

-ижодий яратишларда ички тўсиқларни йўқотиш.

Ўқувчилар ижодий изланишга тайёр бўлса, уларга ўқувчилар ва ўқитувчилар билан ўзаро муносабатларда ўзида ишончни ўрнатишга ёрдам бериш лозим. Улар қабул қилинадими ёки улар устидан куладими, лекин ушбу хавотирланишга йўл қўймаслик керак. Улар хато қилишдан қўрқмаслиги лозим;

-онгсизликда ишга эътибор бериш. Агар муаммо дикқатнинг марказида жойлашмаса ҳам миянинг онгсиз қисми унинг устида ишлайди. Айрим ғоялар бир ойда чиқиб қолса ҳам уларни вақтида эслаб қолиш керак ҳамда тушунтириб, жойлаштириб қўйиш ва улардан мақсадли фойдаланиш лозим;

-баҳолашдан четда юриш. Бу ҳам ўқувчиларнинг ғоялар оқимини кенгайтириш, муаммонинг устидан эркин фикрлашига кўпроқ вақт ва эътибор беришга имконият беради. Ўқувчиларга ижодий изланиш ва янги тасаввур боғланишларининг топилиши учун метафора ва ўхшатишларни ишлатилишига имконият бериш ҳисобига кенгаяди. Ўрта ва олий мактабларда ихтиrolар билан ишлаш, образли тафаккурга чақириш, образларнинг яратилишида ва уларни англашига йўналтиришда спонталликнинг бирлашувини киритади;

-ақлий машқлар имкониятини бериш. Бошқа ҳолатларда ўрганиш учун ўқувчиларга машқлар берилади, сабаби-ечимни топиш

ҳолатида улар буни ўзгача ҳис этади, ўзини йўқотишга йўл қўймаслик;

-тасаввурнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш. Бу ижодий ўйлашнинг асоси ҳисобланади. Тасаввурни, ҳаёлни ўз жойига қўйиш, уларни назорат қилиш, ички озодалик, тартиб яратиб бўлинганидан сўнг ҳамма гаплар мулоҳаза қилинади;

-Ўзлаштиришни ривожлантириш, сезиш, ўзлаштиришни кенгайтириш ва тўлдиришларни кучайтириш.

11.Ўқувчиларга уларнинг ижодий фаолиятидаги маъносини умумий йўналишларини англашга ёрдам бериш, ўз имкониятларнинг ривожланишини билиш. Бундай тушунчасиз ижодий фаолиятни кучайтирадиган машқлар ўйин сифатида ўзлаштирилади.

Юқорида санаб ўтилган маслаҳатлар эркин мулоқотда, фикр-алмашувда, ижодий баҳслашувда экспериментал иш жараёнида бўлиб ўтиши мумкин. Машғулотларнинг ташкил этувчи шарт-ўқувчиларни ижодга шахсий киритиши экан. Шундай таълим, билим, идрокларни шахсият соҳасининг шаклланишига киритади, юқори синф ўқувчилари очик, ўзлаштириш ва бошқа нуқтаи назарини тушуниши учун қобилиятларни ривожлантиради.

Мисол учун қобилиятлар ривожланишининг натижасини кўриб чиқамиз: «Шуни кўриб ўтиш керакки, ҳозир нималарни мулоҳаза қилса, уни ҳаммасини тушунармикан..? Нимага у ўз қарашига мени ишонтиromoқчи?». Менимча: «маълумотларим етарли эмас: етмаган тўла-тўқисларни билиб олсан, яхши бўлади... У ноҳақ деб айтяпманми ёки очиқласига ўз муносабатимни билдирияпманми? Бу ҳолда мен ишончлироқ тарзда ўз фикримни ўзгартиришим керак». Ўқувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантириш методларини ва мазмунини дидактик излаш билим ва усувларни шакллантиришга олиб келди. Шундай тадқиқий мўлжал ўқув жараёнига педагогик ёндашувни ўзига хос тарзда йўлга қўйишни тақозо этади. Бу эса ўз ўрнида таълимнинг мақсади ёш ўқитувчиларда янги тажриба, касбий – тадқиқий фаолиятда янги билимлар билан қуролланишни, ролли ва ўхшатиш каби моделлашларни ўзлаштириш имкониятини яратади.

Болалар томонидан мазмунан маълумотларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган аниқ шаклларга мурожаат қиласиз. Таълим моделларининг мисоллар орасида биз муаммоларни тизимли ечим асосида ижобий изланишнинг ташкиллаштиришни баҳслашув ва дидактик ўйинларини ажратамиз. Санаб ўтилган моделлар орасида биз дидактик ва ролли ўқув ўйинларига алоҳида эътибор қаратамиз. Дидактик ўйинлар методикасининг асосийлари уларнинг тизимида ўрнатилган 4 босқични ажратса бўлади.

Ориентация – ўрнатиладиган мавзунинг тасаввури, ўхшатилиши

ва унинг қоидалар характеристикаси, ўйин муроҳазаларининг баёни, ўйин ўтказишида унинг саҳналаштириши, ўйин мазмунининг деталларини ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга. Саҳна – бу ўйиннинг ташкилий ва сюжетли схемаси, умумий режаси экан.

Саҳна одатда ўз ичига шундай билимларни киритади: қийин ҳолатнинг тасвири, ўйин атрибутлари: ўйин ҳаракатларининг ўйин қатнашувчиларнинг репертуарини ишлаб чиқариш; ўйин қатнашувчилар учун методик кўрсаткичларни яратиш.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогик фаолиятдаги психологик тўсиқлар нималардан иборат?
2. Когнитив ва регулятив психологик тўсиқлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Ҳимояланишнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг хусусияти қандай?
4. Идентификация –инсон хулқини ўзлаштиришда қандай аҳамият касб этади.
5. Ижодий тўсиқларни педагогик тўсиқлардаги ўрни нимадан иборат?
6. Янгилик киритишга қаршилик билдирувчи қандай сабаблар мавжуд?

ТЕСТЛАР

1. Педагогик фаолиятдаги психологик тўсиқлар, булар...
 - а) қадриятларнинг янгиланиши, уларнинг ўзгарувчанлиги, қонунларнинг қадрсизланиши;
 - б) инсоннинг ички ва ташқи муҳитдан келиб чиқувчи маълумотларнинг ҳаммаси қадриятлар ва тўсиқлар томонидан кузатилиши;
 - в) янги ва номаълум ҳодисалардан инсоннинг қўрқув ва хавотир ҳисси;
 - г) индивидуал ва жамланган онгнинг стереотип бўлиши.
2. Когнитив ва регулятив психологик тўсиқлар....
 - а) янги нарсаларга сезгириликнинг йўқлиги, пассивлик;
 - б) янгиликни ўзига ишончсизлик, янгилик киритишга фаол қаршилик;
 - в) ҳаракатларни негатив психик кўринишда бўлиши;
 - г) барча жавоблар тўғри;

3. Ҳимояланишнинг турлари қуйидаги қайси жавоб вариантида тўғри берилган?

А) қўрқув, ишончсизлик, ҳавотирланиш, ишончни пасайиши;

б) номаълум муносабатга ижобий, қўрқув ва янгиланиш билан қизиқишнинг аралашмаси;

в) педагогик жасорат, дадиллик, қатъийлик, ўз фикрини ҳимоя қила олиш;

г) инкор этиш, сусайиш, рационализация, идентификация, ўрин алмашиш;

4. Инсон хулқини ўзлаштиришда идентификациянинг ўрни...

а) бир-бирига яқин, ўхшаш жиҳатларни ўзлаштириш;

б) ўзини “наъмуна” ўрнида кўрсатиш;

в) ўзини бирон-бир одам билан солиштириб кўриш;

г) онгсиз равишда ўзини бошқалар билан қиёслаш ва ёқсан сифатларни ўзгага ўтказиш;

5) Педагогик тўсиқларда ижодий тўсиқларнинг аҳамияти...

а) иштиёқ, қўрқув, танқид қилмаслик, шахсий ҳавотирланиш, ишонмаслик;

б) бирор инсонни ҳолатини танқид қилмаслик, қасд олишдан қўрқув, регитлаш;

в) ўзини салбий кўринишда ўзлаштириш, шахсий ҳавотир, ўзига ишонмаслик;

г) янгиликни қабул қилмай четлаб ўтиш, ўзини ёқтирмаслиги, сержаҳлилк;

6. Янгилик киритишга қаршилик кўрсатувчи сабаблар қайсилар...

а) номаълумдан қўрқиши, янгиликни киритишда режалаштириш, ишда қатнашмаганлик;

б) жамоа анъаналарини эътиборга олмаслик, субъектив муносабат, қўрқув, статусни йўқотиш;

в) баҳолашдан четда юриш, таҳлил қилишга уқувсизлик, хулоса чиқара олмаслик;

г) янгилик киритувчи ташаббускор одам, ҳурмат ва ишончга эга бўлмаса;

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: 1998.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. –Т.: 2008.
3. Педагогик изланиш. Муаллифлар жамоаси. –Т.: Ўқитувчи. 1990.
4. Ишмуҳамедов Р. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар.- Т.:2010.
5. Саидахмедов Н. Интерфаол усуллар. –Т.:Университет. 2004.
6. Турғунбоев К., Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. Андижон. 2008.

МАТНДА ИШЛАТИЛГАН АТАМАЛАРНИНГ МАНБАЛАРДАГИ ИФОДАСИ

ИМЕН	© Таълимда инновацион технологиялар. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. –Т.: Истеъдод, 2008. -180 б.
Резонатор	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 204-бет.
Имитация	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 4-жилд. –Т.: 2002, 129-бет.
Интуиция	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 4-жилд. –Т.: 2002, 188-бет.
Инфантализм.	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 4-жилд. –Т.: 2002, 188 бет.
Фрустация	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 9-жилд. –Т.: 2005, 332-бет.
Вектор	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2-жилд. –Т.: 2001, 412-бет.
Статус	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 8-жилд. –Т.: 2004, 60-бет.
Стерео	© Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 8-жилд. –Т.: 2004, 64-бет.
Фасилитация	© Таълимда инновацион технологиялар. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. –Т.: Истеъдод, 2008. -180 б.
Конформизм	© Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 205-бет.
Контекст	© Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон

		файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 203-бет.
Парадигма	©	Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 321-бет.
Интерпретация	©	Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 169-бет.
Генерация	©	« http://ru.wikipedia.org/wiki
Парадокс	©	Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 321-бет.
Персонификация	©	http://ru.wikipedia.org/wiki
Полилог	©	« http://ru.wikipedia.org/wiki
Психодрама	©	« http://ru.wikipedia.org/wiki
Ригид	©	« http://ru.wikipedia.org/
Классификация	©	Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 197-бет.
Консилиум	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 5-жилд. -Т.: 2003, 9-бет.
Концепция	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 5-жилд. -Т.: 2003, 23-бет.
Аксиология	©	Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 17-бет.
Ассоциация	©	Фалсафа қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, -Т.: 2004, 38-бет.
Декларация	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 3-жилд. -Т.: 2002, 243-бет.
Альтернатив	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 1-жилд. -Т.: 2000, 246-бет.
Вариация	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2-жилд. -Т.: 2001, 388-бет.

Модификация	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 6-жилд. –Т.: 2003, 44-бет.
Моно...	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 6-жилд. –Т.: 2003, 75-бет.
Мотив	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 6-жилд. –Т.: 2003, 97-бет.
Мульти...	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 6-жилд. –Т.: 2003, 123-бет.
Оптимизм	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 6-жилд. –Т.: 2003, 553-бет.
Параметр	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 6-жилд. –Т.: 2003, 680-бет.
Позиция	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 107-бет.
Проекция	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 175-бет.
Радикал	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 222-бет.
Эрудиция	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 10-жилд. –Т.: 2005, 262-бет.
Сарпарда	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 527-бет.
Полифония	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 130-бет.
Реакция	©	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-жилд. –Т.: 2004, 280-бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.

Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –10Т .: Шарқ, 1997.

3. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– Т.: Шарқ, 1997.

4. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: "Шарқ" 1998.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: 1998.

8. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: 1998.

9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият" 2008.

10. Натанзан Э.Ш. Приёмы педагогического воздействия. –М.: 2002.

11. Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Т. ТДПУ. 2004.

12. Турғунбоев К. ва Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. –“Андижон нашриёт-матбаа”. 2008.

13. Мавлянова Р.А. Бошланғич таълимда инновация. -Т.: 2007.

14. Ишмуҳамедов Р. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: 2010.

15. Турғунбоев К, Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. –“Андижон нашриёт-матбаа”. 2008

16. Йўлдашев Ж.Ф. Педагогик технология асослари.- Т.: 2004

17. Толипов Ў. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. -Т.: 2006

18. Айсмонтас Б.Б. Педагогическая психология: схемы и тесты. – М.: 2006

19. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. –М.: Знание. 1989

20. Саидахмедов Н. Интерфаол усууллар. -Т.: “Университет”, 2005.

21. Азизходжаева А.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Т: 2006.

22. Мавлянова Р.А. Бошланғич таълимда инновация.-Т.: 2007.

23. Каджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах. «Айрис-прес». 2006

24. Саидахмедов Н. Замонавийлик. Методология. Педагогика. ж. Узлуксиз таълим. 2004,1, 2.

25. Турғунбоев К., Тешабоев А. Педагогика назарияси ва тарихи. Андижон, 2010. Ишмуҳамедов Р. ва бош.қ. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.:2010.

26. Ишмуҳамедов Р.Ж. ва бош.қ Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2-китоб).-Т.: ТДПУ. 2009.
27. Ишмуҳамедов Р.Ж. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубиёти.-Т.: РБИММ.: 2008.
28. Ҳасанбоев Ж ва б.қ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. -Т.:Фан ва технология. 2009.
29. Турғунбоев К., Тешабоев А. Педагогика назарияси ва тарихи. Андижон. 2010.
30. Поляков С.Д. В поисках педагогической инноватики. –М.:1993.
31. Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Жур. "Педагогика" 1993. №2.
32. Саидаҳмедов Н. Интерфаол методлар. -Т.: "Университет". 2005.
33. Ишмуҳаммедов Р.Ж. ва бошқалар. Тарбияда инновацион технологиялар. -Т.:2010.
34. Педагогик изланиш. Муаллифлар жамоаси. –Т.: Ўқитувчи. 1990.
35. Таълимда инновацион технологиялар. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. –Т.: Истеъдод, 2008. -180 б.
36. <http://ru.wiktionary.org/wiki>
37. <http://ru.wikipedia.org/wiki>

Босмахонага 2010 йил 26 ноябрда берилди. Чоп этишга 2010 йил 31 декабрда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 8,25 босма табоқ. Буюртма 648. Адади 200 нусха.

«Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71-уй.